

САЙФУЛЛА ТУРСУНОВ
БОБОНАЗАР МУРТАЗОВЕВ
ОРИФ АЛЛАНОВ

ХАЛҚ
ҲИКМАТЛАРИНИНГ
БАРКАМОЛ АВЛОД
ТАРБИЯСИДАГИ
АҲАМИЯТИ



САЙФУЛЛА ТУРСУНОВ
БОБОНАЗАР МУРТАЗОЕВ
ОРИФ АЛЛАНОВ

ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2014

8926

УЎК: 398.3(575.1)

74.200.25

T91

Турсунов, Сайфулла

Халқ ҳикматларининг баркамол авлод тарбияси-
даги аҳамияти/С. Турсунов, Б. Муртазоев, О. Алла-
нов. – Тошкент: «Yangi nashr», 2014. – 176 б.

КБК 74.200.25

ISBN-978-9943-22-138-3

Тақризчилар:

*филология фанлари номзоди, профессор Ж. Омонтурдиев,
тарих фанлари номзоди, доцент О. Бўриев,
тарих фанлари номзоди, доцент Т. Пардаев*

Ушбу китобда аجدодлардан мерос қолган миллий кадриятларимиз, бой маънавиятимизга хос одоб-ахлоқ ва уларга оид ҳикматлар дурдонаси, шу дурдоналарнинг ижтимоий-маънавий илдизлари, уларнинг ҳаётий негизлари тўғрисида фикр юритилади. Мустақил юрт тарихи, кўҳна заминда аجدодларимиз яратиб қолдирган моддий-маънавий меросни тиклаш, ўрганиш ва янада кенгроқ тарғиб этиш асосида баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ёритилади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Айниқса у ёш китобхонларга ибратли ҳаётий хулосалар чиқаришга кўмаклашади, деб умид қиламиз.

ISBN-978-9943-22-138-3

© «Yangi nashr» 2014 й.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари моддий-маънавий маданиятни тиклаш ва ўрганиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, бу ютуқларга эришишда шарқона одоб-ахлоқ соҳасидаги маънавий бойликлар, буюк мутафаккирларимизнинг ибратли ҳикматлари, панд-насихатлари муҳим аҳамият касб этди. Миллий маънавиятимизда одоб-ахлоқ билан боғлиқ пурмаъно фикрлар, ғоялар, қарашлар асрлар оша халқ маънавиятида мустаҳкамланиб, ҳар бир инсон, оила, маҳалла, қишлоқ, шаҳар ва давлатлар тақдирини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Халқ ҳикматлари инсон тафаккури ривожига билан такомиллашиб, янги авлод камолотига фойдаланиш ҳаёт тажрибаларини яратиб, мукаммаллашиб борди.

Ўтмиш аجدодларимизнинг ҳикматлари оила, фарзанд, маҳалла, юрт тинчлиги учун хушёр, огоҳ бўлишга, умуман, эзгу ишларга ундайди. Аксинча, айтилган ноаниқ ёки қўпол бир сўз кишилар ўртасида тушунмовчиликлар келтириб чиқариши, нохуш ҳолатларга сабабчи бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, эндиликда миллий маданиятни, унинг руҳий ва маънавий кадриятларини тиклаш бизнинг энг асосий мафкуравий вазифаларимиздан бири сифатида олдинги ўринга чиқиши керак.

Ушбу китобда шарқона одоб-ахлоққа оид миллий маънавий ҳаёт, унинг жамият, давлат, халқ ва оила олдидаги вазифаси ҳақидаги ҳикматлар изоҳланган. Шунингдек, ватанга муносабат, оилани бошқариш маданияти ҳамда бозор одоби билан боғлиқ ҳикматлар дурдонаси ҳам жамланганки, ундан ҳар бир инсон ўз тафаккурини бойитиш олиши мумкин.

Мазкур китобда дунё илм аҳлининг ибратли фикр-мулоҳазалари, инсон қалбида иймон ва адолатни чўғлан-тирувчи ва мустаҳкамловчи ахлокий ўғитлар, ҳадислардан ҳам ўринли фойдаланилди. Китобни қимматли манбалар билан бойитишда, янада мазмунли килишда, китобхонлар талаб-эҳтиёжларига мос келиши учун дунё халқларининг ибратли ҳикматларидан, алломалар, олимлар, донишмандлар ҳамда халқимиз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб яратилган мақоллар ҳамда ҳикматлардан ми-соллар келтирилди.

Миллий маънавиятимизда ҳикматлар дурдонасига хос, одоб-ахлоқ ҳақида жуда кўплаб китоблар, рисоалар ва мақолалар яратилган бўлиб, ҳали бундан кейин ҳам яра-тилади. Китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни муаллифлар самимий қабул қиладилар.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ОМИЛИ

Халқимизнинг бой маънавий-ахлоқий мероси давлат, жамият, раҳбар, олиму фозил, ота-она, дўст-биродар, ака-ука, опа-сингил, қўни-қўшни, маҳалла, элчилар, сай-ёҳлар ва бошқалар ўртасидаги муносабатлар жараёнида асрлар оша такомиллашиб, сайқаллашиб, ҳикматларга айланиб борди. Мустақиллик туфайли ана шу ҳикматларни қайта ўрганиш, йиғиш, тўлдириш имконияти кучайди. Ўзбек халқи ана шу ҳикматларни асрлар оша бойитиб авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтказиб, бошқа халқларнинг маънавий меросидан ҳам ўзларининг ҳаётий йўлларида фойдаланиб, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаб келди. Илк аждодларимиздан то ҳозирги давргача ўтган буюк донишмандлар умрларини илму фанга бағишлаб, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб оламдан кетар чоғи, мен ҳаётдан ҳеч нарса билмай кетмоқдаман, деганлар. Не ажаб, ҳаёт илмини тугал англамоққа нафақат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди. Халқимиз имон-эътиқодига қатъий амал қилиб, йўл юриб кетаётган инсофли одам беҳосдан чуқурликка тойиб кетса, ўрнидан туриб, этак қоқиб кетавермайди. Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасин, деб чуқурни текислаб қўяди, ё бўлмаса, бирорта таёкни суқиб белги қолдиради. Бу, эй йўловчи, эҳтиёт бўл, бу ерда чуқур бор, кўзингга қара, деган ишора бўлади. Боболар ҳикмати ана ўша таёқдир.

Одамлар бошқаларни ўйлаб бекилган булоқ кўзини очадилар, дарахт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташналик азобини кўрмасинлар, очликдан, офтоб тиғидан қийналмасинлар, дея шундай қиладилар. Боболар ҳикмати ана ўша булоқ, ана ўша дарахтдир.

Одамлар масжид ва мадраса курадилар. Йўл солиб, кўприк қиладилар, карвонсаройлар тиклайдилар. Ўзларидан кейин келувчилар ҳам имонли, илм-маърифатли бўл-

синлар деб, эллар, юртлар ўртасида яхши борди-келдилар бўлсин деб шундай қиладилар. Боболар ҳикмати ана ўша йўл, кўприк ва карвонсаройлардир.

Ҳикматлар... Ҳар куни ҳар биримиз ҳар кимдан эшитиб, ҳар кимга айтиб юрадиган ҳад-ҳисобсиз ҳикматлар. Мозийдан бизнинг замонамизга асрлар оша, авлодлар ва аجدодлар оша, эллар ва элатлар оша, тиллар ва диллар оша етиб келган бу ҳикматлар халқ тафаккурининг халқ ҳаёти тажрибасидан келиб чиқадиган хулосавий фикрларнинг ихчам ва кўркам бир бадий ифодасидир. Уларнинг ҳар бирида бутун-бутун китобларга татиғулик кенг ва чуқур маъно жо бўлган. Шу боис халқ асрлар давомида яратган, сайқал берган ҳар бир ҳикматни тўлақонли етук бир бадий асар десак, муболаға қилмаган бўламиз. Маънавиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) ҳикматларнинг онаси халқ, халққа донолик бисотини китоблар туфайли етказиш бебаҳо хазина, деб таъкидлайди.

Дўстларни чорлаб ёзинг бир нома,

Суҳбатда бўлсин ҳар бир аллома.

Ҳикматдан ясаб ажиб ҳангома,

Илмдан яратинг бир насиҳатнома.

Хўш! Ҳикмат дегани нима ўзи? Ҳикмат сўзининг луғавий маъноси – ўта донолик, ақл-заковат билан оқилона айтилган, «михлаб қўйилган», ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гап, демакдир. Халқ ижодиётининг ўзига хос бўлган бу жанри оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабиётда ҳам турли хил атамалар билан номланади: мақол, матал, нақл, масал, зарбулмасал, ҳикматли сўз, ибора, таъбир, афоризм, оталар сўзи, ота-боболардан қолган сўз ва бошқалар.

Халқимизнинг кўпмингйиллик инсонпарварлик, ватанварварлик, меҳр-шафқат, одоб-ахлоқ, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби улуғ тамойиллари авлодларнинг ор-

зу-умидларига, келажакка бўлган ишончига йўл очиб берди. Мутафаккир Аҳмад Донишнинг (1826 – 1897) «инсон буюк оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир», деган, файласуфона фикрида ўзбекка хос меҳмондўстлик, бағрикенглик, ҳалоллик намоён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек миллий одоб-ахлоқи диний-мафкуравий босқичлар жараёнида ҳам ўзбекка хос феъл-атвори мустаҳкамлашга имконият яратди. Халқимизнинг табиатнинг тўрт унсурига: куёш (олов), ер (унумдор тупроқ), сув (оби ҳаёт), ҳаво (сиҳат-саломатлик) га бўлган руҳий ва жисмоний ишончи диний-фалсафий нуқтаи назардан унинг онгига синггиб борган. Ҳозирги кунда энг катта глобал масала бўлган экологик муҳитни ҳимоя қилиш, табиатга бўлган меҳр-муҳаббат масалалари бундан 4 минг йил илгари пайдо бўлиб, зардуштийлик дини ғояларида табиатни экологик жиҳатдан ҳимоя қилиш фикри сингдирилганини таъкидламоқ керак. Илк аجدодларимиз табиатни, унинг неъматларини эъзозлаш, муқаддас сақлаш, қадрига етиш, ифлос қилмаслик, табиатга, инсонга тўғри фикр, тўғри сўз, тўғри амал билан қараш ғоясини тарғиб этганлиги ўзбек одоб-ахлоқида бошқа халқларга нисбатан эртароқ шаклланганлигидан маълумот беради. Ўзбек одоб-ахлоқида эзгулик ёвузликнинг ҳар қандай кўринишидан ғолиб чиқиши, хотиржамлик ҳар бир инсонга хос эканлиги, азоб-уқубатлардан қутилишнинг йўли ақл, муомила ва меҳнат натижаси эканлиги, ортиқча кўнгилхушликдан ўзини тийиш, мунтазам ичкилик ичмаслик, ёлғондан, ўғрилиқ, таъмағирлик, юлғичлик ҳолатларидан сақланиш ҳақидаги ахлоқий фикр буддавийлик таълимотида илк аجدодларимиз томонидан бундан 2 минг йил илгари асослаб берилганлиги ўзбек халқи миллий одоб-ахлоқининг эътиқоди бўлиб ҳисобланади.

Ислом динига ҳурмат билан қараш, ислом дини уламо ва алломалари яратган ҳукукий, фалсафий, ахлоқий ғояларга чуқурроқ ёндошиш, ибратли ахлоқ ва одоб меъёрлари – эзгулик йўлидаги инсон камолотини янада риво-

жлантириш, миллий одоб-ахлоқда мурувват, олийжаноблик, ростгўйлик ва тўғрилиқ инсон иймон ва эътиқодининг мазмун ва моҳиятини ташкил этганлиги ва ҳозирги ахлоқий ғояларни шакллантиришда муносиб ҳисса қўшганлиги тарих саҳифаларида ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида шарқона ахлоқий қоидаларга амал қилиш вақт-бевақт, айниқса, рўза ва қурбон ҳайитларида ота-оналардан, кексалардан, ногиронлардан, боқувчисини йўқотганлардан хабар олиш каби қадимий, миллий одоб-ахлоқимизнинг удумлари қайта тикланди. Энг муҳими ислом илми ҳадисларида алоҳида таъкидланган «илмга ҳаёт берганлар ҳеч қачон ўлмайди», «илм талабида бўлиш ҳар бир мўмин учун фарздир», «эркак ва аёл барча мўмин-мусулмонларнинг илм ўрганишлари фарздир» деган тафаккурга асосланиб, халқимиз фарзандларини туғилган давридан бошлаб, одобли, бардошли ҳамда касб эгаллашга ўргатиб, тарбиялаб келадилар. Миллий эътиқодимизда миллатимизни улуғлайдиган нарса тилимизнинг мукаддаслиги, моддий ва маънавий меросга бойлиги ва тил туфайли инсон улуғ ва донишманд бўлиши алоҳида таъкидланган. Халқимиз «оталар сўзи» китобида таъкидланган: «тилим тинч бўлса, дилимда ўкинч бўлмайди. Эй Тилим, жим ётгин, дилим тиғлама, мени ўтга ёқиб, ўзинг йиғлама» деган иборага алоҳида ибрат билан қарайди. Ҳазрат Навоийнинг:

*Тилга кучи ета олган — донишманддир,
Сўзга эрк берган — насткаш ахлоқ,*

деган буюк ибораси асрлар оша халқимиз маънавиятининг юксак намунаси сифатида ҳар бир оилага муносибдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек миллий одоб-ахлоқида маънавий-ахлоқий оламга янгилик сифатида кириб келган коммунистик мафкура ва унинг шарқона одоб-ахлоқдаги салбий оқибатлари, яъни одобсизлик, судхўрлик, таъмагирлик, лоқайдлик ва боқимандалик

ҳолатлари моҳиятининг ачинарли, фожиали таъсиридан кутилиш учун онг ва тафаккурда ўзбек миллий меросини, миллий ўзликни, онг ва тафаккурни тиклаш туфайли эришиш мумкин. Ўзбек одоб-ахлокига хос фасл, ой ва кунларнинг алмашиши халқимизнинг деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва маданий дунёқарашига катта таъсир кўрсатганлигини тарихий воқеа-ҳодисалар асосида таҳлил этмок керак. Фаслларда халқимиз эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни ҳамиша ишонч, ғурур билан қабул қилиб, наврўз, меҳржон, гул сайиллари, ҳосил байрамларида меҳр-оқибатга алоҳида эътибор берса, хотира ва қадрлаш куни, мустақиллик байрами, давлат тили байрами, давлат рамзларига бағишланган байрамларда мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, инсонпарварликка хос туйғуларни тараннум этадилар. Ўзбек миллий одоб-ахлокига хос жанговарлик, мардлик, матонат ва лафз ҳалоллиги, бағрикенглик, саховатпешалик ва ҳожатбарорлик фазилатлари билан йиллар давомида йиғиб-териб элга дастурхон ёзиш, тўй-томоша қилиш, маросимларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш удумлари дунёнинг бошқа жойларида камдан-кам учрайди. Байрамларда халқимизга хос «ҳашар — элга ярашар» миллий одоб ахлокига асосланиб, ҳашар иштирокчиларига турли таомлар пишириб, патир, қатламаларни дастурхонга тақдим этсалар, кексалар маслаҳат бериб меҳнат тажрибаси билан иштирок этадилар. Ҳашар туфайли юрт обод бўлиб, ариқ-зовурлар тозаланиб, боғлар яратилиб, ер ҳайдаш, ҳосилни йиғиб олишда «ўрок ҳашари», «кўмак оши», «ўтин оши», «қовун сайли» каби анъаналар асрлар оша яшаб келмоқда.

Миллий одоб-ахлоқимизда номоддий маданиятимизга хос халқ ўйинлари, кураш, кўпқари, чиллак, «қулоқ тиллатиш», «қалин бериш», «бешиққа белаш», «суннат», «ақиқа», «мучал», «ёш тўйи», «нуроний», «келин тўй» каби меҳр-муҳаббатга, қариндош-уруғликка, дўст-ҳамкорликка чорловчи миллий удум ва анъаналар, ўзбекона расм-русмлар ўзининг қадимийлиги, ўзгармаслиги, ин-

сонпарварлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, ўзбек миллий одоб-ахлокида оила, оилани ташкил этиш билан боғлиқ расм-русумлар, ўғил уйлантириш, келин танлаш, қиз узатиш, куёв танлаш, «тенг-тенги билан» каби ғоялар асосида оила қуришга оқ фотиҳа беришдек анъаналар ўзининг қадимийлиги билан дунё аҳлини ўзига жалб этади.

Ўзбек миллий одоб-ахлоқининг давом этиши халқимизнинг азалий доно, ақл-тафаккур, маънавий бой бўлиши билан бирга, анъаналар, урф-одатларга ҳамоҳанг уйғунлашиб бормокда. Имом Термизий, Исо Термизий, Имом Бухорий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ҳабиб Абдуллаев, Яхёё Ғуломов каби миллий ор-номус, виждонимизни ҳимоя қилувчи буюк сиймолар ўтганлиги ўзбек миллий одоб-ахлоқининг ривожланишига сабаб бўлди.

Иқтисодий тараққиёт миллат равақининг асосий оила таянчи, оилавий ришталарни мустаҳкам боғлайдиган муносабат ҳисобланган. Ўзбек оиласи болажон, ўғил туғилса суннат, ақиқа тўйи қилиб, мевали дарахтлар экиб, катта тўйларга тайёргарлик кўрган, қиз фарзанд туғилган кундан сеплар йиғилиб, ор-номус учун «ёр-ёр» айтилишни интиқ билан кутган. Шарқона одоб-ахлоқимизга хос фарзандларимизни ўқитиш, уйли-жойли қилиш, касб орқали меҳнатдан обрў топиш ҳар бир ота-онанинг фарзанд олдигаги бурчи ҳисобланган. Ўзбек миллатига хос ор-номус, бола тарбиясига муносабат, фарзандни жанговар, паҳлавон, мард, жасур қилиб тарбиялаш одатлари алоҳида сингдирилган.

Ўзбекларга хос «Ўзбек бойиса иморат куради» деган нақл, ўзбек иморатсозлигининг нодир фазилатлари, унда эъзозланаётган туйғу ўзининг такрорланмас ва энг юксак чўккисига эришганлигини, шу асосда ўзбек давлатчилигига шаҳарсозлик борасидаги тажрибаси мустақиллик йилларида давлат бошлиғининг иморатсозликда бош меъморлик қилиши жаҳон халқлари таҳсинига сазовор бўлиб, амалга оширилган ободончилик ишларида биронта ҳам меъморий ёдгорлик бузилмасдан тузатилиб, таъмирла-

ниб, гўзал жозибига эга бўлди. Қадимий ўзбек меъморчилиги равнақ топиб, замонавий шарқона усулда янада такомиллашиб, мамлакат кўркига кўрк қўшди. Ўзбек номи ва миллий эътиқоди бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди, бизга хурмат нуқтаи назаридан қаралмоқда.

Ўзбек одоб-ахлокига жуда кўп олиму фозиллар алоҳида эътибор бериб қарамокда. АҚШнинг Чикаго шаҳрида чоп этилган 200 минг нусхадан иборат «Жаҳон комусий лугати» китобида ўзбек менталитети алоҳида изоҳланган. Унда «Ўзбек – жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроклашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат», деган фикр берилган.

Ўзбек одоб-ахлоқи ҳақида фикр юритишда буюк алломалар ва донишмандларнинг ҳаёт тажрибаларидан, уларни миллатимизга берган таъриф-таснифидан келиб чиқиб, ўзбекларнинг пойдевори мустаҳкам ва пойдор, бардавом этувчи, келажаги янада порлоқ давлатга эга, уюшган халқ бўлиб, миллат бўлиб боришдек олий мақсад кўзланганлиги ёрқин намоён бўлади. Ҳурматли Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон... Тарихий хотирасиз келажак йўқ» иборалари миллийлигимизни, ўзлимизни, Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро мустақиллигини, унинг нақадар муқаддас эканлигини англаб етиб, ўзаро ҳамжиҳат, бағрикенглик, фидойилик асосида янада мукамал фикр юритиши келажакимизнинг порлоқ эканлигидан далолат беради.

КОМИЛ ИНСОН ТУРМУШ ТАРЗИГА ЧИЗГИЛАР

Маънавий комил инсон бўлиш учун одоб-ахлоқ тарбиясида оқилона ҳаёт кечириш бўйича муносиб ҳикматлар борки, ушбу ҳикматлар миллий маънавиятимизда асрлар оша такомиллашиб келган. Одоб-ахлоқ тарбияси ҳамиша

инсонларни мураккаб жараёнларда сабр-тоқатли ва бардам бўлишга ундаб, инсонлар онгида жойлашиб қолган, нима учун кимдир ғам-ташвишда яшайди, камбағалликдан, омадсизликдан, кўркув ва умидсизликдан қийналади, бошқа бир киши эса бой-бадавлат, бахтли ҳаёт кечиради, қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин, деган саволларга жавоб топиш муҳим масаладир. Одоб-ахлокли инсон қандай қилиб «ҳаётда учраётган» муаммоларни қийналмасдан ҳал этиши мумкин, «кўркув ва умидсизлик, ғам-ташвиш, омадсизлик» каби ҳолатлардан қандай қилиб қутилиши мумкин, деган масалаларни бартараф этишга йўл очган. Алкимёгар Пауло Коэльо ушбу масалага тўхталиб: «Агар сен астойдил бирор нарсани тиласанг, у тилагинг вожиб бўлишига бутун коинот кўмаклашади», деб қайд этган фикри алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бундай муаммоларни ечишда ҳамиша шарқона одоб-ахлоқ намунаси инсонларга яқиндан ёрдам бериб, ҳаётда ўз йўлини топиб, бахтли яшаши учун имкон яратган. Донолар бисотида қайд этилган фикрларга эътибор бериб қўйидаги мулоҳазаларга тўхталишни мақсад қилдик.

Одоб-ахлоқ комил инсон томонидан унинг ички дунёсида ва ташқи оламда амалга оширилаётган ўй-фикрлар, хатти-ҳаракатлар, натижалар ҳамда бошидан кечираётган ҳис-туйғулар, кечинмалар ва шу кабилар мажмуидир. Ўй-фикр инсоннинг ички дунёси ва ҳаётий жараёнларининг муҳим бўғини ҳамда унинг ташқи дунёсидаги хатти-ҳаракатлари асосидир. Ўй-фикрлар йиғилиб нуқтаи назарга, улар эса қарашларга айланади, кейин эса дунёқараш шаклланади. Ҳозирги замон одами ўй-фикрни кичкина бир ақлий ҳаракат деб тушунади: ўй-фикрнинг натижаси кўзга кўринмаяптими, демак, у мавжуд эмас ва ҳеч қандай таъсирга ҳам эга эмас, деб ўйлаймиз. Ўй-фикр жуда катта имкониятларга эга бўлган кучдир, қувватдир. Унинг таъсири ва ҳаракати учун вақт ва фазо каби қийинчиликлар йўқдир. Ўй-фикрга худди ўз-ўзидан ҳаракатланиши мумкин бўлган восита сифатида ёндашиш

лозим. Таниқли олим В. Жикаренцев одоб-ахлокли инсон фаолиятига эътибор бериб: «Хаётингизда нима юз берган ва бераётган бўлса, уларга фақат ўзингиз масъулсиз, бошқа ҳеч ким эмас», — деб изох берган эди.

Шунингдек таниқли олим Л. Хейнинг таъкидлашича, одоб-ахлоқ инсонга хос туйғу бўлиб: «Ҳозирги ҳар бир ўй-фикримиз келажакка тегишли воқеа ва ҳодисаларнинг юз беришига сабаб бўлади, биз бошдан кечирадиган воқеликни яратади». Шундай қилиб ташвиш ва муаммоларимизни ҳам, бахт-саодатимизни ҳам, ҳаётдаги барча ҳодиса ва натижаларни ҳам келтириб чиқарадиган асосий манба ўзимизнинг одоб-ахлоқимиздан келиб чиқишини унутмаслигимиз зарур.

Гўдаклик чоғимизда одоб-ахлоқимиз асосида ҳар биримиз шод-хуррамлик ва беғубор туйғулар оғушида бўламиз, бебаҳолигимизни англаб, ўзимизни бутун курраи замин марказида ҳис этамиз. Бизда шунчалик жасорат мавжуд бўладикки, нимани хоҳласак шуни талаб этамиз, ҳис-туйғуларимизни очиқ билдирамиз. Агар ёшлигимиздан бизга «дунё қўрқинчли», «бошқаларга ишонма», «одамлар бир-бирига душманлик қилади ва бир-бирини алдайди» каби фикрлар ўрнига «дунё хавфсиз ва шод-хуррамликка тўла» каби ғоя ва мафкуралар сингдирилса, бизнинг ҳаётимиз, дунёқарашимиз ҳам шу равишда ўзгаради.

Умар розияллоху анхудан ривоят қилдилар. Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишининг ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва унинг расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва унинг расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади. Ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўшанга бўлади», — дедилар.

Инсоннинг одоб-ахлоқига хос салбий ўй-фикрлари, нотўғри муносабати ва қарашлари, биринчи навбатда, унинг ўзига таъсир этади. Касаллик ҳам нотўғри ўй-фикр-

лар, қарашлар ва муносабатлар натижаси эканлигини инсон унутмаслиги керак.

Кўплаб одоб-ахлоққа оид ўй-фикрларимиз ва ёндашувларимиздаги кибр-ҳаво, гердайиш, қоралаш, нафратланиш, ғижиниш, ўзидан ва ҳаётдан норози (хафа) бўлиш, қаҳр-ғазаб, кўркув, безовта бўлиш ва беҳаловатлик, умидсизлик, кўнгил қолиши, ғам-ғусса, ўзини айбдор ҳисоблаш, ачиниш ва ранжиш, мақтанчоқлик, ўч олишга интилиш, ҳасад қилиш, ёлғончилик, иккиюзламачилик, тил-ёғламалик, тамағирлик, очкўзлик ва шу қабилар ўз моҳиятига кўра салбий, тажовузкорлик ва ҳатто вайронокорлик хусусиятларига эгадир.

Тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири Абу Ҳомид Ғаззолийнинг қайд этишича: «Ислом таълимотига кўра инсон одоб-ахлоқига хос туйғулардан келиб чиққан кибр-ҳаво, мақтовни севиш, беҳожатликни яхши кўриш ва шу қабилар инсоннинг рубубийлик (яратувчига хос) бўлган иштиёқидан келиб чиқади. Кўпчилик бундай муносабатларнинг моҳиятини тушунмасдан уларни гуноҳ санамайди. Аслида улар ҳалокатга олиб боровчи барча гуноҳу қабираларнинг манбаи, аксар жиноятларнинг онаси эканлигини тушунмайди».

Бундай одоб-ахлоққа хос бузғунчи қарашлар моддий дунёда акс этиб, бизга турли касалликлар ва шахсий муаммолар туғдиради. Инсон одоб-ахлоқини илмий ўрганган Л. Хей таълимотида: «Чунончи, қон босими касаллиги турли ҳаётий жараёнларга кўркув ва ишончсизлик билан қараш, уларни қабул қилмаслик ва шу асосда юзага келадиган ички зўриқишлар натижасида пайдо бўлади. Атеросклероз эса ҳаётбахш (позитив) ҳис-туйғуларга эриша олмаслик, ҳаётнинг турли жабҳаларида факат салбий (негатив) томонларни кўриш оқибатида юзага келади. Узоқ муддат хафагарчилик танани айнитади ва пировард натижада рақ касаллигига олиб келади. Ўзини гуноҳкор ҳис этиш эса доимо жазоланишга интилиш ва оғриқларни келтириб чиқаради», — деб изоҳ беради.

Сизнинг кўнглингизга қандайдир нотўғри одоб-ахлоққа хос қарашлар, ҳис-туйғулар ёки муносабатлар жойлашиб олган бўлса, сизни шу қарашлар амалга ошадиган ҳолатга тушириш мумкин бўлади. Масалан, сизнинг ҳаётингиз тажрибасига кўра, «катта бойликка эришиш хавф-хатарни туғдиради, бу албатта ёмонликка олиб келади» каби ҳулоса ва ўй-фикр кўнглингиздан жой олган бўлса, қанча ҳаракат қилманг, барибир бадавлат бўла олмайсиз.

Инсон одоб-ахлоқига оид тадқиқотлар олиб борган А. Свияшнинг фикрига кўра: «инсонни унинг ўзи одатланган одоб-ахлоққа хос ҳаёт тарзидан мажбуран ажратиб, уни бошқача шароитга тушириш ва шу асосда унга ўз қарашларини чуқур ўйлаб кўриш, ҳолис баҳолаш учун имкон бериш ва уни «маънавий тарбиялаш» мақсадида касаллик ёки йўл-транспорт фожеасига дучор қилиши ёки бошқа салбий ҳодисаларга учратиши мумкин».

Бунинг учун, биринчидан, ўтган йиллар давомида тўпланган одоб-ахлоққа оид ёмон кечинмалардан тозаланиш, иккинчидан эса келажак ҳаётда бундай оғир кечинмаларни янгидан тўпламаслик учун барча нотўғри одоб-ахлоққа оид қарашлар ва идеаллаштиришлардан халос бўлиш лозим.

Одоб-ахлоққа тааллуқли қарашларимиздаги хатоликлар, камчилик ва заифликларни аниқланг, уларга танқидий ёндашинг, заифликларингиздан уялинг. Мана шундай жараёнлар натижасида улардан қутула оласиз. Аммо, бу мўлжалланган ишнинг ярми, холос. Қолган ярми эса атроф-дунё билан уйғунликда яшашга имкон берадиган янги қарашлар тизими, яъни оқилона ҳаёт кечириш, дунё-қарашни шакллантиришдан иборатдир. Бунда одоб-ахлоқ соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб борган Ж. Жикаренцев, Л. Хейларнинг таъкидлашича: «Сизнинг эски қарашларингиз ва муносабатларингизни ташкил этувчи ҳар бир фикр янги ижобий қараш, муносабат ва ҳулосаларга алмаштирилади. Аммо, бу ниҳоятда наздик чуқур таҳлиллар асосида узлуксиз кечадиган жараёнлардир».

Кексаликда унинг яшаши учун маблағлар етишмаслиги, қарилик ташвишлари ва қўркувлари қамраб олади. Ҳаёт кечирish ёмонлик билан курашдир. Бу курашда баъзан инсон ёмонликни, баъзан эса ёмонлик инсонни енгади. Дунё чеклангандир. Ундаги захиралар ҳамда турли бойликлар ҳаммага етишмайди. Шунинг учун инсон тирик қолиш учун курашиб яшаши ўзига ва атрофдагиларга ҳам, оғриқ ва азоб олиб келади. Инсон эса борлиқнинг ягона танасидаги бир хужайра каби яшайди.

Инсон одоб-ахлоки билан боғлиқ ҳаётий жараёнларни икки қисмга: унинг ички дунёсидаги ва ташқи моддий оламидаги жараёнларга бўлиш мумкин. Абу Ҳомид Ғаззолий инсон онгига оид одоб-ахлоқ тушунчасини ички дунёга таъсирини икки хил йўналишда изоҳлаб беради: «Онгли ва онгсиз равишда. Онг – ақл, бу – инсон қалбига ёйилган бир ёруғ нур бўлиб, унинг ёрдамида у турли нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етади».

Одоб-ахлоқ тушунчаси – комил инсонда ўйлаш-фикрлаш жараёнида онг орқали бажарилади. Комил инсон онги ташқи дунёни бешта органи – кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш-ҳис этиш ва таъм билиш орқали билади. Инсоннинг ички онги кечаю кундуз тиним билмай ишлайди. Уйкуда ҳам инсон юраги ишлаб туради, ўпка эса юрак томонидан ҳайдалган қонни кислород билан таъминлайди. Инсоннинг ички онги бамисоли уруғ экиладиган шудгорланган даладир. Ўй-фикрлари эса ҳосилдор ерга экилган уруғ. Уруғнинг яхши-ёмонлиги ички дунёнинг белгиси. Ички онг тубларида битмас-туганмас донолик, талант, куч-қувват ва имкониятлар мавжуд. Ички ақлингиз қалбингиз ва жисмоний танангизни даволаш имкониятига эга.

Д. Веришагин инсон тафаккурининг пойдевори бўлган одоб-ахлоқ ҳақида тўхталиб: «Инсон ҳаёти ва фаолияти асосан моддий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган. Унинг ҳолатида озодликка чиқишга йўл қидираётган маҳбусга, ҳаётнинг ҳақиқий мазмунини тушунтиришга ҳаракат қилаётган заиф ва қолоқ шогирдга ўхшатишади».

Одамлар хали ҳам ёмон одоб-ахлоқ таъсирида боши берк кўчага кириб қолмоқдалар. Д. Веришагиннинг таъкидлашича: «Эндиликда инсоннинг душмани – унинг кон-қариндошлари бўлмиш одамлар ва улар фаолиятининг маҳсулотлари бўлмиш экологик муаммолар, солиқлар ва ер шарида яшовчи аҳоли ҳаддан ташқари зичлашуви каби муаммолардир». Баъзи одамлар ҳеч қандай рух йўк, у фақат ўзининг танасидан иборат, ўлимдан кейинги ҳаёт бўлиши мумкин эмас деб ўйлайдилар. Аслида инсон ўлгандан кейин материяга айланади.

Одоб-ахлоқ тушунчаларига жиддий эътибор берган та-ниқли олим А. Клизовскийнинг таъкидлашича: «тўлақон-ли яшаш» тамойили эса одамларнинг тезда жонига тега-ди. Улар бундай ҳаётдан безор бўлиб, қоча бошлайдилар, яъни инсон учун ҳамма нарса бекаму-кўст бўлса, ҳаёт зерикарли бўлади,» деган ғояни талқин қилиб инсон ҳа-ётнинг ҳамма синовларига бардош бериш асосида тарбия-ланмоғи зарур, деб фикр билдиради. Одоб-ахлоқ туфайли ҳаёт жараёнларини бошқариш ҳамда талқин этиш нати-жасида инсон яхшилик ҳақида ўйласа, бундан яхшилик вужудга келади, ёмон ўй-фикрлар ўйласа ёмонлик вужу-дга келади. Инсонга хос яхшилик, сихат-саломатлик, му-ваффақият ва бойлик демакдир. Инсоннинг одоб-ахлоқи туфайли унинг онгида кечаётган ўй-фикрлар ҳақида Би-блияда қуйидаги фикрлар қайд этилганини К. Филиппий-цам қўйидагича таҳлил қилади: «Ниҳоят, менинг ака-у-каларим нима фақат ҳақиқат, нима фақат виждон, нима тўғри, нима илтифотли, нима қойилмаком, нима фақат яхши фазилатли ва мақтовга сазовор, – шу ҳақида фикр юритинглар».

Одоб-ахлокли инсон ўз фикрлари жараёнини назорат остига олса, ҳеч қачон «мен бундай қила олмайман», «бу иш ёмонлик билан тугайди», «мен ёмон аҳволга тушиб қоламан» каби фикрларни миясига келтирмайди. Чунки, ҳар қандай масаланинг ечими бор. Аниқ тушунчага эга инсон ички онгидаги руҳий тушқунлик, ваҳима, ёмон

хис-туйғулардан кутилишни ўйлаши, ички ва ташки хис туйғулардаги буйруқлардан халос бўлиши учун ақлий қобилятини чархлаб туриши зарур.

Одоб-ахлоқли комил инсон ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб «жим бўлинг, тинчланинг! Мен сизнинг ҳўжайинингизман ва сиз менинг буйруғимга итоат этасиз! Сизга бу ерда, менинг кўнглимда қиладиган иш йўқ, бу ердан йўқолинг!» деган тушунчаларга қарши буйруқ берса ҳамда онги устун келса, кўрқув, билимсизлик ва хурфотдан узоқ бўлиш учун зарурий ҳаёт тажрибаларига эга бўлган мукаммал ҳаётнинг моҳиятини тушуниб етиши керак.

Комил инсонга хос одоб-ахлоқ асосини ўй-фикр натижаларида ҳал этишини тадқиқотчи олим А. Клизовский кўйидагича изоҳлаб:» Одам ўй-фикрларини кичкина бир ақлий ҳаракат деб билади. Ўй-фикр кўзга кўринмаяптими, у мавжуд эмас деб тушунади. Шунинг унутмаслик керакки, бир ўй-фикр оламни ё ифлослантиради, ё тозалайди. Инсоннинг ўй-фикри энг қудратли энергиядир, у туфайли жамият кучлари ҳаракатга келади». Демак, ўй-фикрларни одоб-ахлоқий тушунчалар бошқариши, одоб мезонига қараб инсон жамиятни ё тараккиётга, ё тушқунликка олиб бориши тарихий ҳақиқат эканлигини ҳар бир киши тушуниб етмоғи керак.

Инсоннинг ақли том маънода яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам ишлаб чиқарадиган фабрикадир. Ушбу фабрикадаги ўй-фикр гўзал, оламни хушбўй ҳидларга тўлдираётган бўлса, уларни чаман бўлиб очилаётган гулларга, агар унда нафрат, қаҳр-ғазаб, кўра олмаслик ўй-фикрлари бўлса, атроф дунёни бадбўй ҳидлар босаётган бўлса, уни бир тўда гўнгга ўхшатиш мумкин. Демак, баркамол инсон атрофида гўзал ва эзгу ўй-фикрлар энергияси мавжуд бўлади. Ёмон инсонда эса қаҳр-ғазаб, дунёдан норозилик, фисқу-фасод, нафрат, ҳасадга тўла фикрлар бўлади.

Комил инсонга хос одоб-ахлоқ тушунчалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган А. Клизовскийнинг фик-

рича: «Ақл-заковат донолик эмас. Ҳис-туйғуга асосланиб билиш доноликдир. Ақл-заковат эса мулоҳазалар ва қиёсий таҳлилларга суянади. Донолик ечади, чунки бу ечим анча олдин туғилган. Ақл-заковат – бу доноликнинг бўсағасидир».

Инсон ақл-заковатини, психологик жараёнларни таҳлил қилган А. Безантнинг тадқиқотида: «Ақл-заковат инсонни ажратувчи бошланишдир. «Мен»ни «мен эмасман»дан ажратади. Яъни ўзини англайдиган, қолган дунёни ташқи ва бегона деб ўйлайдиган, бошланиши курашувчан, душманлик қилувчи, фақат ўзини тан олувчи ва ўз мақсадига эришиши йўлида барча ғовларни йўқ қилувчидир».

А. Клизовский ўзининг инсон одоби билан боғлиқ жараёнлар бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасига асосланиб қўйидаги мулоҳазани баён этади: «Инсон ақли ниҳоятда бекарордир, инжик, паришонхотирдир. Инсон ақлида қандай фикрлар юборилса, шунга мос натижалар олинади: ҳаётбахш ёмғирлар пайдо қиламизми ёки фазонни зарарли ҳашаротлар билан тўлдирамизми – бу бизга ҳам боғлиқдир. Олам ва ўй-фикрлар ҳамкорлиги ана шундадир». Шуниндек, у ўз фикрини давом эттириб: «Одамнинг ёмон фикрларининг оқибати чексиз зиддиятларни олиб келади. Яъни одамдан илтимос қилиш мумкин: дўстим, ер қимирлашини уюштира», дейди.

Одоб-ахлоқнинг мазмун ва моҳиятини белгиловчи асосий таянч ишонч тушунчаси бўлиб, бу ақлнинг ҳолатини аниқлайди. Ишонч шахсий илтижо – бу инсон томонидан ўзи ёки бошқалар учун ёрдам сўрашдир. Илтижо махсус мақсадга эришиш учун қилинаётган истак ва орзу-умиддир. Ишонч ҳар бир одамга бериладиган баҳо, илтижо эса одамнинг манфаатга эришиши учун мавжуд тўсикни енгиб ўтиш билан боғлиқ жараёндир.

Тарихий ҳаётда катта илмий фалсафий билимга эга аллома Гермеснинг гўрида буюк бир сир борлиги шогирдлари томонидан тахмин қилинган эди. Унинг қабри очилганда у ерда шундай бир ёзув топилган: «Ичкарида қандай

бўлса, ташкарида ҳам шундай, юқорида қандай бўлса, пастда ҳам шундай».

Инсон ўз ички онгини тана касалликларига йўналтириб, шифо сўраб, чин дилдан илтижо қилса ва шу йўл билан даво топишга ишонса у, албатта, тузалади. Инсонга «сизнинг иситмангиз чиқмоқда», – деб ишонтирса, унинг ҳақиқатдан ҳам иситмаси кўтарилади. Агар «сизни бемалол даволаш мумкин», «сизни иситмангиз тушаяпти», – деса, иситма тушади. Барча касалликлар инсоннинг руҳи, одоб-ахлоқий ҳолатидан келиб чиқади.

Инсоннинг одоб-ахлоқига хос салбий ўй-фикрлар, ижобий қарашлар ҳам ҳаётда ўз аксини топади. «Мен шундай одамман, нима ҳам қила олар эдим», – деган ўй-фикрлар билан яшаса, аслида ўз хулқи билан шундай бўлиб қолади. Инсон одоб-ахлоқи қарашларидаги хатти-ҳаракат унинг тақдирига бевосита таъсир кўрсатиб, қарашларидаги хатолар, камчиликлар, заифликлар таъсирида иш, оила, фарзандлар, мартаба, пул топиш, ўзини ўзи камол топтиришдан ажратади. Инсон одобидagi ижобий қарашлар гуноҳдан халос этиб, сезги ҳис туйғуларини мустаҳкамлаб, муаммолар, касалликлар, бахтсизликдан кутулиш йўлини кўрсатади. Ахлоқсиз одам қарашларида нафрат туйғуси устун бўлади. Ҳар қандай пасткаш одам – бу авваломбор худойим яратган инсондир. Ахир евангелияда айтилганидек, «айбламанг, айбланган ҳолда бўлмайсиз». Кимни қораласак, ўзимиз шундай бўламиз, чунки салбий ўй-фикр вайронокор ёндашувларнинг натижасидир.

Ҳаёт синовларига эътибор беринг, сизни дунёнгиз ўз қўлингизда. Кимнидир айблаш бемаънилик, оламини ўзгартиришдан аввал ўзингизнинг дунёнгизни ўзгартиринг, уни вайронкор ғоялардан покланг. Фарзандларни замон руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинг. Сиз «оила бошлиғи», ишхонада эса «бошқарма бошлиғи», сиз «гап» ёки «наҳорги ош» ўйинларида иштирок этасиз. Сиз «муҳаббат» ўйинида бахтсизликни келтириб чиқарадиган ўйиндан эҳтиёт бўлишингиз, шунингдек, «ҳаёт бу – цирк» де-

ган ўйинда кулгули бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлишингиз, қизикчи ролини ўйнаётганингизда кулгули ҳолатга тушиб қолмаслигингиз зарур. Шунингдек, жамиятда давлат машинасининг бир қисми бўлганда ҳам яроқсиз механизм бўлишдан ўзингизни асрашингиз керак. Ҳаёт ўйинида жазоланиш, нотўғри қараш, ёмон хатти-ҳаракатлар наза-рида бўлмаслигингиз учун – ибрат мактабини мукаммал ўрганишингиз керак. Инсон ўз одоб-ахлоқи билан ён-атрофидаги одамларга ва табиатга бўлган муносабатини белгилаб олади. Ўз ибрати, орзу-умидлар, мақсад ва ни-ятларни рўёбга чиқариш учун инсон атроф-дунё билан уйғунлашган муносабатда бўлиши ва дунё қандай бўлса, уни шундай қабул қилиши лозим, яъни дунёни адолатсиз, ёмон деб тушунмаслиги керак. Мутафаккир А. Свияш-нинг қайд этишича: «Инсон ўзига ўзи муаммо яратади, касаллик орттиради, инсон танаси ўлгандан сўнг, унинг руҳи боқий қолади. Инсон дунёга қисқа муддатга синов учун келади – шу вақтда бутун танаси ақл-идроқи, хир-си, севгиси билан бу моддий дунёга, унинг бойликлари-га занжирланиб ташлангандай боғланиб қолади». Бунинг учун бошқаларга ва ўзига зарар етказмайдиган, зулм ўт-казмайдиган тарзда ҳаёт кечириш, моддий ва маънавий бойлиқларга ортиқча баҳо бермаслик, ҳаётдан норози бўлмаслик, бу дунёга қисқа синов тариқасида келганли-гини эсдан чиқармаслик, ҳаётга енгил, шукрона қараши зарурдир.

Ҳаётингизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга қуйи-даги нуктаи назардан ёндашишга ўрганинг: «менинг ҳа-ётимда шундай нохуш ҳодиса ёки воқеа рўй берган экан, бундай ҳолат қайсидир бир нотўғри хатти-ҳаракатим, му-носабатим ёки ўй-фикр, хис-туйғуларим натижасидир» ва шу туфайли менга нисбатан маълум «тарбиявий жараён-лар» қўлланилмоқда. Мен бу ҳолатни тушуниб, уни зуд-лик билан тўғри йўлга солишим лозим».

ВАТАН ТҮЙҒУСИ ИНСОН ОДОБ-АХЛОҚИ МЕЗОНИ

Комил инсонда ватан тушунчаси кенг талқин қилиниб, ватаннинг бир сиқим тупроғи қанчалик мўътабар эканлиги, унинг озодлиги ва тинчлиги учун қанчадан-қанча чексиз жонлар фидо қилинганлиги тарих саҳифаларида ўз аксини топган. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларда ватаннинг муқаддас эканлигига алоҳида баҳо берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг фикрлари алоҳида аҳамиятга эга: «Бугунги қийинчиликлар ўтар, гирдоблар тинар. Ватан қолади. Халқ қолади. Диёнат, иймон, меҳр-оқибат ўзгармасдир. Шундай бебаҳо ва қудратли ватан учун, шундай танти, жафокаш ва меҳнаткаш халқ учун қанчалик фидойилик қилсанг, қанчалар ёниб-яшасанг арзийди. Диёнати, иймони, эътиқоди мустаҳкам халқнинг ватани ҳам енгилмасдир. Аслида, ватанимизни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмаган. Империялар парчаланди, зулм занжирлари узилди, фақат ватан қолди, буюк миллат қолди. Ўзбек, Ўзбекистон мангудир».

Абдулла Авлонийнинг таъкидлашича: «Ватан тўйғуси энг инсоний, энг мўътабар тўйғулардан биридир. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмок, у билан фахрланмок керак, ватан онадек муқаддас. Уни кадрлаш, эъозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи».

Ватан буюк сўз, унда инсон юрагидаги илоҳий нур бўлиб, танга қувват, руҳга роҳат, одам ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди. Чунки «ватан» сўзи, у мўътабар «она» сўзи билан ёнма-ён туғилади. Ватан ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Шунинг учун ҳам ватанни энг суюкли ифода билан «она-ватан» деймиз. Хурматли Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон – муқаддас ватан. Ота-бобомиз ётган ер. Фарзандларимизни шу

заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборақ заминнинг ҳар қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради». Ўзи туғилган ватанни озод, мустақил, дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида ҳис этиш, кўриш, унда яшаш нақадар улуг бахтдир. Мустақилликка эришган ҳар бир дақиқа ватанамизни сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалаётганини кўрамиз. Тарихий воқеаларга бой, иқтисодий-сиёсий қийинчиликларни бартараф этиб, дунё халқларини кўз ўнгиди эришган мустақилликни сақлаб қолиш, унинг мустаҳкам пойдеворини яратиш, халқнинг ишончини оқлаш, эришган натижаларга ҳолисона баҳо бериб, мавжуд муаммоларни, қийинчиликларни бартараф этишдек улкан вазифалар ҳал бўлди.

Халқимиз ана шу босиб ўтилган йиллар давомида ватан мустақиллигини қўлга киритиш узоқ асрлар давомида олиб борилган миллий туйғуларнинг, орзу-умидларнинг, кураш даҳшатларининг, чексиз йўқотишларнинг натижаси туфайли амалга оширилганлигини сезиб, унга нисбатан ўзларида ватанга бўлган чексиз ҳурматни мустаҳкамламоқда. Ватан – инсон туғилган муқаддас замин, бу замин унинг қалбида абадий қолади ва ҳеч қачон унутилмасдир, ватан фақат мустақил бўлганидагина ҳақиқий ватанга айланади. Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний: «ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур», деб ватанга таъриф беради. Ватан ҳақида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса қуйидагича тушунча берилган: «Ватан – 1. Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт; 2. Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр; 3. Турар-жой, бошпана, макон, уй». Албатта, қайд этилган уч ибора бўлса-ю, ватан мустақил бўлмаса, ватан қарам, мустабид тузум таъсирида бўлса, унда фуқаро миллий-маънавий жиҳатдан қарам бўлиб, ўз юртига эғалик қила олмайди.

Мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб ватандаги ҳар бир фуқарога мустақилликнинг моҳияти, мазмуни, унинг нақадар бекиёс аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилди, уни асраш буюк неъмат эканлиги қайд этилди. Мустақиллик йиллари давомида ҳар бир фуқаро ҳаётида, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар бўлди. Фуқароларнинг турмуш тарзи ижобий ўзгариб, онги ўсиб, ўзлигини англаб, мамлакатимиз ва шахсий ҳаётларида содир бўлаётган жараёнларга диққат эътибор билан қараш ҳиссиёти туғилди. Ушбу ютуқларга фақатгина мустақиллик туфайли эришаётганлигини англаб етдилар.

Ўтган йилларда миллий истиқлол ғояси фуқаролар имонида ватан мустақиллиги тушунчасини сингдириб, ўз-бўлармонлик, боқимандалик, эсанкирашлик, кўрқоқлик, мутелик ҳисларидан озод қилди. Ҳурматли Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек: «ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамият жиҳатидан тарихимизнинг ўн йилликларига, ҳатто, асрларига тенглаштириш мумкин, десак муболаға бўлмайди». Халқимиз истиқлолга эришиш ва унинг неъматларидан фойдаланиш жуда катта ақлий онгни, меҳнатни, огоҳликни, ҳар бир нарсага эҳтиёткорлик билан қарашни талаб этишини сездди. Ана шу қўлга киририлган мустақиллик авлод-аждодларимнинг кимлигини, юксак маданиятимиз натижаларини, инсоният тарихида сезиларли из қолдирганлигини англаш имкониятини берди.

Тарих шохидлигига эътибор бериб, мозийни ўрганиш туфайли халқимиз ватан мустақиллиги учун кураш тарихини чуқурроқ билиши, мустақиллик учун ҳаёт-мамот жангларида жонини фидо қилган қаҳрамонларни ўрганиб, уларнинг руҳларини шод этиш бугунги авлодларнинг бурчи эканлигини сезмоғи керак. Ҳозирги ёшларга мустақиллик учун курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Катан, Авестан, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Амир Темур, Мадали Эшон, Номоз Пиримкулов ва бошқаларнинг озодлик учун

олиб борган курашлари, уларнинг метин иродаси, сабр-матонати, ғайрат ва жасоратларидан ибрат олиб, келгуси авлодлар хотирасида абадий сақлашга эришишлари зарурдир. Она Ўзбекистонимиз ҳудудини милoddан аввалги VI – V асрлардан эътиборан то мустақиллик кунларимизгача бирин-кетин эронийлар, юнон-македонлар, араблар, мўғул-татарлар, қалмиқлар, руслар ва бошқа босқинчилар ёвуз ниятларини амалга ошириш майдонига айлантирдилар. Улар халқимизни қуллик-мутелик асоратига солиб, миллий бойликларимизни талаб, маданий-маърифий ёдгорликларимизни оёқ ости қилиб, миллий урф-одатларимизни унутишга, она тилимизни ғализлашга, ўзимизга хос ва мос ғояларимиздан маҳрум қилишга уриндилар.

Муқаддас она тарихга назар солсак, авлод-аждодларимизнинг «Эрк!», «Озодлик!», «Хурлик!», «Мустақиллик!» дея нола чекканларини ва душманлар билан мардона жанглар қилиб курашганларини кўрамиз. Геродот (милoddан. аввалги 480 – 425) ўзининг «Тарих» асарида қадимги Ўзбекистон ҳудуди гуллаб-яшнаган ўлка бўлганлиги, бу қутлуғ ва муаззам ватандаги халқлар тинч ҳаёт нашидасини суриб, кенг ҳудудларда ўз қўй-қўзиларини, мол-йилқиларни боқиб, Аракс (Амударё)дан кенг ариқлар чиқариб, дехқончилик қилиб фаровон ҳаёт яратганликларини ёзади.

Шунингдек, тарихчи ўз асарида Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар босқинчи золимларга қарши курашган авлодлар ҳақида маълумот келтириб, Тўмарис тарихидан манба қолдирган: «Тўмарис қўшинини тўплаб жангга отланди. Дахшатли жанг бўлади. Унда массагетлар ғолиб келади. Тўмарис ўз сўзи устидан чиқиб, жангда ўлдирилган Кирнинг бошини кесиб, қон билан тўлдирилган мешга солади, у айтади:

– Гарчи мен жангда ҳалоллик билан енгган бўлсамда, сен макқорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб қайғуга солдинг. Онтимга амал қилиб сени қонга тўйдираман!... »

Тарихчи Геродот томонидан ёзиб қолдирилган бу ҳодисот афсона эмас, ҳақиқат эканлигига мозий зарварақлари шохидлик беради. Тўмарис асли тарихий шахс бўлиб, у ҳозирга ватанимиз ҳудудида яшаган аждодларимизнинг жасур аёл ҳукмдори эди. Тўмарис дастлаб мустақил юртнинг озодлигини сақлаб қолишга киришган бўлса бу муқаддас ватаннинг мустақиллигини тўла таъминлаган буюк зот Илом Каримовдир. Ватан озодлиги учун олиб борилган кураш тарихига назар солсак, ҳурматли Президентимиз И. Каримовнинг куйидаги изоҳига эътибор бериш лозим бўлади: «Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади. Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳнаmolари, олим-у-зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир. Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиклол йўлида барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди».

Мустақиллик йилларида тарихий воқеа-ҳодисаларга ҳолисона баҳо бериб, ҳозирги ёш авлодни тарихий хотира билан мукаммал бойитиб, ҳали тарих саҳифаларида ўрганилмаган воқеликни чуқурроқ таҳлил этиш давр талабидир. Александр Македонский (милоддан аввалги 356 – 323) дастлаб ватанимиз ҳудудига қадам қўйганда, унга қарши Паретакада (ҳозирги Сурхондарёнинг жанубий ҳудудлари) кўтарилган қўзғолонга маҳаллий ҳарбий лашкарбошилар Катан ва Авестан раҳбарлик қилиб, икки ўртада кечган шафқатсиз жанг жараёнида Катан ва бир ярим минг бактриялик қўзғолончилар ҳалок бўлади. Авестан эса асир олиниб қатл этилади. Ушбу жанг Искандарга қарши кўтарилган дастлабки миллий озодлик ҳаракати эди.

Ватан Аллоҳ инояти билан ҳар бир миллат-элатга берилган неъматки, унинг баҳоси йўқ. Ватандан аълоси йўқ! Чингизхон Ўттор ҳокими Инолчиқ Баҳодирни асир олгач, хон уни синаш, «қўйнига қўл солиб кўриш» ниятида, сенга туман оғаси деган унвон бераман. Мен бирла

Гурганжга бориб, аҳолисини таслим бўлмоққа буюрасан,
деб синов билан қарайди.

Ўша заҳоти:

– Мен ўз улусимга хиёнат қилмаймен, – деди Инолчик
унинг гапини чўрт кесиб, душман хизматига кирмасмен!

– Сенга олтин ва кумушлар инъом этайин...

– Олтинингда керакмас, кумушингда, мени сотқун ола
билмассен!

Ўтрор Баҳодирнинг мардлигини Чингизхон тан олади,
уни азоблаб ўлдиради». Бироқ Инолчикнинг мағрур сўз-
лари она-ватанига ва халқига хиёнат қилмаслиги ибрату
ҳикматдирки, бизнинг аждодларимиз шу қадар жасур бўл-
ганликлари билан қалбимиз фахру ғурурга тўлади. Ҳинд
дарёсининг 10 аршинлик соҳилидан сувга сакраб тушиб,
нариги томонга саломат чиқиб олган Жалолиддин Мангу-
бердининг жасоратига қойил қолган Чингизхон: «Отадан
дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган, у саҳрода шер каби
ғолиб жангчи, дарёда наҳанг каби ботир», деб ҳайратга
тушиб, уни таъқиб қилишни тўхтатди. Ушбу Жасоратни
Ўзбекистон Қаҳрамони шоир Абдулла Орипов «Ўзбекис-
тон» шеърда:

*Сени чингиз ғазабга тўлиб,
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб,
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон Ватаним маним.*

«Жалолиддин самани бўлиб» Амударёдан сакраб ўтган
ўша буюк инсон руҳи Ўзбекистон деган буюк мамлакат-
нинг толмас, енгилмас ва муқаддас рамзи бўлиб қолди.
Ватан деганда, бобо-момоларимиз, бутун авлод-аждодла-
римиз ўтган; киндик қони тўкилган она ерни тушунамиз.
Авлод-аждодларини билган ва кадрлаган инсон учун улар
яшаган макон жонажон ватанидир. Ушбу муқаддас сўз-

нинг мазмун ва моҳиятини дилидан сезган доно сиёсатчи ва ғолибкор жаҳонгир Амир Темур (1336 – 1405) ёшлик чоғларидаёқ она-ватан тақдирини дилига тугиб, куйиб-ёниб яшади, халқи учун ҳамма бало-қазоларга қалқон бўлиб турди. Буюк саркарда қайси халқнинг фарзанди ва бу халқ нақадар улуғлигини ҳақли равишда фахру шуур билан ўзи таъриф этади:

Биз ким мулки Турон,

Амири Туркистонмиз.

Биз ким, миллатларнинг энг

Қадими ва энг улуғи

Туркнинг бош бўғинимиз.

Ғоят улкан салтанат – мулки Туронни мўғулдек ёвуз душмандан халос этиш ва она-ватанни теварак атрофидаги кўз тикиб турган ғанимлардан ҳимоя қилиш, давлатни бошқариш, яна энг муҳими халқ фаровонлигини таъминлаш Амир Темурнинг елкасида эдики, бундай улуғ вазифани бажариш учун ғоят тадбиркор ва доно йўлбошчи керак эди. Турон замин халқларининг бахтига Амир Темур мана шундай буюк инсон бўлиб дунёга келди, бу ҳам Аллоҳнинг улуғ инояти эди. Ватанни муқаддас билган Амир Темур от устидан тушмай, босқинчи душмандан ватанни халос этиб, Мовароуннаҳр халқига эрк ва омонлик бағишлади. Бирок Амир Темур салтанати ўзаро низолар туфайли ҳалокатга юз тутиб, кейинчалик ташкил топган хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар бу муқаддас бой ўлканинг хом ашёлари, табиий бойликлари ва арзон ишчи кучларига кўз тикиб турган чет эл босқинчиларига осонгина кенг йўл очиб берди. Чор Россияси босқинчилари она-ватан бойликларини таладилар. Босқинчи ҳеч қачон ватан эгаларига дўсту қадрдон бўлмайди, қаҳрамонона ишлар ҳам қилмайди. Унинг нияти фақат бойликни талаш, текин ейиш ва халқни қандай бўлмасин асоратда сақлаш бўлади. Чор Россиясига қарши курашларда Мада-

ли Эшон дадил кураш олиб бориб, асирга тушгач, судда рус ҳуқуқшунослари Мадали Эшондан сўрайди:

– Нега халқни қўзғолонга кўтардинг?

– Нега она-ватаннинг мард ўғлонлари босқинчиларга қарши қўзғолон кўтармас экан... виждони бўлса она-ватани ва халқи озодлиги учун қўзғолон кўтаради-да!.

Баркамол ёш авлодга ватаннинг муқаддас эканлигини тушунтиришда шу ватан учун жон фидо қилганларнинг тарихини ўргатиш, уларнинг ватан озодлиги йўлида кўрсатган мардлигини баён этиш туфайли эришиш мумкин. Мутафаккир Монтескье таъкидлаганидек: «Болаларга ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг ватанни севишларидир».

Чор Россиясининг истилочилик, босқинчилик ҳаракатига қарши курашда халқимизнинг фидойи фарзандлари Намоз Пиримкулов, Ҳайдар Йўлдошев, Назирхўжа Абдусаломов, Абдурахмон Жевачи, Раҳмон Жайноқ, Тўракул Элбеков каби миллат қаҳрамонларининг хизмати унутилмас хотирага айланди. Миллатимиз маданиятини, маънавий салоҳиятини сақлаб қолишда жаҳидчилик ҳаракати, унинг машҳур миллат манфаатини ҳар нарсадан устун қўядиган улуғ маърифатпарварлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Мунаввар Қори, Полвонниёз Ҳожиносупов кабилар ўз олдиларига маҳаллий халқни маърифатли қилишни чор мустамлакачиларига қарши миллий мустақиллик учун кураш олиб бориб, эрк ва озодликка эришишни асосий мақсад қилиб қўйдилар. Ҳурматли Президенимиз И. Каримов таъкидлаганидек: «Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар ҳоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади». Дунёни ларзага солган «инкилоб», 1917 йилги

октябрь режалари Туркистон халқларининг бошига кул-
фатлар ёғдириб, она диёримизга келган большевиклар
миллатдошларимизни бегона юртларга бадарға қилдилар,
илғор фикрли, халқнинг дардига дармон бўладиган тад-
биркор ватанпарварларни, миллатимизнинг фахри, гулто-
жиси бўлган доно зиёлиларни, таниқли раҳбар-йўлбош-
чиларни кириб ташлади.

Миллий ғурур, урф-одатлар, анъаналар, эътиқод,
ор-номусга оид бўлган миллий ўзлик, ўзликни англашга
чек қўйилди. Миллатнинг хўрланишига, инсон имон-эъ-
тиқодининг оёқ-ости қилинишига, урф-одатлар, анъана-
ларнинг қайта ҳур пок бўлиб тикланишига имкониятни
мустақиллик инъом этди. Мустиқилликка эришган ва-
танининг қаддини ростлаш, оғир иқтисодий тангликдан
чиқиш, маданий-маънавий эзилишдан соғлом мафкурага
эришиш, мафкурадаги ғоявий бўшлиқни тўлдириш, халқ-
нинг иқтисодий аҳволини яхшилаш дастлабки йилларда
аста-секинлик билан бартараф этилди. «Истиқлол биз
учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди.
Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик.
Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва
қадриятларимизга, умум эътироф этилган демократик
ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик», деб баҳо берди
Президентимиз И. Каримов. Асрлардан буён орзу бўлиб
келган ватан мустиқиллиги Аллоҳнинг куч-қудрати би-
лан Ислом Каримов номи, ташкилотчилиги, дадил-қатъий
fikри билан мужассамланади. Ислом Каримов халқи-
миз умид қилган буюк мустиқилликни ватан тақдирига
боғлаб, ўзи ташаббускор, қўркмас фидойи инсон сифати-
да эълон қилди. Ислом Каримов миллат тақдирини, унинг
азоб-уқубатли дардларини, маънавий-миллий эзилишини
тарихан билган, кўрган, сезган доно, зукко, адолатли, ҳу-
шёр, халқ ва ватан фидойиси, энг муҳими давлатнинг бош
раҳбари сифатида намоён бўлди. Ислом Каримов мус-
тақилликнинг дастлабки дақиқалариданок ватан тинчли-
ги, ободлигини мамлакатдаги ҳамма миллатларнинг ўза-
ро дўстлигини, ҳамкорлигини шакллантиришга ҳаракат

қилди. Энг муҳими халқ олдидаги бурчни чуқур теран тушуниб, мамлакат бойликларини, маънавий-маърифий салоҳиятни, илм-фандаги, санъат ва адабиётдаги ютуқларни ўрганиш, тарғиб қилиш ғоясини бош ғоя қилиб олди.

И. Каримов ватан мустақиллигини ғоявий, илоҳий орзу қилган Ҳаким ат-Термизий, Исо Термизий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Мотурудий, Марғилоний, Алишер Навоий каби улуғларнинг руҳларини шод этиб, уларнинг руҳи-покларини қалбан ҳис этиб, маънавий меросимиз тарихини мукаммал ўрганишни амалга оширди. Энг муҳими миллатимизга хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар тикланди, миллий ўзлик, ўзликни англаш ғоялари ҳаётда ўз ўрнини топди. Ислом Каримов сиймосида ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат, келажакни олдиндан кўриш, ўсиб келаётган ёш авлодга оталарча ғамхўрлик, қарияларни ҳурматлаш, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар мукамал шаклланди. Ушбу оддийлик, камтаринлик, холисона муносабат, қаттиққўллик, ўз сўзи устидан чиқиш, огоҳ ва ҳушёр бўлиш, ватан тинчлиги, осойишталиги, муҳофаза қудратини ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, дунёда тинчлик ўрнатиш каби инсоний фазилатлар сабаб Ўзбекистон мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, тараққиёт йўли нурли бўлиб бормокда. Мустақил ватанимизга назар солар эканмиз, Ўзбекистон озод диёр, обод ўлка, офтоб юрти деб айт, эй, қуёш, Ўзбекистон меҳмондўстликда саховатли, душманга қаттиқ адоватли, ҳақиқатда энг адолатли ватан деб айт, дейишга ҳақлимиз.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗДА ОТА-ОНАЛАР ИБРАТИ

Жамиятимизнинг таянчи, пойдевори оила ҳисобланади. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъмин-

лайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос «табiiй-биологик» (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкiiй муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқiiй (никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуси ва бошқалар) муносабатларга асосланган ижтимоий бирликдир.

Оилани ташкил этиш ва бошқариш ҳамиша катта ақл-тафаккурни талаб қилган ҳамда ақл оилани ҳар қандай нохушлик ва бало-қазолардан сақлаб қолганлиги шарқона ҳикматларда ўз ифодасини топган. Ғазал ва шеърят султони Абулқосим Фирдавсийнинг қиёсий таҳлилида:

*Ақлдан ғамлик, шодлик, ўктамлик,
Ақлдан борлиғу йўқлиғу камлик.*

Маънавиятли, одоб-ахлоқли оила тарбиясида ота-онага хос ақл мактабида қўйидаги мулоҳазалар баён этилган: «Умрни ғанимат билинг? Ўз кадр-қимматингизни сакланг? Бўлар-бўлмасга ғам, ташвиш чекаверманг?. Ҳар ишда ўртачалик яхши эканлигини унутманг». Пайғамбаримиз С. А. В. қайд этганларидек: «бу дунё деб, у дунёдан, у дунё деб, бу дунёдан воз кечманглар».

Оилага нисбатан ижтимоий бирлик деганда, икки жинсдаги ёшнинг бир жамоа – оила бўлиб қўшилишини, тинч-тотув турмуш кечиришини англаш лозим. Дарҳақиқат, бу ижтимоий бирлик йигит ва қизнинг ўзаро ихтиёрий хоҳиши, истаги, меҳр-муҳаббати асосида барпо этилади ва у кўп қиррали, мураккаб ҳаётга киради. Чиндан ҳам ҳаёт ва турмуш кўп қиррали ва мураккабдир, чунки оиланинг ўзига хос хусусиятлари, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан бурч, талаб ва вазифалари мавжуд. Чунончи: отанинг бурч ва вазифалари, онанинг бурч ва вазифалари, фарзандларнинг бурч ва вазифалари, шуларга

оғишмай амал қилинсагина, оила мустаҳкам ва ишончли бўлади, эрдан уй-рўзгорни моддий таъминлаш, маънавий-руҳий қўллаш, хотинига, фарзандларига хурмат-эҳтиром, уларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳар томонлама ғамхўрлик, вафодорлик ва шу кабилар талаб қилинади.

Шаркона одоб-ахлоқ аجدодларнинг авлодларга қолдирган муносиб тухфаси, бебаҳо тарбияси мевасидир. Ана шу таълим-тарбия жараёнининг бошланғич нуктаси ота-ибратининг фарзандга ўтиши, ўтганда ҳам отага хос ватанга, халқга, оилага муҳаббат, мардлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ибрат, душманларга нафрат, ишққасларга, иккиюзламачиларга нисбатан шафқатсиз бўлиш ҳамда халқимиз урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига хурмат туйғуларининг сингдирилиши асос бўлиб хизмат қилган. Шарқ халқлари отага ниҳоятда катта хурмат билан қарайди, уни эъзозлайди, оиланинг пойдевори, шоҳи, таъминотчиси, ҳимоячиси, тарбия мактабининг устози деб ундан фахрланади. Оила ва ибратли турмуш тарзи тўғрисида буюк алломалар ўз фикр-мулоҳазаларини тақдим этганлар:

Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур,

Хулқи хуш одамни эл иззат қилур.

Хизмат қилгин ота-онангга,

Унутмагин устозингни ҳам.

Кимки ўрганишни уят, ор демас,

Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.

Низомий Ганжавий

Ким ҳунарни деса, у доно бўлур,

Нодонлар кудрати деб бойлиқни билур.

Абдураҳмон Жомий

Ким ўзини мансаб билан шод айлагай,

Эл келиб оллиға арз-дод айлагай.

Мансабидан тушса гар кай кун киши,
Эл-улуснинг тушмагай унга иши.

Хожа Самандар Термизий

Агар сен ўйласанг ўз тинчу хузур роҳатинг фақат,
Диёрингда бирор кимса кўролмас ҳеч қачон роҳат.

Хожа Самандар Термизий

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки
эс-хуши ҳамда касб- хунари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажид Ҳавофий

Миллатимизга хос одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳикматларда
ота-онанинг оила олдидаги бурчлари, бир-бирларига са-
докати ўзаро фикр алмашинуви, камчиликларни маслаҳат-
лашган ҳолда ақл билан бартараф этишлари алоҳида баён
қилинган. Донолар бисотида қайд этилганидек: » оилада
эркак подшоҳдир, она эса вазирдир. Вазир фақат яхши
маслаҳатчидир. Ҳукмдор эмас. Биз биламизки, подшоҳ
вазирларини хоҳлаган пайтда ўзгартириш, алмаштириш
хукукига эга, ана шуни эсдан чиқармаслик керак. Бирок
ақлли вазир ўзининг ақл-фаросати, тадбиркорлиги, ишби-
лармонлиги билан бунга йўл қўймаслиги зарур».

Аёл зиммасига вафодорлик, ширин тавозе, мулойимлик,
уй-рўзгорни саранжом-саришта тутиш, озодалиқ, пазанда-
лик, чеварлик, фарзандни тарбиялаш, ширин сўзлик сингари
талаб ва вазифалар тушади. Шунингдек, Фотима-ул банот
таъбири билан айтганда, эрга ёқмайдиган сўзни айтмаслик,
унга маъқул тушмайдиган ишни қилмаслик, эрга чиройли
ва гўзал бўлиб кўриниш, хуллас, эрга хуш келадиган нарсаларни
бекаму кўст, дарҳол бажариш лозим. Ана шундаги-
на оила мустаҳкам бўлади, эр-хотин ўртасида меҳр-окибат
орга боради. Оила бир гулшанки, унда муҳаббат чечаги қий-
ғос очилур. Оила бир боғдирки, унда орзу-умид дарахтлари
мева тугади. Оила бир қасрки, бахт нақшлари ранго-рангдир.
Оила бир уммонки, ҳис-туйғулар тўлқинлари кўзни
қувонтиради.

Оила севги асосида бир-бирини тушунган, ота-она ўз бурчларини тўғри бажара оладиган, ҳар қандай шароитда босик, ўзларини ақлан бошқара оладиган, жисмонан бақувват, одоб-ахлоқда ҳикматлар дурдонасига амал қиладиган фазилатли макондир. Севги, муҳаббат ҳақида чексиз ҳикмат дурдоналари яратилганки, улар ёш оилаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда. Севги ва унинг оиладаги аҳамияти ҳақида таниқли мутафаккир аёл Робиа-и адавиййа қуйидаги байтни келтиради:

*«Севаман! «дейсану, этасан исён,
Бу ҳолинг ажабдир, бўламан, ҳайрон.
Итоат қилгин-да, севсанг гар албат,
Севган суйганига этар итоат».*

Севги оила устун, фарзандлар тарбияси камоли, уйнинг файзу барокати эканлигини, оила тинч, бақувват, ишончли бўлиши севги асосида оила қурганларнинг бир-бирларига бўлган инсоний мулоқотларини кузатган кишилар томонидан назарга олинади. Чунки, севгига содиқлик оила шаклланган кундан бошланади. Бу ҳақида ғазал султонларидан бири ҳисобланган Жалолиддин Румийнинг ғазал байти қуйидаги ифодани таҳлил этади:

*«Лайлини кўрди шоҳ, деди – ҳой!
Сен мисол Маҷнунни ёндирган чирой?
Лек чиройинг ўзгадин афзал эмас.. ,
Қиз деди – бас, чунки сен Маҷнун эмас».*

Бу изоҳда севги ранг, бўй, қомат, гўзаллик танламайди, сабаби юракдан севиш ҳар қандай нарсадан устун деган ғоя мазмунан сингдирилган. Демак, оиланинг севги асосида шаклланиши унинг чин юракдан сева олиши билан боғлиқ эканлигидадир. Севги асосида қурилган оила бахт ва муҳаббатни ўзида жам қилган шеърларда акс этганли-

гини шоир Т. Маҳкамовнинг қуйидаги мисраларидан би-
лишимиз мумкин:

*Дур ёзулар кўзларингдан, қуёшимсан ё ҳулкар,
Нур сочувчи юлдузларга сирдошимсан ё ҳулкар.
Ёки ёнган юракларга бардошимсан сен ўзинг,
Кўзларингда кулиб турган офтоб борми ҳулкарим?
Ҳайратланиб савол бирла гоҳ боқасан мен томон,
Неларнидур айтолмасдан қийналуурсан кўп замон,
Ё севгимга шионмассан, ўйларингда минг гумон,
Ё кўнглингда ишқ бобида ҳисоб борму ҳулкарим?
Олам аро ўзингмисан тенги йўқ бир танҳо зот,
Ҳусн аро рухсорингнинг таърифи йўқ паризод,
Неча ошиқ висолингга етмай чекар, оҳ-фарёд,
Ёр дардида мен каби бетоб борму ҳулкарим?*

Маънавиятимизга хос одоб-ахлоқда севги асоси-
да қурилган оила энг боқий, ҳаётлари ибратли, одобли,
касб-хунарли, фарзандлари мўмин қобил, фаросатли тар-
бияланган илоҳий маскан ҳисобланган. Бу барча миллат
оилаларига хос фазилатдир. Бироқ оила мазмун ва моҳи-
ятига кўра ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун ўзига хос
диққатли хусусиятларга эгадир. Шарқда оила тушунчаси
оила қуриш ва унинг мустаҳкамлигини, фаровонлиги ва
барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, ўзбек
халқи учун оила энг муқаддас даргоҳдир. Юртбошимиз
таъбири билан айтганда, «бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ
тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчлари-
ни адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр
оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин
эмас. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровон-
лиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғла-
ри ва яқин одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги
тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу
эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалби-
нинг гавҳаридир».

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оила фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг учун оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўзида мужассам этган муҳим ишлар амалга оширилди. Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини тақомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни, ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Оиланинг ўзига хос қатор вазифалари мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаларидан фарзанд кўриш, аждодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий-тараккиётини таъминлашдан иборатдир. Оиладаги репродуктив фаолият эр-хотин, кайнона-келин, кайнота-куёв ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, қон-қариндошлар ичида меҳр-муҳаббат ришталарини қаттиқроқ боғлайди. Халқимизда «болали уй бозор, боласиз уй мазор» деган гап бор, болалик уйда шоду-хуррамлик, тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Бундай оиланинг ҳар бир кунни мазмунли, режалли ва аниқ мақсадли ўтади. Фарзандсиз оила аксарият ҳолларда нотинч, омонат бўлади.

Фарзандсиз эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар гўёки сохта оилага, атроф-муҳитга, турмушга муносабатлари юзаки, келажакка интилишлари мақсадсиз бўлиб, улар ота-оналик меҳр-муруввати ҳиссиётидан бебахра қоладилар. Бундай оилаларнинг тақдири эр-хотин ўртасидаги никоҳни бекор қилиш билан ўз тақдирини яна бошқа билан қонуний никоҳ асосида синаб кўриш билан боғлиқ-

дир. Эр-хотин ва болалардан иборат бўлган оила насли оила деб аталади. Ўзбек оилалари кўп бўғинли бўлиб, аксарият ҳолларда қайнона-қайнота, ўғил ва келин, қайин ака ва қайин сингил, опа, неваралар биргаликда яшашади. Бундай оилалар шу оиланинг ўзи учун хос бўлган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамлиги ва шу каби ахлоқий қадриятларнинг кейинги авлодларга етказилишида муҳимдир. Шунингдек, оиладаги катта кишиларнинг ёшларга оила сабоқларини, рўзгор-шунослик бўйича тажрибаларини, бола тарбиялашдаги ютуқларини келин, ўғил ва қизларига ўргатишлари оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Қайнота, қайнона билан бир оилада яшайдиган келин учун бахт ва саодат эшиги очикдир. Чунки, бошқа оила шароитида ўсиб тарбияланган қиз бола бегона оилага келин бўлиб тушади, ҳар бир оиланинг ўз ички тартиб-қоидаси булиб, унга амал қилган, иззат-икромини жойига қўйган келингина шу оила аъзолари, шу авлод ўртасида ҳурмат топади, туб қўйиб, палак ёзади. Бу ўринда қайнона-қайнота ўгити, тажрибаси, таълим-тарбияси, намунаси келин учун маёқ ҳисобланади. Халқимиз ўртасида «қариси бор уйнинг париси бор», «қайнонаси келин масхара келин», «қари билганини пари билмас» каби мақоллар бежиз пайдо бўлмаган.

Оиланинг вазифаларидан яна бири иқтисодий-молиявий хўжалигининг фаолиятини тўғри юритиш ҳисобланади. Катта жамиятнинг ўз иқтисодий, ижтимоий, молиявий масалалари бўлганидек, оиланинг ҳам ўзига яраша иқтисоди, бюджети, қарим-чиқими, даромадлари каби ўзига хос молиявий жиҳатлари мавжуд. Оила аъзоларининг оила даромадларини режали сарфлаши, қўндалик турмуш учун зарур бўлган рўзгор асбоб-анжомларини, қийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини меъёр билан харид қилиши, тежамкорлиги, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги — шу оиланинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши учун заминдир. Оила-

ни иқтисодий режалаштириш, ундан оқилона фойдаланиш оила бошлиқларидан жуда катта бошқарув, тадбиркорлик ва раҳбарлик маҳоратини талаб этади. Албатта, бу ўринда оила бошлиқларининг ҳаётий тажрибаси, назарий ва амалий билими, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги оиладаги бошқаларга намуна бўлмоғи зарур. Чунки ҳар бир оила ўз молиявий мавқеи жиҳатидан алоҳида дахлсиз салтанатдир, бу салтанатнинг молия вазири ота, ўринбосари эса онадир.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири тарбия ҳисобланади. Оила – тарбия маскани. Айнан шу мақсадда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги хатти-ҳаракат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради. Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан боланинг хатти-ҳаракати мазмунига сингиб боради. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган гаплар оила тарбиясининг негизини ташкил этади.

Боланинг ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний, маънавий, гигиеник, жинсий тарбиясида оила асосий омил ва восита ҳисобланади. Бу ўринда ота-она – санъаткор, бола – санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Санъат асарининг муваффақияти, жозибадорлиги, умрбоқийлиги санъаткорнинг маҳорати, савиясига боғлиқдир. Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Бўш вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни китобхонлик, меҳнат, шунингдек, музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Шарқона одоб-ахлоққа оид халқимизнинг «саёҳат – дилга роҳат», «саёҳат – танга роҳат, тан эмас, жонга роҳат», «сайёҳнинг орзуси – довон ошмоқ» каби мақоллар ибрат-

ли дам олишнинг мазмун ва моҳиятининг нақадар улуғ эканлигини асослаб беради.

Ўзбек оиласига хос бўлган яна бошқа характерли хусусиятлар ҳам мавжудки, улар узоқ йиллар давомида шаклланиб, кадрият даражасига кўтарилган ва бугунги кунда ҳам ўз ҳурматини сақлаб қолмоқда. Оила оиланинг кўп бўғинлилиги (оилада бобо, ўғил-келин, невара-чеваралар бирга яшайди), болажонлик, серфарзандлик, меҳнат тақсимотининг қатъийлиги, оила бюджетининг ота-она томонидан бошқарилиши, оиланинг кичик аъзоларининг катталарга иззат-икромиди, бўйсунлиши, оилада эркакнинг муҳим кадри ва ўрни, ота-онага нисбатан муносабатнинг алоҳида аҳамият касб этиши, аёлларга нисбатан ҳурмат, уларни авайлаб-асраш ҳиссининг кучлилиги, оила ғурури, шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир оила аъзоси учун бурчга айланиб қолганлиги, туғилиб ўсган жойга нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат туйғусининг зўрлиги, ўтроклашишнинг анъанавийлиги ва бошқалардан иборат.

Ҳар бир ота-онанинг вазифаси оилада атрофлича соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, билимли, ақл-заковатли, уддабуррон, жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир. Оила анъаналари, касб қори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, бўш вақтни унумли ўтказишга эришиш бунинг узвий бўлаги ҳисобланади. Шарқона одоб-ахлоқда, «ота ҳунари – болага мерос» мақоли ҳар бир оила учун муқаддасдир. Шунингдек, оилада гиёҳвандлик, маиший нопоклик, ахлоқсизлик, носоғлом эътиқод, ақидапарастлик, ҳоинлик каби баъзи бир иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун мунтазам тарзда одоб-ахлоқ тарбиясини такомиллаштириш энг муҳим масала ҳисобланади.

Оилада ким нима билан банд ва қандай ишлар билан шуғулланиши бир-бирига аён бўлади. Дейлик, ўғиллардан бири уйга ўз вақтида келмайдиган одат чиқара бошлади. Буни, албатта, дастлаб ака-сингиллар ёхуд опа-укалар, кейинчалик эса она сезиб қолади. Ота билмаслиги мумкин. Она, ака ёки опалар ўша ноҳуш воқеа ва ҳодиса-

нинг, ўғил ёки қизнинг ножўя хатти-ҳаракат килиши ёхуд нотўғри йўлга киришининг олдини олишлари зарур. Бу ишни у сабабсиз кеч келган биринчи кунданоқ бошлаши керак. Агар онанинг кучи етмаса, бунинг уддасидан чиқа олмаса, тезлик билан дарҳол отасини ёрдамга чақиришига тўғри келади.

Халқимизда отанинг оиладаги ўрни тўғрисида, «ота сўзи – пичоқ, она сўзи – кумалоқ» ҳамда «ота қарғиши – ўқ, она қарғиши – дўқ» деган мақоллари айнан шундай вазиятларни бартараф этиш жараёнида пайдо бўлган. Бу вазифани асло кечиктириш мумкин эмас, агар кечикса, оқибати жуда оғир бўлиши мумкин. Бу билан оилада бола тарбиясида жуда эҳтиёт бўлиш, пинҳоний назоратни йўлга қўйиш лозим деган фикрни илгари сурмоқчимиз. Зотан, халқимизда бир оила нотинч бўлса, унда уриш-жанжал кўпайса, бутун маҳалла безовта бўлиши мумкин.

Шунингдек, бир оила маиший бузуқ бўлса, демак, халқнинг обрўсига путур етади. Шунинг учун бир оиладаги нохушликни ота-она эплай олмаса, шу оилага қўшнилар ёрдам қўлини чўзиши мақсадга мувофиқдир. Демак, оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигидан жамият манфаатдордир. Дарҳақиқат, доноларимиз таъбири билан айтганда, «оила – жамиятнинг дуру-гавҳаридир». Ушбу дуру-гавҳарнинг мусаффолиги, атроф-муҳитга эстетик таъсирчанлиги, одамлар муҳаббатига доимий сазоворлигини таъминлаш оиланинг ҳар бир аъзосидан жуда катта масъулият талаб этади. Оила деб аталмиш муқаддас салтанатнинг топталиши, бузилишига йўл қўйишга, унинг шаънини булғашга ҳеч кимга ҳақ-ҳуқуқ берилмаган. Чунки оила – давлат таянчи, бахт ва саодат бешигидир. Одоб-ахлоқли оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас макондир. Ушбу мўъжаз макон жамият деб аталмиш буюк бир маконнинг пойдеворини ташкил этади, жамиятнинг, давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши айнан шу пойдевор мустаҳкамлигига боғлиқдир.

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Миллий маънавиятимизга хос одоб-ахлоққа таянган ўзбек оиласи ўзининг баркамоллиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги билан бутун дунёга намуна мактаби бўлиши учун мустаҳкам пойдеворга эга. Пойдевори мустаҳкам бино эса асрлар оша ҳаёт тўфонларига бардош бериб, абадий қадди букилмайди. Ўзбек оиласи ҳам худди шундай пойдевори мустаҳкам, қадди тик қалъа ҳисобланади. Бу қалъанинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлари давлат, жамият диққат-эътиборида экан, унга ҳеч қандай ёвуз куч, ғоя, қийинчилик таъсир этмайди, аксинча у барқарорлашади, мустаҳкам ва фаровон бўла боради. Оила деб аталмиш муқаддас ватанда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бир-бирлари билан ахлоқий, ҳуқуқий, рухий, иқтисодий алоқалар туфайли муомала-мулоқотга киришишади. У яшаш учун меҳнат қилади, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида саъй-ҳаракатини амалга оширади.

Инсон пайдо бўлибдики, у ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маърифий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, хоҳ ҳуқуқий бўлсин, хоҳ ахлоқий бўлсин, хоҳ жисмоний бўлсин одам шу каби эҳтиёжларини қондириш йўлида ҳеч қандай нарсадан қайтмайди. Инсоннинг қабихлиги ёхуд бузуклиги ҳам, яхшилиги ва эзгулиги ҳам шундан келиб чиқади. Инсоният тарихидан маълумки, инсон моддий эҳтиёжни олдинги режага қўяди. Бугунги кунда бу хусусда халқнинг «аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган нақли шиор даражасига кўтарилди.

Ҳаёт ва турмушда «кичик бир оила иқтисоди ва давлат иқтисоди тушунчалари мавжуд. Пул, мол оила эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсалар, бу оила иқтисоди. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган ҳалол мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан яратилган нарсалардан иборатдир». Бу

ўринда тарбияшунос олим мол-дунёни ҳалол меҳнат эвазига тўплаш зарурлиги ва оилада болаларни шу руҳда тарбиялаш ғоясини илгари сурган. Зотан, пул, молу-дунё оила иқтисодининг негизини ташкил этади, иқтисод атамаси «уй ҳўжалиги» маъносини англатади. Демак, оила иқтисоди уй-рўзғор юритиш ҳақидаги билим, малака ва кўникмалар йиғиндисидан иборатдир. Абдулла Авлоний таърифига кўра «иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтиладур», «молу давлати кўп бўлган инсон бой эмас, балки иқтисодчи инсон бойдир».

Оила иқтисодини шакллантиришда, уни бошқариш ва назорат қилишда оиладаги ҳар бир аъзосининг ўз ўрни ва ўз удуми мавжуд. Оила пул даромадлари, аввал таъкидлаганимиздек, ҳалол, пок йўл билан меҳнат эвазига топилмоғи зарур, ўғирлик, қимор ўйнаш, пора, алдамчилик, фоҳишалик, қаллоблик билан орттирилган бойлик ҳаромдир. Шунинг учун оила иқтисодига қўшиладиган ҳисса ҳалол бўлмоғи лозим, ҳалол билан ҳаромни фарқлай билишни эса бола онгига ёшликдан сингдириб бориш зарур.

Одатда, ўзбек оилаларида оиланинг моддий таъминоти эркак зиммасида бўлади. Унинг жамғармасини тежамкорлик билан ўз ўрнида сарфлаш, исрофгарчиликка йўл қўймасдан оилада кут-барака бўлишини таъминлаш аёлнинг вазифасидир. Шунинг учун оила ва давлатнинг бой, тўқ, фаровон турмуши кўпроқ эркакларга боғлиқ, тежамкорлик — оила фаровонлигининг асосидир. Оила қанчалик тўқ, фаровон яшаса, шу оилада камолга етаётган фарзандларнинг келгусидаги фаровон турмушига асос солинади. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва жамият бойлиги учун заминдир, Абдурауф Фитрат айтганларидек: «маълумки, яшаш учун пул ва пул топиш учун саъй ва амал лозим. Тажрибасизлик ва заиф мижозлари устига аёл зоти баъзи йиллари тўққиз ой «ҳомиладорлик» юкини кўтариб юради, бола туғилишидан бошлаб тарбияси билан машғул бўлади. Яна бориб ишлаб пул топиш эса уларга мушкулдир. Ишлаб саъй-ҳаракат қилиб пул топиш бу эркаклар

бурчидир. Эркаклар бор кучларини ишга солиб, пул топиб бир қисмини аҳли аёлларига эҳтиёжлари учун сарф қилишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар бола-чақалари ва аҳли аёлларининг нафақалари хусусида зикналик қилсалар, ё нафақаларини бериб, миннат қилсалар ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун бош-кўздан садақа бериб, ўзлари бошқа жойларда айш-ишрат билан машғул бўлсалар, зулм ва инсофсизлик қилишларига шубҳа йўқдир. Зулм ва инсофсизлик эса исломда куфр ва ҳаромдир. Бас, эркакларнинг бу ҳаракатлари ҳам ҳаромдир.

Инсондан пул, молу дунё топиш бир ақл талаб этса, уни сарфлай олиш ўн марта ортиқ ақл талаб этади. Шунинг учун оила иқтисодига ўта масъулият, пухта режа асосида муносабатда бўлмоқ лозим».

Оила иқтисодини режалаштирмасдан туриб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиш мумкин эмас. Аксарият ўзбек оилаларида оила даромади, чикими кундалик эҳтиёжлари, сарф-харажатлари, ҳар бир киши учун бир кунлик, бир ойлик, бир йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари меъёри (нон, гўшт, сут, кўкатлар, полиз маҳсулотлари ва ҳоказо), мавсумий кийим-кечаклар, маданий-маърифий савиясини оширишга, сайру саёҳатга, оилавий анъаналар, маросимларни нишонлашга ва оила аъзоларининг бошқа эҳтиёжларига (енгил машина, велосипед, техника ашёлари ва ҳоказо) сарфланадиган маблағ ҳажми ва бошқалар олдиндан режалаштирилмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида оилани режалаштириш оила иқтисодини режалаштиришдан бошланмоғи зарур. Халқимизда «режали иш бузилмас», «маслаҳатли тўй таркамас», «режасиз иш – қолипсиз ғишт» каби мақоллар ҳам ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйланган режа асосида қилмоқ зарур, акс ҳолда у иш палапартиш, муваффақиятсиз тугаши мумкин деган маънода қўлланилади. Оила иқтисодида жамғарманинг ўрни катта, оиланинг жами пули, даромадлари ва сарф-харажатлари оила жамғармасини ташкил қилади. Оиланинг қанча даромади, қанча

харажати мавжудлиги жамғармадан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Оиланинг моддий бақувватлиги оила даромадини моҳирона кўпайтириш ва уни ҳўжалик юритишда моҳирона сарфлашга боғлиқ. Тежамкорлик эса оила фаровонлигини таъминловчи муҳим моддий-маънавий қадрият ҳисобланади. Тежамкорлик – ҳасислик эмас, балки, унинг мазмунида оила маблағини қаттиқ назорат қилиш, ҳалол меҳнат эвазига келган пул ва рўзғор анжом-ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларни қадрлаш, авайлаб-асраш, иқтисодий камчиликни чуқур билиш, эҳтиёткорлик, нафсни идора этиш, бойваччалик орқасида бўладиган манманликдан ўзни тийиш, ҳар бир нарсадан унумли фойдалана билиш маҳоратига эга бўлиш демакдир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан тежамкорликни талаб этади. Оиладаги нарсаларни тежайдиган инсон, давлат, мамлакат бойликларини, мол-мулкини авайлаб-асрайди. Шунинг учун ҳам ушбу фазилат ҳозирги замон кишиси учун ҳаётий меъёр, турмуш тарзини юксак даражага кўтарувчи маънавий стуклик мезонидир. Инсондаги «мен» ва «меники» тушунчасининг юксак даражада шаклланиши «бу оила – меники», «оиладаги ҳар бир нарсага мен жавобгарман», «экин майдонлари, ишлаб турган корхона, станок – меники, мен уларнинг эгасиман», деган тушунчаларни унинг онгида кўрғошиндек мустаҳкам муҳрланиб қолиши, ўз-ўзидан оилада, ўз ўрнида атроф-муҳитда тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини пайдо қилади. Мустақиллик шарофати билан уй-жой, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, хусусий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилганлиги, қишлоқ ҳўжалигида оила пудрати, деҳқон ҳўжалиги, фермерлик фаолиятларининг ташкил этилганлиги ҳар бир фуқаро онгида «мен» ва «меники» тушунчаларини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Тежамкорлик сабоқлари ота-она, буви-бобо намунасида бола онги,

хатти-ҳаракатига сингиб боради. Халқимизда «йўлини билган бир йил етим, йўлини билмаган минг йил етим», «кўрпангга қараб оёқ узат», «тежамкор уйнинг баракаси бор» каби нақллар шунчалик айтилмаган. Оиладаги катта ёшдагиларнинг амаллари, фаолиятлари билан халқ нақллари воситасида болаларда оила иқтисодини юритишда малака ва кўникмалар шаклланиб боради.

Ота-она болага ойлик маошини режали сарфлаш, рўзгор учун керакли, кераксиз нарсаларни харид қилмаслиги, мол-дунё йиғишга ружу қўймаслиги, ўғирлик, тамагирлик, ёлғон сўзлашдан йироқ бўлиши, озиқ-овқат маҳсулотларини исрофгарчилик билан сарф қилмаслиги, ички ва устки кийимлар, пойафзалларни ўз ўрнида эҳтиёткорона, тоза-озода сақлаши, уларни дазмоллаб кийиши, ҳар кунлик ҳаётидан шукроналар билан яшаши, хонадонни ортикча киши руҳиятида шубҳа пайдо қиладиган анжомларсиз баҳаво, ихчам дид билан безалган, саранжом-сарипшта тутиши, оиланинг хўжалик харажатларини тежаш мақсадида мавжуд ер майдонларидан мевали дарахтлар, гуллар, полиз маҳсулотлари экиб унумли фойдаланиш, палапартиш кийинмаслик, урф-одатдан чиқиб қолган кийимлардан рўзгорбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқариши, рўзгор асбоб-анжомларини таъмирлаш ҳунаrlарини билиши билан намуна бўлиши зарур.

Оила эҳтиёжи унинг имкониятига қараб қондирилади, баъзи оилаларда бу қоидага амал қилмаслик оқибатида иқтисодда режасизлик, баракасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилади. Суви қочган нонни кесиб қуритиш ўрнига уни молга бериш, ҳатто ахлатга ташлаш меҳмон сонига қараб харид қилиш ёки таом тайёрлашга амал қилмаслик, аёллар ва кизларнинг бозорда янги пайдо бўлган матони албатта харид қилиши ва кийиниши, янги келиннинг ота-она, қайнота-қайнона қилган 50 – 60 та сарупосини кийиб улгурмасдан янги-янгиларини харид қилиши, меъёрсиз таом тайёрлаш ва уни исроф қилиш, оила даромадини ҳисобга олмасдан кийиниш, ичиш, чекиш каби иллатларга

берилиш, ортиқча сарф-харажатлар билан тўй-маъракалар ўтказиш, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш, ўғил уйлантираётганда ёки қизни турмушга бераётганда эҳтиёжидан ортик мол дунё бериш, меъёридан кўп рўзгор буюмларини ҳадя қилиш, қудалар ўртасида ортиқча урф-одатлар, расм-русумларнинг, оилавий тантаналарнинг ўтказилиши оила иқтисодига салбий таъсир этади.

Тўй ва маърака, мотам маросимларини ўтказишдан мақсад ўзининг нимага қодирлигини халқда кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз хурсандчилиги ва хафачилигини дўсту биродарлар билан баҳам кўриш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, оламдан ўтганларнинг руҳини хотирлаш ва қадрлашдан иборатдир. Баъзи нобакор фарзандлар ота-онани тириклигида йўқлаш, ёрдам бериш, оғир юмушларини енгиллаштиришни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Улар оламдан ўтганларидан сўнг эса ўзлариининг сохта меҳрибончиликларини, бойваччаликларини намоиш этмоқчи бўладилар.

Мотам маросими дастурхони тўй дастурхонига нисбатан ҳам тўкин-сочинли безатилади. Халқимизда бир нақл бор: «ота-онанг^{*} ўлганидан сўнг минг кун йиғлагандан кўра, тириклигида бир кун йўқла». Шунинг учун ота-онага қиладиган барча яхшиликларни унинг тириклигида қилмоқ зарур. Бу ўринда Юртбошимизнинг фикрлари барча учун дастуриламал бўлиши зарур. Президентимиз: «Аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик. Қанийди, онагинам тирик бўлсалар, дунёни сайру саёҳат қилдириб келмасмидим. Оналаримизнинг, оталаримизнинг умрини ғанимат билиб, қадрига етайлик», — дейдилар.

Дарҳақиқат, турмушда зарур бўлган барча нарсаларга осонликча, меҳнатсиз эга бўлган ёш келин-куёвда ота-она меҳнатини қадрлаш, рўзгор буюмларини авайлаб-асраш, тежаш, оиланинг моддий хўжалик вазифасини бажариш учун интилиш қаёқда бўлсин? Оиланинг ҳар бир аъзоси бор-йўғида қаноат қилишга ўрганиши лозим. Меҳнат-

га ҳалол ва тўғри ёндашиш, ўз касбини севиш ва касби орқали топган даромадига қаноат қилиш ҳам оилани мустаҳкамлайди. Абдурауф Фитрат баён этганидек; «Қаноат деб жаноби Ҳақ тарафидан эҳсон бўлган аҳволга етишдуримиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган фақр, мушибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилуру. Қаноат, ҳасад, тама, хирс, хорлик каби иллатларнинг даъвоси нафсимизнинг йиғишимиздур».

Меҳнат билан топилган бойлик кадрли бўлади, меҳнатнинг кадрини билганларгина меҳнат звазига келган бойликни кадрлайди, тежайди, ноўрин сарфламайди. Шу ўринда бир афсонани келтириш мақсадга мувофиқ. Бир мўйсафид чол кексайиб куни битганга ўхшаб қолади, у бу аҳволини сезади ва олдига ёлғиз, лекин эркатой ўғлини чорлайди. Ота ўғлига: «Ўғлим, бор мол-мулкимни сенга хатлаб қолдираман. Бироқ бир шартим бор. Ўз пешона теринг, ҳалол меҳнатинг билан менга ўн танга келтириб берасан», — дебди. Ўғил ўрнидан туриб, онаси олдига бориб бўлган гапни айтиб беради. Она ўғлига ўн танга пулни бериб: «Болам, ўртоқларинг билан ўйнаб, айланиб кечга яқин қайтиб кел ва шу пулни отанга бергин», деб уни эркалайди. Бола онаси айтганидай кечроқ отаси олдига бориб, онаси берган пулни отасига узатади. Ота ҳовуз бўйида ўтирган эди. У боласидан тангани олиб, у ёқ бу ёғини айлантриб кўрадида, уни ҳовузга отади ва дейди: «Ўғлим, бу пулни меҳнат қилиб топмагансан». Фарзанд бу бўлган воқеани онасига айтади. У онаси билан бугунги бўлган ишни эртасига ҳам такрорлайди. Ота эса бу гал ҳам пулни ҳовузга улоқтиради.

Учинчи кун эса бола кун бўйи ишлайди, ҳаммоллик қилади, юк ташийди, хуллас, ҳалол меҳнати билал ўн танга топиб, отасига келтириб беради. Ота эса олдинги кундагиларга ўхшаб, пулни ағдариб кўра бошлайди ва ҳовузга улоқтираётганда бола отасига қараб ўзини отади ва дейди: «Отажон, сувга улоқтирманг, уни ҳаммоллик қилиб югуриб-елиб топдим», деб ялинади, шунда ота: «Ҳа, бу

пулни ўз пешона теринг билан топибсан. Аввалги пулларга ичинг ачишмади, бу гал эса қийналаяпсан», деган экан. Демак, ҳалол йўл билан меҳнат эвазига топилган мол-дунё қадрли бўлади, у ноўрин кетса, жон ачийди. Ота-онанинг вазифаси фарзандни заруратдан ортиқ рўзғор асбоб-анжомлари билан таъминлаш, меъеридан зиёд едириш, кийинтириш эмас, аксинча, оила бошқариш, тежамкорлик сабоқларини улар онгига сингдиришдан иборатдир. Фарзандлар истиқболини ўйлаган ота-она уларга касб-хунар сирларини ўргатади. Қизиқишлари бўйича чуқур илм олишлари учун шароит яратиб беради, бўш вақтларини унумли ташкил этади, меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантиради.

Мол йиғиш, унга мойиллик инсонга хос хусусиятдир. Мол-дунё пул, буюм, қимматли қоғозлар, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо материаллардан бўлган уй-рўзғор ашёлари, кийим-кечак, нодир китоблар ва бошқалар тарзида бўлиши мумкин. Мол-дунё икки хилда: бири ота-боболардан мерос, иккинчиси тежалган оила бюджети ҳисобига мол йиғиш мумкин. Шунингдек, Абдулла Авлониё айтганидек: «Мол топмоқнинг энг баракатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарчиликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтиб, ўрнига «билган битар, билмаган йитар замони келди». Чунки ота-онанинг фарзандларига мерос бериши қадимдан одат тусига кириб қолган. Ақлли фарзанд ота-онаси ҳадя этган меросдан оқилона фойдаланишга, уни кўпайтиришга ҳаракат қилади. Меъеридан ортиқ мерос узокни кўра олмайдиган фарзандни боқиманда, дангаса, текинхўр, ишёкмас қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ота-онанинг асосий вазифаларидан бири фарзандга мерос қилиб қолдираётган молни ўз ўрнида сарфлаш, режалаштириш ва бошқариш йўл-йўриқларидан ҳам сабоқ бермоғи зарур. Албатта, оиланинг аъзолари ейиши, кийиши ва бошқа кундалик эҳтиёжларини

бутунлай чегаралаш ҳисобига мол йиғиш мумкин эмас. Мол йиғишдан мақсад ҳаётда учраши мумкин бўлган оғир кунларда, кундалик ҳаётий эҳтиёжни қондириш зарурати пайдо бўлганда, фарзандларнинг мустақил ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратиш лозим бўлган тақдирда фойдаланишдан иборатдир. Тўпланган мол-дунё эзгу мақсад йўлида сарфланмаса, у кишини йўлдан чиқаради, баднафслик касалига мубтало этади. Инсон учун моддий бойлик эмас, маънавий бойлик ҳаётий эҳтиёждир, шунинг учун моддий бойликдан илм олиш, касб-хунар эгаллаш, дунёни билиш, меҳр-саховат, ҳиммат кўрсатиш йўлида фойдаланмок зарур. Турли нопок йўллар билан осонликча қўлга киритилган бойлик қандай келган бўлса, шундай йўк бўлади. Мисқоллаб йиғилган мол-дунёдан ўз ўрнида фойдалана билиш ҳам санъатдир. Мол-дунёга ўт кўйиш, бойлик ҳирсига берилиш, унинг орқасидан қувиш, бойлик орттириш мақсадида ўғрилиқ, жиноятчилик, хоинлик, сотқинликдан ҳам қайтмаслик инсонни жаҳолат ботқоғига ғарқ этади, инсонийлик туйғуларидан маҳрум қилади, очкўзлик касалига мубтало этади. Очкўзлик хасисликнинг пойдеворидир. Хасислик, зикналик инсонга хос бўлмаган хусусият бўлиб, очкўзликнинг бир кўринишидир. Хасис одам очкўзлик билан бойлик, мол-дунё йиғади, ундан на ўзи, на бошқаларнинг фойдаланишини истамайди. Унинг учун шукр қилиш, қаноат, ҳиммат, саховат тушунчалари бутунлай ётдир! У ўз бойлиги мол-дунёси хавотири билан яшайди. Хасис одамлар мухтож, бева-бечоралар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, етим-есирларга нисбатан эзгулик, одамийлик қилмайдилар. Бу тоифадаги кишилар ҳатто оила аъзоларини ҳам емок, ичмок, киймокдан маҳрум этадилар, хасис инсонни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Бойлик орқасидан қувиш — касалликдир, бу касаллик инсонни ичкилик, гиёҳвандлик, зино, қиморбозликка майлини оширади. Бунинг натижаси эса оиланинг барбод бўлиши билан яқунланади. Донишмандлар шундай таълим берадилар: «Бирор мол ҳар канча азиз бўлса ҳам, уни дўст-

лардан дариг тутмагил. Ҳар ҳолда молни гуринга олиб бормангдур, аммо дахлинг (даромадинг) на чорлиқ бўлса, харжини ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмагай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса ҳеч вақт қашшоқ бўлмагай. Бор молинга қаноатда бўлгил, қаноат туганмас ганждур ва сенга, албатта етишгусидур. Аммо исрофни шум эътикод қилгил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордур. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдур. Исроф танҳо молнинг харжида эмас, балки овқатда, хулқда, сўзламоқда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Исроф танни алдаб, нафсга ранж еткарур, ақлни қочирур, тирикни ўлдирур. Кўрмасмусанму, чирокнинг тириклиги ёғ биландур. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғфатила (пилик)нинг бошига келиб, чирок ўчур. У ёғки чирокнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жихатидан мамотига (сўнишига) сабаб бўлур».

Муслмончиликда исроф қилиш гуноҳдир, оиланинг ҳисобини исроф қилиш уни қашшоқликка, йўқчиликка маҳкум этиш демақдир. Оилада йўқчилик оқибатида уруш-жанжал пайдо бўлади, фарзандлар жиноятга қўл уради. Ўзгалар мол-дунёсига ҳасад қилиш кулфати пайдо бўлади. Халқимиз ичида «нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан», деган мақол бежиз айтилмаган. Шунинг учун оиладаги ҳар бир нарсани, оила иқтисодининг ҳар бир сўмини тежаш ва исроф қилмаслик, унинг оқибатини фарзандлар онгига сингдирмоқ зарур. Сахийлик, хотамтойлик инсон фазилатининг кўркидир, оила иқтисодининг тежалган қисмидан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга, сўнгра дўсту биродарларга эҳсон қилиш қадимдан шаклланиб келган қадрият ҳисобланади. Муҳтожликда яшаётган ён қўшнига ёрдам бериш, ҳолидан хабар олиш хотамтойликдир, ўзи бой-бадавлат дўсту биродарларга катта-катта зиёфатлар бериш такаббурликдан бошқа нарсаси эмас. Оилада сарф-харажатлар доимо назоратда бўлмоғи зарур, «ҳисобли дўст ажралмас» деган нақл мавжуд. Оила аъзоларининг ойлик даромади кундалик эҳтиёжла-

ри учун чиқимлар ҳажми тежамкорлик асосида йиғилган жамғармаси ёзма равишда мунтазам ҳисоб-китоб қилинган тақдирда исрофгарчиликка ҳам, оиланинг қашшоқлашиб кетишига ҳам йўл қўйилмайди. Ҳар бир кишининг ўз билганича, оила бошлиқлари билан маслаҳатлашмасдан харажат қилиш-лари ҳам исрофгарчиликка олиб келади. Бундай оилада кут-барака бўлмайди. Оилашунос олимларимиз сабоқ берганларидек: «Кирим-чиқим ҳисобларингизни бир дафтарга ёзингиз ва ҳар вақт бу дафтарга кўз ташлаб турингиз. Кўриб турганида керакмас ўринларга ақча бермак учун ҳар ким бир қадар эҳтиёт узра бўлур. Чиқимингизни киримингиздан ортиқ айламанг, балки қора кун учун ҳар ойда озми-кўпми бир миқдорда ҳиссангиздан беркитиб борингиз, бундай этмак кўнгилга роҳатлик келтирур ва иқтисодли бўлувга сабаб бўлур, аммо чиқим ортиқ бўлса, кўнгилга ҳасрат солур қонни бузар».

Демак, оила иқтисодида кирим билан чиқимнинг бир-бирига мутаносиб бўлмоғи, яъни чиқимнинг киримдан кўпайиб кетмаслигига алоҳида аҳамият бермак зарур. Шундай қилиб, оила иқтисодини чуқур билиш, унга амал қилиш оила фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Оиланинг иқтисодий барқарорлиги эса давлатнинг, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти омилидир. Инсонлар борки, қайси бир ишни бошласа, уни охирига етказмасдан қўймайди. Уни амалга ошириш йўлида заҳмат чекади, қийналади, югуради елади. У қанча қийналмасин, азоб чекмасин, изидан, йўлидан қайтмайди. Яна бир тоифа одамлар борки, улар мақсадсиз, беғам яшайдилар, бошлаган иши йўлида озгина тўсиқ ёки қийинчилик учраса, ташлаб қўяди, охирига етказмайди. У ҳақдаги одамларнинг яхши-ёмон гапи билан ҳам иши бўлмайди. Мана, икки хил одам манзараси. Улар бир-бирига қарама-қарши характер руҳидаги кишилар. Бинобарин, ҳар иккаласи ҳам одамлардир. Биринчисида ғурур бор, бошлаган ишидан фахрланади. Иккинчиси эса ғурурсиз, тинч-хотиржам яшашни, қийинчиликсиз умр кўришни афзал кўради. Зотан, инсон-

ни буюк ишларга илхомлантирувчи куч ғурурдир. Унинг мазмунида ўз оиласидан, ота-онасидан, ватанидан, авлод-аждодлари қолдирган моддий ва маънавий меросдан, касб-коридан, миллатидан, ижтимоий фойдали меҳнатидан, фарзандларидан фахрланиш ҳисси мужассамдир.

«Миллий ғурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини тиклаш натижасида содир бўладиган ички рухий кайфияти. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир».

Фахрланиш – миллий ғурурнинг негизини ташкил этади. Табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларидан ўзи ва бошқалар ютуғидан фахрлана олиш ҳам буюк неъматдир. Миллий ғурури баланд инсон ўз ор-номуси, иффатини сақлай билади, ҳар хил ваъдаларга учмайди, турли таъсирларга, оқимларга тушиб қолмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқариш, хатти-ҳаракатини назорат қилиш, халқимизда айтилганидек, «етти ўлчаб бир кесиш» қобилиятига эга бўлади. Маънавий қашшоқлик миллий ғурурнинг заволидир, маънавий баркамол инсон ўз ғурурини ўткинчи ҳавас учун поймол қилмайди. Иродаси мустаҳкам, эътиқоди бутун, қалбида муҳаббат туйғуси кучли бўлган инсон ота-онага, оилага, ватанга, миллатга, халқига, ўзи туғилиб ўсган она заминга, ёрига, фарзандларига, дўсту биродарларига, касбига садоқатли ҳисобланади. Миллий ғурури баланд инсон адолатсизликка, ноҳақликларга, субутсизликка, ёлғонга, алдамчиликка, миллий камситилишга, миллат, ватан хоинларига, хиёнатга, обрў-эътиборининг топталишига нисбатан бешафқат бўлади. Ғурури баланд инсон ҳар қандай лаганбардорга, тажовузкорларга бош эгмайди, керак бўлса жонини ҳам фидо қиладики, лекин ўзгаларга озор бермайди, сотқинлик, диёнатсизлик, нодонлик қилмайди.

Ўз ғурурини поймол этиш бахтсизликка етакловчи ягона йўлдир. Ҳаётда баъзи кизларимиз асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган шарқ кизларининг ҳаёси, ибоси, ғурурини сақлаш талабларига қарши бориб, ҳаётга енгил-елпи қараш, узоқни ўйламаслик ва кўра билмаслик оқибатида йигитларнинг ёлғон сўзларига ишониб, ўз номусларини поймол қиладилар. Натижада, бир умр бахт ва бахтиёрлик, ҳаёт лаззати нима эканлигини билмайдилар, уларнинг ҳаётлари таъна-дашномлар остида ўтади. Афсуски, «кейинги пушаймон ўзига душман» эканлигини кеч англайдилар, шукрлар бўлсинки, бундай кизлар жуда ҳам кам. Ўз ғурурини поймол қилмаган инсон миллат ғурурини ҳам сақлай билади.

Ёшлик олтин даврдир. Уни эҳтиёт қилиш, йигит-қизлар ўз умрини бефойда, самарасиз ўтказишларига йўл қўймаслик биз катталарнинг ёшлар олдидаги бурчимиздир. Ўз бурчига масъулиятли ота-она, устоз мураббийлар қўлида тарбияланган ёшларнинг миллий ғурури мустаҳкам бўлиб тарбияланиши табиийдир. Ўзига ўта бино қўйиш, насл-насаби, мол-дунёси, мансабидан, ҳуснидан гердаиш, манманликка берилиш, қобилиятига ортикча баҳо бериш, ўз ютуқларидан ҳаволаниб кетиш қабоҳатдир. Афсуски, буларнинг барчаси вақтинчалик, ўткинчи нарсалар эканлигини унутмаслик зарур. Халқимизда «камтарга камол, манманга завол», «бошинг осмонга етса ҳам, оёгингнинг остига қара» деган нақллар бежиз айтилмаган. Бироқ, ғурурни гердаиш, ўзига бино қўйиш, ютуқлардан эсанкираш, ижобий маънодаги «ўжарлик»ни, «кайсарлик»ни манманлик деб тушунмаслик керак. Ҳолбуки, камтар, оддий, бағрикенг инсонда ғурурланиш ҳисси кучли бўлади.

Баъзан ҳаётда ўз миллатидан, тилидан, шевасидан, кийимидан, туғилиб ўсган жойидан, қишлоқ, чўл, дашт, саҳро ва ҳоказо, оддий авлод-аждодлари касб-ҳунаридан, ҳаттоки, ота-онасининг бундайроқ моддий ҳолатидан ор қиладиган кимсалар онда-сонда бўлсада учраб туради. Мустақиллик бундай манкуртликка чек қўйди. Юртбоши-

миз айтганларидек: «Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир». Ўзбек халқи миллий ғурури баланд халқ. Миллий ғурур ўз онгини, рухиятини бошқа миллатларга қарши қўйиш эмас, балки бошқа миллат халқларига ўз миллий-маънавий ва моддий бойликларини, жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан улушини, миллий кадриятларини намоён этишдан иборатдир. Ўзбекнинг пахтаси, пилласи, олтини, атласи, дўпписи, тарихий обидалари, паловхонтўраси, меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, иймон-эътиқоди, буюк алломалари унинг фахридир. Улардан ҳар бир фуқаро ғурурланиши лозим. Миллий ғурур она сути, ота ўғитлари, аجدод-авлодларнинг ирсий фазилатлари, ахлоқ-одоб мезонлари орқали фарзанд онгига сингдирилади.

Миллий ғурури баланд ёшлар мамлакатимиз келажагидир. Шунинг учун ҳар бир фуқарода, ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш, мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, биринчидан, миллатимизнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, миллат бўлиб шаклланиши тарихи, урф-одатлари, анъаналари, адабиёти, санъат, маданияти, дини ва уларнинг инсоният тарихи тараққиётида тутган ўрнини мукаммал билмоқ зарур. Иккинчидан, умуминсоний кадриятларни билиш, улардаги миллий менталитетимизга мос илғор ғояларни амалиётга жорий этиш ва шу асосда миллий кадриятларимизни мазмунан ва шаклан бойитмоқ лозим. Учинчидан, жаҳон андозаларига мос янги техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унда фаоллик кўрсатиш керак. Тўртинчидан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ирқи, миллати, наслу насаби, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар

миллатлараро, фуқаролараро тотувлиги, ҳамжихатлиги ва якдиллигига эришмоқ учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ лозим. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч кўп миллатли мамлакатимиз халклари ўртасига раҳна сололмайди. Улар бир-бирлари билан дўст-биродар, ҳамкор ва ҳамфикр, бир-бирларидан фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси билан яшайдилар. Бундай ўзаро дўстона муносабат ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

«ОТАНГ – БОЗОР, ОНАНГ – БОЗОР»

Миллий маънавиятимизга хос одоб-ахлоқда бозор маданияти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бозорлар халқимизнинг ор-номуси, муомала ақл-тафаккури мужассамлашган, дастурхонлар тўқинлиги, деҳқончилик, хунарамандчилик ва чорвачиликнинг кенг ривожланганлигидан далолат берувчи, баҳс-мунозаралар ҳал бўладиган маскан ҳисобланган. Халқимизда «бозор билган оч қолмас, йўл таниган кеч қолмас» мақолига амал қилиб, бозорга боришдан олдин оила таъминотини ҳисоб-китоб қилиб, оила ҳисобидаги харажат, пул маблағлари жамланиб, оила кенгашида маслаҳатлашиб кейин тараддуд кўрилган. Ҳар бир оила кам харажат, тежамкорлик, бугунни эртасига қараб оила аъзолари учун зарур бўлган талабларни назарда тутган ҳолда бозор сафарига чиққан.

Қадимги аجدодларимиз томонидан мерос қилиб қолдирилган, «бозор борсанг, аввал оқ шомдан тараддудингни кўр», мақоли оила ҳисоби ва даромадини ўйлаб кўришга даъват этган. Бозор ақл-тафаккурни ўлчаб кўрадиган, сотиб олмоқчи бўлган маҳсулотнинг сифати, ҳажмини зимдан биладиган, тарози ўлчови, унинг ҳаракатини сеза оладиган, савдо аҳлини муомала маданияти, маҳсулотни сотиш жараёнидаги сўзларнинг моҳиятини англаб етиш каби вазифалар мазмунини билишни талаб этган. Чунки, бозорга бориб, сифатсиз маҳсулот ёки мол сотиб

олиб келиш оиланинг харажатига салбий таъсир кўрса-тишдан ташқари одамнинг рухий кафиятига ёмон таъсир қилиб, оилада низолар, жанжаллар келиб чиқишига ҳамда ноўрин лақаблар, тортушувларга сабаб бўлади. Миллий ўзбекона бозор одобига оид, « бозор кўрган эчкидан кўрк» мақоли айнан шу каби ҳолатлар туфайли юзага келган. Тонг сахардан бозорларни гавжум қилган савдо аҳли кийимларни тоза, ўзларига эътибор бериб, соч-соқолларни тартибга келтириб, кейин сифатли маҳсулотни танлаш, савдо расталарини тоза-озода қилиб қўйиш билан шуғулланганлар. Тоза-озодалик бўлмаган жойда савдо ўнгидан келмайди деган,» бозорга баққол ярашар, йигитга соқол ярашар», халқ мақолига амал қилганлар. Бозорлар одамларни дўст-қариндош бўлишга, йўқотган кишиларни ва нарсаларни топишга, куда-андачилик ришталари боғланишига, қарзлардан қутилишга, яхши хабарларни эшитишга, давлат сиёсати билан боғлиқ фармон ва қарорлар, ҳокимлар фармойишларидан хабардор қиладиган манзилгоҳдир.

Халқимиз қадимда ҳар қандай янгиликни, у қандай бўлишидан қатъи назар бозорлар орқали билганлар, бозорлар нафақат савдо-сотик маркази, балки жазоловчи, жиноятчиларга, ўғрилар, хоинлар, қаллобларга ҳукм ижро этадиган тарбиялаш маскани ҳисобланган. Шунинг, учун бозорларда юз берадиган турли воқеа-ходисаларни узок асрлар давомида синовдан ўтказган халқимиз,» бозорнинг қопқаси йўқ, овулнинг – эшиги» мақолига доимо амал қилиб келган.

Инсоний фазилатга оид бозор анъаналари қадимданок айнан шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмокда. IX аср охири – X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган машҳур олим Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» китобида шундай деб ёзган эди: «Ҳақиқий саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдамлашиш учун одамларни бирлаштирувчи шаҳар фозиллар шахридир ва

саодатга эришиш учун бир-бирига ёрдамлашиш мақсадида бирлашган кишилар жамияти — фозил жамиятдир. Яқин кишиси учун ва барча шаҳарлар яхши фазилатли бўлиши учун ҳеч нарсани аямайдиган халқ, миллат яхши фазилатли халқ, яхши фазилатли миллатдир». Давлатимиз раҳбари И. Каримов олимнинг мазкур ғояси ва эзгулик ҳақидаги бошқа кўплаб фикрларини давом эттириб қуйидагиларни айтган эди: «Ўзбекистон халқининг кўпчилиги ўзининг шахсий манфаатларини эмас, балки ўз оиласи, қариндошлари, ёр-биродарлари ва қўшнилариининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу — инсоннинг энг олий маънавий фазилатидир. Бизнинг халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқлардан юқори қўйган эмас. Бошқа миллатларга, бошқа динларнинг намояндаларига муносиб ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб келди».

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бағрикенглик анъаналарини ёйиш ва тарғиб қилишида бозорларнинг аҳамияти катталигига алоҳида эътибор қаратилди. Халқимизда шаклланган урф-одатлар асосида умуминсоният маданияти замирида бозор савдо муносабатлари пайдо бўлиб, умуман, ҳаётнинг гуркираб ўсишида савдо-тижорат кенг тараққий этиб, юртнинг обод бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келган. Бозор савдо аҳли халқимизнинг хунармандлиги, сабр-бардошлилиги, ростгўйлиги, ҳалоллиги, ишонувчанлиги, хусни-одоби, тинчлик-хотиржамлиги туфайли бемалол узок сафарларга савдо ишлари билан чиққанлар. Чунки, савдо аҳли халқимизнинг,» бозорим бозор эмас, овулим бозор», деган мақолига амал қилиб, бемалол бозорларга маҳсулот олиб келиш учун ишонч билан сафар қилганлар.

Ўзбек халқи «Бир йигитга қирқ хунар оз» мақолига амал қилади, юзлаб хунармандлар моҳир соҳиб бўлганларки, улар ихтиро қилган ва қадок қўллари билан яратган мол-буюмлар одамларда ҳайрату тасанно туйғусини уйғотган. Қадимдан бозордаги савдо аҳли касбини ҳалоллик фазилати деб, унга хунарларнинг лафз ҳалоллиги нуктаи назаридан

караган. Бозор лафзи ҳалол одамлар туфайли пайдо бўлиб, ўғри-қаллобларни фош этиб, бозор чўнтак билан ҳалол деб, «бозорда бари бор, пулинг бўлмаса, нари бор» мақолни билган одам учун бозор очик дейилган.

Шунингдек, бозор фирибгарларни ошкор этувчи, ёлғон сўз ёки нарса билан одамларни алдайдиган, нопок савдо ишлари билан шуғулланиб, тарози ўлчовидан ногўғри ушлаб қолдиганларни кечирмаганлиги туфайли бозор маънавият ўчоғи ҳисобланган. Шарқона одоб-ахлоқда, «бозорда биров бахтини, биров рахтини сотар», мақоли бозор аҳли ва бозорга келувчилар учун огоҳлик одоби бўлиб хизмат қилган. Энг муҳими бозорга бориш, ўзига маъқул бўлган нарсани харид қилиш, сифатли, ширин, таъми ўзига маъқул таомлар тайёрлашга ишлатиладиган сабзавот ва полиз маҳсулотларини танлаш алоҳида маданиятни талаб қилади. Кўпинча, бозорга бориб арзон, сифатсиз маҳсулотни харид қилиш, бу билан гўёки кам харжли, чўнтакни ҳимоя қилгандек бўламиз, аслида эса олинган сифатсиз, арзон маҳсулот ўзимизга қимматга тушаётганлигини билмаймиз. Чунки, ушбу олинган маҳсулотнинг кўп қисми яроксиз бўлиб, қолдиққа чиқиб, ўз навбатида инсон иштаҳасига, ошқозон ва қон айланишига зарарини ўйлаб кўрмаймиз. Кўпинча бозорга боришни эп кўрмай ёки дангасалик қилиб баҳона билан бозорга бормай, бошқа бировни жўнатамиз, ишонган кишимиз эса ўзи билганича бозорлик қилиб келади. Шунинг учун халқимиз, «бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг торт», деган мақолга амал қилишни ҳар бир инсонга таъкидлаган.

Халқнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган савдогарлар она юрт роҳатидан, оилаларидан, хузур-ҳаловатларидан кечиб, тоғу-тош ошиб, чўл-сахроларни кезиб, узок масофаларга йўл азобини чекиб борганлар. Савдо-сотиқда қуйиб-пишганлар, олди-сотди ишларида муомала маданияти муносабатларини ўрнига қўйганлар, бошларидан ҳар хил кийинчилик савдоларини кечирганлар. Улар турли халқлар тилини, элатлар, миллатлар эзгу дилини ва

урф-одатларини ўрганганлар, билганлар ҳамда ҳаёт тақозосини, давр анъаналарини чуқур тушунган, ақли зукко, зариф ва зарофатли, ҳалол инсонлар бўлишганки, уларни ўзга юрт подшоҳлари ҳам ҳурмат қилганлар.

Халқимиз ичида камол топган савдогар аҳли бозорлар туфайли халқнинг табаррук дастурхонини ноз-неъматлар билан бойитиб, ўзбек диёрининг тупроғи олтин, сувлари кавсар, ҳавоси мусаффо, қуёши сахий, одамлари мохир соҳибқору миришкор эканлигини бозор пештахталаридаги ноз-неъматлар, мол-буюмлар билан танитади.

Ўзбекистон бозорларида ноз-неъматлар турли-туман, бир-биридан ширин-асал, қанду-наввот, одамлари меҳнатқаш, уддабурон, дилқаш, ақл-фаросатли, сахий-барокатлидир. Дунёга машҳур бозорлардан Денов бозорининг таъриф тавсифи минг йиллардан буён дунё аҳлини лол қолдиради. Бухоро, Самарқанд, Чорсу, Андижон, Денов, Қўкон, Шаҳрисабз, Ургут, Урганч, Қўйлик каби бозорларда ош, кабоб, қовурилган балиқ, сомса, манти, лағмон, ҳил-ҳил пишган қалла гўшти, ҳасил, думба ёғи, кази-қарта, нўхатшўрак, бодрок, ҳолва, обакидандон каби сотилаётган таомлар қадимдан машҳурдир.

Халқимиз бозорларда саришталик, тартиб ва интизомни йўлга қўйиб, ноз-неъматлар ва мол-буюмларни турига қараб расталарга жойлаштириб ўзларининг ор-номусини сақлашга интиланлар. Халқимизга хос одатлардан бири, «бозорга бор, бахтингдан кўр», мақоли алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, сифатли маҳсулотларни, тоза-озода дўконларни кўриб, элнинг тинчлиги, тўкин, бой бозорларни кўриб кайфиятлар кўтарилиб бозордан чиққанлар. Чунки бозордан файз кетса маҳалладан ризқ-насиба кетади, деб урф-одатларга қаттиқ амал қилганлар. Масалан, Чорсу, Сиёб, Ургут, Денов бозорларида қадимий одатлардан бири қовун, тарвуз, ҳандалак, бодрингларини ортган деҳқонлар туни билан йўл босиб бозорга етиб келиб араваларни қатор тизишар, отларини чиқариб арава шотисига боғлардилар-да, олдида беда солиб ўзлари чойхонада ёки арава тагига кириб ухлашар, сахар туриб харидорлар билан

савдони бошлаб юборишар эди. Қовун-тарвуз доналаб, улгуржига аравалаб сотиларди. Дехқонлар четан ичидагидан ташқари, арава олдига бир неча пачок, сал ёрилган, уринганроқ қовунларни қўйиб қўйишар, бунақа қовунларни «қўйма қовун» деб аташар, кўпинча уларни болаларга ёки бева-бечораларга текинга, нари борса арзон нархга беришган..

Халқимизнинг ишбилармон даллоллари томонидан эрта тонгда Андижон, Қўқон, Марғилон, Чорсу, Бухоро, Шаҳрисабз, Бойсун, Денов, Термиз бозорларида «Бор барака!» деган қичқиришлари, «Барака топинг!», «Рози бўлинг!», «Топганингиз яхшиликка буюрсин!», «Тўйга яратинг», деган ширин тилаклари бот-бот янграб одамларга жўшқин кайфият бағишлаган. Халқимиздаги тадбиркор одамлар келган меҳмон бозорчиларга мол турларини танлашга амалий ёрдам бериб, уларнинг бозор қилишларига ёрдам беришиб, ўз хизмат ҳақларини ҳам ҳалоллаб олганлар. Денов шаҳар бозори қуйидагича тартибда эди: атторлик, совунгарлик, чархчилик, пичоқчилик, темирчилик, мисгарлик, бешикчилик, дугчилик, тароқчилик, кулолчилик, чегачилик, заргарлик, саррофлик, саррожлик, саҳҳоблик, баззозлик, чийфурушлик, тикувчилик, чопондўзлик, дўппидўзлик, махсидўзлик, этикдўзлик, кавушдўзлик, ту누качилик, такачилик, гилам, наMAT, бўйра, носвой, тамаки, гул, кўчат, кандолат, гуруч, буғдой, мош, майиз, ҳўл мева, сабзавот, қассоблик, аллоплик каби қаторма-қатор раста бозорлар тизилиб кетган эди. Кимга нима мол-ҳол керак бўлса, ўша нарса сотиладиган бозорга ўтиб осонгина харид қилиб кетаверар эди. Мол-буюмларингиз раста бозорида сотилиши харидорларга ҳар жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга, шу нарсаларнинг оз-кўплиги яққол кўри-ниб турар, харидор «ўнни кўриб, бирни танлаб олар» эди.

Халқимиз ўз бозорлари ва сотувчилари билан фахрланишган, бозор ичи ва ён-теварагида ҳар хил катта-кичик дўқонлар, устахоналар, сартарошхоналар, чойхоналар қуришган, шунингдек, қурашчилар, дорбозлар, кўғирчоқбозлар томоша кўрсатадиган майдонлар қуришган.

Бозор — табаррук жой, халқимиз ризку-рўзи бозорда бўлади. Захматкаш халқ топган-тутганини, йиғган-тўплаганини, ақл-заковати ва қўл кучи қудрати билан она ердан етиштирган ноз-неъмат бойлигини олди-сотди тарзида алмашадиган, турмуши, яшаши учун зарурий нарсаларни харид қиладиган манзилгоҳ бозор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқимиз, «бозордаги ботмон қуйруқ, тарозига тортган қуйруқ», мақолига амал қилиб, ўз имкониятларини ҳисобга олиб савдо қилганлар. Дехқону соҳибкор, ғаллақору чорвадор, ҳунарманду савдогар ҳамма ўз мол-мулкени, анжом-буюмини, ҳуллас, ҳар ким топганини бозорга олиб келади. Бозор бутун бир эл-юртнинг бойлиги ва тадбиркор кишиларнинг уддабуронлигини намоиш этадиган, файзу тароватини кўзгудек кўрсатадиган, миллатнинг обрў-шуҳратини белгилаб берадиган мўътабар манзилгоҳ ҳисобланади.

Ўзбек бозорида ҳунарманд-усталар қўли билан тайёрланган юзлаб уй-рўзғор буюмларини айтмайсизми! Бешик, беланчак, сумак дейсизми, хонтахта, қийма тахта, ошпичоқ дейсизми, сандиқ, кути, қутичалар дейсизми, ҳаммаси миллий нақшда, ажойиб ранг-бўёқлар жилоси билан безатилган ҳолда тайёрланишига тасанно айтасиз! Минглаб асрлар илгари савдо-тижорат билан шуғулланиб келган халқлар савдогарлик касб-ҳунари савобли ва қутлуғ юмуш эканини ақл-заковат билан чуқур ҳис этганлар. Биз юқорида қайд этганимиздек, узоқ мамлакатлардан товар келтириб, ўзга ўлкаларга юк олиб бориб сотиб, тижоратнинг азобини тортиш ҳамда ундан фойда кўриб бойиш савоб ва саховатдир.

Ўзбекнинг савдогари фақат ўзи бойишини ўйлаб мол-буюмларни омборларга яшириб қўйиб, танқислаштириб, сўнг нархини кўтариб халқни қақшатиб бойиган эмас, халққа бунақа хиёнат қилган эмас. Аксинча, юртлардан юртларга, шаҳарлардан шаҳарларга зарурий мол-буюмларни йўл азобини тортиб келтириб, халқнинг эҳтиёж-талабини қондирган, савоб, дуо олишган, шунинг учун ҳам уларнинг

савдо-сотик ишлари баракали ва файзли бўлган, ўзлари ҳам иззат-хурмат кўрганлар. Савдогарлар турли-туман юкларни катта туя карвонларида олиб келганларида уларни мамлакат подшолари, шаҳар ҳокимлари, уламою фузалолар, бутун халқ тантана ва қувонч билан кутиб олганлар. Ўзбек халқи тарихида савдогарлар ва жаҳонгашта (сайёх)лар кўп ўтганки, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва кашфиётларида халқимизнинг ажойиб фазилат хислатлари, урф-одатлари ва миллий анъаналаримиз мужассам топган.

ИНСОННИНГ КОМИЛЛИККА ЭРИШУВИДА ИЛМ-ФАН ВА БАДИИЯТНИНГ ЎРНИ

Миллий маънавиятимизга хос одоб-ахлоқнинг мезони ўйлаб мулоҳаза қилиниб айтилган сўз билан мушоҳада этилиб, яратган жамики жонзотларга тил ато этган бўлса-да, инсонга насиб этиб берилган тил асрлар оша дунёни ўзгартириб, мулоҳаза этиб тил орқали жамият тақдирини ҳал этиб келмоқда. Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи ҳам ақл билан онгли тарбияга асосланган тилидир. Инсон ўз ақл-тафаккури туфайли тилда ифода қилинадиган сўз натижасида жамиятни ё олға ёки инкирозга жалб этади.

Инсоният яралгандан буён фақат тилда ифодаланган сўз яшаб, сўз орқали одоб-ахлоқ намунасини ҳикматлар дурдонасида акс этиб келмоқда. Ўзбек тили ана шу ҳикматлар туфайли бойиб, авлоддан-авлодга бой маънавий меросни мукаммаллаштириб тил одобини келажак авлодга тақдим қилмоқда. Ҳар бир инсон ўз тилида баён этган сўзи билан ўз тақдирини ҳал қилишини қўйидаги ҳикматлар орқали изохлайди: «Тилим тинч бўлса, дилимда ўқинч бўлмайди. Эй тилим, жим ётгин, дилим йиғлама, мени ўтга ёкиб, ўзинг йиғлама». «Сергаплик ўз душманларингдир, чунки у сенинг айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан кўзғатади».

Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.

«Оталар сўзи»

Тил ширинлиги — кўнгилга ёқимли, юмшоқлиги фойдали. Чунки тил аччиқликка айланса, зарари умумий бўлади.

Алишер Навоий

Тўти сақлаёлса эди тилини
Қафас хижил қилмас эди дилини!

Ибн Маҳмуд

Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди.

Йоганн Гёте

Тил миллионларча авлодлар томонидан яратилган тирик жондир.

Алексей Толстой

Тилга ихтиёрсиз — элга ихтиёрсиз.

Алишер Навоий

Тилга кучи ета олган — донишманд,
Сўзга эрк берган — пасткаш ахмоқ.

Алишер Навоий

Оқил чин сўздин ўзгани демас,
Аммо барча чинни ҳам демак — оқил иши эмас.

Тилинг бирла кўнгилни бир тут.

Сўзни кўнгилда пиширмагунча тилга келтирма,
Ҳар неким кўнгилда бор — тилга сурма.

Кўнги́л махзанини́нг қу́лфи тил ва ул махзанни́нг кали-
тин сўз бил.

«Оталар сўзи»

Маънавий комиллика эришишда одоб-ахлоқнинг мазмуни ва моҳиятини илм ташкил этиб, илм туфайли одамлар ҳаётнинг энг қийин синовларидан ўтиб, ўзларига ҳамда авлодларига муносиб турмуш тарзини яратиб берганлар. Ана шу билимлар йиғиндисидан шаклланган илм туфайли жамланган маънолар китоб тарзида якунланиб ўқиш, ўрганиш учун ихчамлаштирилган. Китоб эса инсоният босиб ўтган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий тарихни ўзида акс эттириб асрлар оша бебаҳо хазинаган айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «китоблар бир авлоднинг бошқа авлодга қолдирган маънавий васияти, нуроний кексанинг ҳаётга энди қадам қўя бошлаган ўсмирга панд-насиҳати, узок тарихни кўз ўнгимизда жонлантирувчи ишонарли ҳикоя, келажакни тасаввур қилдирувчи ва уни яратишга ундовчи моҳир муаллимдир,»деб юксак баҳо берган. Дунёнинг улуғ доҳийлари ўз ҳаётларини китобга, илмга бағишлаб, маънавий меросни келажак авлодга қолдирган ҳамда китоб ва илмнинг нақадар беқиёс эканлигини ўзларининг фикрларида баён қилганлигини қуйидаги тафаккур дурдоналаридан билиш мумкин:

Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,

Узоқ синаб кўрдим у китоб.

Сирни яширмагай ўқувчисидан,

Хабар берар сенга ёзувчисидан.

Хилватда сен билан бўлиб у улфат,

Жимгина қуради ёқимли суҳбат.

Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

«Амир Темур ўғитлари»

«Умматимни икки нарса – илмни тарк этиш ва мол-дунё пайғишга ружу қўйишлари ҳалок қилиши мумкин».

Ҳадис

«Олимларни ҳурмат қилинглар, чунки улар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Олимларни ҳурмат қилган киши Аллоҳни ва унинг расулини ҳурмат қилган бўлади».

Ҳадис

«Қиёмат кунида уч тоифа одамларга шафоат қилинади: пайғамбарлар, кейин олимлар, кейин шаҳидлар».

Ҳадис

«Олимлар дунё қанча турса, шунча туради, уларнинг жисмлари йўқолган бўлсада, таълимлари қалбларда мавжудлигича қолади».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло айтган: «Менинг наздимда илм фазилати ибодат фазилатидан аълодир».

Ҳадис

«Ҳар бир илм эгасининг устида ундан ҳам билимдонроқ (олим) бордир».

Ҳадис

«Олимлар қалами шаҳид конидан муқаддас».

Ҳадис

«Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир».

Ҳадис

«Олимлар билан ўтирсанг фойда оласан. Чунки гул ёнида ўтирган одамга гул хиди уриб қолади».

Ҳадис

«Илм ўрганиб сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йигиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир».

Ҳадис

«Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар».

Ҳадис

«Илм шундай нарсаси, унга ўзингни бутунлай топширмагунингча ҳеч нарса берилмайди».

Абу Юсуф

«Илмнинг боши – жим туриш, кейингиси – эътибор билан эшитиш, учинчиси – ёд олиш, тўртинчиси – унга амал қилиш, бешинчиси – уни билмаганларга тарқатишдир. Мана шу шартларга амал қилиб, билим олинса, бундай одамлар икки дунё саодати (бахти) га эришади».

Сўфиёни Саврий

«Кимки ўрганишни уят, ор демас, сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос».

Низомий Ганжавий

Ким ҳунарли деса, у доно бўлур,
Нодонлар кудрат деб бойликни билур.

Абдурахмон Жомий

Олтин ва кумуши бўлмаган одам, камбағал эмас, балки эс-ҳуши ва касб-хунари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажид Ҳавофий

Байт:

Гўзал сўзлар эрур соҳиби бир марди мўътабар,

Эронзамин шоҳлари ҳақида қилди хабар.

Хурмуз вақтики қарийб узмоқда эди жон,

Дедиким, хусравга эй навжувон ўғлон.

Ғафлат уйқусини тарк этгин, бўлгил бедор.

Мамлакат аҳволидан бўл доимо хабардор,
Сен жавобгар бўлурсан гар олам бўлса тамом.
Гофил бўлмай ишингни билиб қилгил вассалом,
Барча ишдан хулки хуш яхши эрур.
Хулки хуш одамни эл иззат қилур,

«Дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимдир.
Замона илми ва фанига бебаҳра миллат бошқа миллатлар-
га паймол бўлур».

Бехбудий

Фақат билим билан баландмас одам,
Ахду вафо билан баланд-паст одам.
Сўзи билан иши бир бўлса агар,
Ҳар нарсадан устун мукаддас одам.

Умар Ҳайём

«Илм ўқуб қолмаган амал мақбул, дона сочиб кўтарма-
ди махсул».

Алишер Навоий

Ер юзи бир дашту сахро бўлса, гулзори илм,
Саднаи оламни бўлмоқда намудори илм.
Илму фан бирла қуроолланмоқда сардори илм,
Илм ўқи, ҳеч бир жонга еткурмайди озор илм.

Оразий

Олим киши сўзидан олгил ўгит, яхши сўзлар таъсири
дилга сингар.

Маҳмуд Қошғарий

Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшит, хунарини ўрга-
нибон амал қилгил.

Маҳмуд Қошғарий

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

Абдулла Авлоний

Эмиш ҳар элга қадри илм бало, ула илм макоми бас-
ки бало. Кишиким илму фандин бохабардур, халойиққа
мўътабардур. Тирикликда кишиким қилса ҳар қор, анинг
осонлигина илм дарқор.

Абдулла Авлоний

Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

Ҳадис

Жаҳон равшан зиёи илмдандур, кўнгил софи сафойи
илмдандур.

Анбар Отин

Кимда бўлса донишу, ақлу, таъмиз, илм ила хил маҳди-
ни тутган азиз. Сен хатолардан ўзингни тут узок, эй ўғил!
Оқил эсанг солгил қулоқ!

Фаридиддин Аттор

Биров ким қилса олимларга таъзим, қилур гўёки пай-
ғамбарга таъзим.

Алишер Навоий

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни мукамал эгал-
ламагунингча ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илм-
ни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг
йўл бердими, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб
кетма!

Абдибек Шерозий

Билимни буюк, ўқувни улуғ бил, бу иккиси танлан-
ган бандасини улуғлайди. Заковат қаерда бўлса, улуғлик
бўлади, билим кимда бўлса буюклик олади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Илм ила кимнинг дили равшан эрур, у замон ичра саломат тан эрур.

Фаридиддин Аттор

Илм ўрганишдан уялган ва такаббурлик кўчасига кириб қолган кишилар ҳеч қачон илмга эга бўла олмайдилар. Эй ўғил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмон ҳислат!

«Жовидони хирад»

Билимсиз, шубҳасиз, аниқ, кўрдир,
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

Юсуф Хос Ҳожиб

Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар кўрган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса бир санъатдир. Дунёда қандай ёвузлик содир бўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси нодонлик орқали келиб чиққан. Энг зўр фалокат нодонлик, инсонийликни битирувчи ҳам нодонликдур. Яхши таҳсил кўрган ва илм нури билан хулқни яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм – аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан кўтарган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди.

Саъдий Шерозий

Ҳарчанд ўқибсен билимдонсен,
Агар амал қилмасанг нодонсен.

Саъдий Шерозий

Олим билан художўйнинг фарқин айт,
Нечун олимларга тор тилингни кўргуздинг?

Деди: обид тўфон кўпса шолчасини ахтаради,
Олим эса сув ғарқ қилган кишини кутқаради.

Саъдий Шерозий

Сен ҳар қанча бўлма илмда афзал,
Нодонсан, агарда қилмасанг амал.
Эшак ташимасин китобни ҳарчанд,
У на ориф бўлар ва на донишманд.
Дунёда бу онгсиз ҳайвон беҳабар,
Устида ўтинми ё китоб-дафтар?

Саъдий Шерозий

Бешикдан қабргача билим иста.

Ҳадис

Муяссар бўлса тилагинг сенга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айламагин бахт.
Агар берса сенга жаҳон султонлиги даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.
Агар рутбанг эрур аълоии офок,
Йиқилғон ҳасталарни ҳолина боқ.
Тақаббур қилма эй бемаоний,
Фалонни ўғлидурмен деб фалоний.

Сўфи Оллоёр

Ҳакимдан:

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг? — деб сўра-
дилар:

У айтди:

— Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини
ҳисобласанг еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бун-
дан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва ўйнашга сарф-
лашдан кўра илмга сарфлаш зарур экан.

«Фавоших ал-жуласо»

Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир, деган гап
шубҳасиз тўғри. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса,
ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик
мавжуд бўлса, у ер қуруқ ёки тошлок жой кабидир.

Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади. Илмдан мақсад кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир.

Фахрулбанот Сулаймоний

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

Ҳадис

Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

«Амир Темур ўғитлари»

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка қўл урилмайди. Билим билан кишининг мартабаси ошади, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради. Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

Аҳмад Юғнакий

Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизганиб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади.

Ҳадис

Илмсиз инсон – мевасиз дарахт.

Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмоқдир.

Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити савод.

Илм келинчакка ўхшайди, у хилват ва пинҳонликни билдиради.

Илм – инсон зийнати.

Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади.

Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу давлат ўзи келаверади.

Илм бўлмаса одамнинг хайвондан фарқи бўлмас эди.

Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди.

Ҳар кимки эрур уламои нодир,

Бўлгай анга сўзнинг ҳусни зодир.

Шавқий Каттақўрғоний

Хар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқатли
ва бетаъма бўлур.

Сидқий Хандайлақий

Одамга фақат хусн эрур рўйига зеб,
Ботинда жамил ўлмаса, бу хусн бекор.

Дилиоди Барно

Сайри жаҳон қилинг, сувга ўхшаб. У доим оқишдадур
– тоза ва ҳушдур ва агар бир ерда кўп тўхтаб қолса, бад-
бўй бўлур.

Муҳаммад Сиддиқ Румий

Амалсиз илм – мевасиз ёғоч.

«Оталар сўзи»

Ҳамма эзгуликлар билим туфайлидир,
Билим туфайли гўё кўкка йўл топилади.
Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.

Юсуф Хос Ҳожиб

Эй келди фунуни илм таслим санга,
Қилмоқ анга лозим бўлди таъзим санга.
Гарчи йўк, эрди қувват оёқимда, вале,
Келдим бош ила олғали таълим санга.

Огаҳий

Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага
етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб
бойлигидир.

Илм саодатга йўлловчи машъал,
Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.

Қитъа:

Билим кишиларни улуғвор қилар,
Одамдан кетмайди то у ўлгунча.
Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,
Бу иззат олтину-кумуш тургунча.

Муиниддин Жувайний

Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг ижодий фаолияти инсон ҳаётини белгиловчи одоб-ахлоқ масаласига бағишланган бўлиб, халқимизнинг маънавий бойлигини чуқур англаб, ўрганиб бахшилик санъатига мослаб, одамларнинг ўзаро муомаласидаги фикрлардан келиб чиқиб мукамал донолик мактабига ўз ҳиссасини қўшиб келди. Унинг ижоди одамларни ўзаро ҳамжиҳатликка чақириш, дўст-биродар, яхши қўшничилик, ота-онага ҳурмат, огоҳ, хушёр ва душманга, мунофиқларга, икки юзламачиларга нафрат туйғуси билан қараш ғоялари мужассамлашгандир.

Қалб кўзи кўр бўлмасин

Икки кўз кўр бўлса бўлсин, қалб кўзинг кўр бўлмасин,
Тилда болинг бўлмаса ҳам, тилда заҳринг бўлмасин.
Кўзда нуксон бўлса айбмас, кўз ҳаёсиз бўлмасин,
Молу мулк йўқ бўлса бўлсин, танда дардинг бўлмасин.

Ёрсиз ўтса ўтсин умринг, бевафо ёрдин кўра,
Доно бўлсин душманинг, дўсти нодондан кўра.
Кўзи тўқ мискин сахийдир, кўзи оч бойдин кўра,
Қўли калта бўлса бўлсин, ақли калта бўлмасин.

Тинчи бор бир кулба яхши, ғалвали кошонадан,
Бурда нонинг яхшироқдир миннати бор ошдан.
Етти ёт бегона яхши, бир оқибатсиз хешдан,
Юзда доғинг бўлса бўлсин, қалбда доғинг бўлмасин.

Миллатинг севгувчи аъло, миллатин сотган ёмон,
Илми бор фосихдан фойда, илми йўқ жоҳил ёмон.
Дини бор ғайрида фойда, дини йўқ одам ёмон,
Аввалинг хор бўлса бўлсин, охириг хор бўлмасин.

Мевали бўлган дарахтга доимо тош отилур,
Мевасиз бўлган дарахтнинг ишкибози кам бўлур.
Илми бор одамга доим дўсти душман кўп бўлур,
Фозил дўст бўлса бўлсин, душманнинг ҳеч бўлмасин.

Шаркона обод-ахлоқда энг муҳими инсон тақдири билан боғлиқ ота-она, дўст-биродар, ака-ука, опа-сингил орасидаги меҳр-муҳаббат, яхши кунларда ҳамроҳ бўлиш, бир-бирларининг кўнгилларини кўтариш, ғам-ташвишлардан холис бўлиш масаласида ҳамдард ҳамда оғир вазиятдан чиқишда энг яқин кишисини қўллаб-қувватлаш ғоялари шеърларда ўз ифодасини топган. Инсон қалбига руҳий мадад топиш ва бир-бирларига меҳрибон садоқатли бўлиш тўғрисида шоира Марҳабо Каримованинг «Азизларим, меҳрибонларим» шеърида қайд этилган ғоялар муҳим аҳамиятга эгадир:

Азизларим, меҳрибонларим,
Дўстў ёрон, қадрдонларим.
Жонингизга куяр жонларим,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Таранг-таранг тортилар асаб,
Емиаркан инсонни ғазаб.
Қон томирлар бунча мўрт, ё раб?!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўнг томонга жойлашса юрак,
Бўлмасмиди шунчалар хуркак.
Чикса чикар гуручдан курмак,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тортишувда бир сўздан қолиб,
Нохуш гапни ҳазилга олиб.
Дилозорни худога солиб,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Эй дўст, ҳар не касби корингиз,
Ҳамроҳ сизга ташвиш, зорингиз.
Ёнингизда юрсин дорингиз,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўлим ёмон, даҳшатли тақдир,
Аммо дўзах олдида бахтдир.
Асли ўша оловдан ҳозир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Энг аввало ношукр бўлманг,
Жоҳил билан ҳамфикр бўлманг.
Беибодат, безикр бўлманг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ҳаққингизни бермаса бахил,
Кўргизсалар зулуму қаҳр.
Ҳисоб куни келар-ку ахир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сизга санчиб сўзнинг найзасин,
Яйраса шу нодон яйрасин.
Сукут билан енгинг ҳаммасин,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кечиргани кечирур Аллоҳ,
Паноҳ берган топади паноҳ.
Ёмонликдан не чиқади, ох!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Дўст томонга талпининг ҳар дам,
Кўринг қувонч ташвишни баҳам.
Одам тафтин олади одам,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қуръон, ҳадис, шеърият, санъат,
Доно билан бир ширин суҳбат.
Шумасми сиз қидирган жаннат?
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ғам келганда куюниб кетманг,
Бахт келганда суюниб кетманг.
Сокин яшанг, осуда яшанг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кўзлар ҳали кўриб турганда,
Юрак ҳали уриб турганда.
Оёғингиз юриб турганда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Елкангизда икки фаришта,
Уларнинг қўллари ёзишда.
Мархабохон, ҳар сўз, ҳар ишда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шукр дўстлар, борингиз учун,
Фарзанд, жигар, ёрингиз учун.
Мендай харидорингиз учун,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Маънавий ҳаётда катта ижодий салоҳиятга эга таниқли тилшунос ва адабиётшунос олим, профессор Ж. Омонтурдиев ижодидаги шеърлар ҳамда ғазаллар маънавиятимиз юксалишида, халқлармиз ўртасида тинчлик-осойишталикни сақлаш, инсон қадр-қимматини улуғлаш ва

кадрлашда муҳим манба бўлиб, шарқона одоб-ахлоқнинг беқиёс эканлиги асослаб берилган. Унинг ижодига оид «Ҳазар қилгил» шеъри обод-ахлоқ ва фазилатга хос туйғуларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда қуйидаги ғоялар ифода этилган:

Ҳазар қилгил, амал дебон ёр-ошнасин сотганлардан,
Бойлик учун, ор-номусин нажосатга отганлардан.
Ҳазар қилгил, тилда содиқ, дилда нопок ул рафиқдан,
Кўришганда ялаб-юлқар азозули мунофиқдир.

Иши тушса таъзим айлар, баробардир душман дўст,
Наф тегмаса, фитна айлаб, ҳаётингга қилурлар қасд.
Ҳазар қилгин, эй яхшилар, бундай нокас ошнолардан,
Жабборий ҳам ҳазар қилгай онингдек норасолардан.

Ҳазар қилгин маърифатни пулга сотган балолардан,
Номи олим, илму фандан, қурук қолган гадолардан.
Ҳазар қилгин эй яхшилар, виждонидан жудолардан,
Жабборий ҳам ҳазар қилгай бундай юзи қаролардан.

Ижодкорнинг ушбу шеърида инсон ақл-тафаккури туфайли йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиши, инсонлар ўртасидаги ишонч, меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, иккиюзламачилик, хоинлик, соткинлик ва мансаб учун виждонли одамларга нисбатан қилинган хиёнатларнинг олдини олиш ғояси сингдирилган. Шунингдек, шарқона обод-ахлоқда инсон онгига ижобий таъсир кўрсатувчи, инсоннинг ақл-тафаккурини чархловчи ғоялар шеърда ўз аксини топиб, асрлар оша аждодларимиз ўғитлари ўз аҳамиятини халқ оғзаки ижодиётида мужассам этиб, кишиларни хушёрликка, ўз бойлигини асрашга, ишонмаган, синалмаган суҳбатдошига тўғри келган фикр-ни айтмаслиги баён этилган.

Халқ ҳикматларини ўрганган ва ундан шеърий ифода-

да фикрлар хазиначисини жамлаган шоир Қобил Мирзонинг «Бор» шеърисида айнан инсон ва у билан боғлиқ ҳаётий кечинмалар ўз аксини топган:

Айлайин сенга насихат то ақл имконим бор,
Барча одам тенг эмасдур яхши ҳам ёмони бор.
Ваъдасин бузган кишилар оз эмас, бўл эҳтиёт,
Сўзламас доим ҳақиқат: рости бор, ёлғони бор.
Давлатинг бисёрлигидан ўзлигинг қилма унут,
Ҳеч вафо қилмас бу дунё, йўқ деган фармони бор.
Ногирон, носоғ яралган кимсага берма озор,
Қалбида битмас жароҳат, ғам тўла армони бор.
Сакрама, сингай оёғинг чўққида оҳу мисол,
Ул улуғ мақсадга етгай йўлида нарвони бор.
Бир йигитга қирқ хунар оз, пухта ўрган қунт билан,
Бўлмагай сендан азизрок доврўғи дармони бор.
Нолима ағёрларингдан, балки кўрсат эҳтиром,
Тўғрилиқ, покликка чорлар зарга тенг эҳсони бор.
Бахтиёр бўлсин ҳамиша, омаду келсин барор,
Бош эгиб эъзозла Мирзо кимники имкони бор.

Шарқона обод-ахлоққа мос ушбу шеърда инсон заковатининг янада мукамал ривожланишида ҳисса қўшадиган, инсонларга ҳаётда адашмаслик учун тўғри йўл кўрсатадиган ғоялар акс эттирилган.

АЛЛОМАЛАР – ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ ИЖОДКОРИ

Ҳазрати Сулаймоннинг узугида «бу дунёдаги ҳамма нарсаси ўткинчи» деган сўзлар ўйиб ёзилган экан. Бир кун ҳаётида шундай бахтсизлик юз берибдики қўлидаги узукни бармоғидан счиб олиб отиб юборибди. Думалаб кетган узукнинг ички тарафида аллақандай ёзув борлигини

кўриб қолиб, узукни яна кўлига қайтариб олиб қараса — «бу ҳам ўтиб кетади» деган ёзув бор экан. Шунда у узукни кўлига қайта такиб, одоб-ахлоқини ишга солиб ишонч билан олдинга қадам ташлабди.

Одоб тушунчасини таҳлил қилган милетлик буюк файласуф Фалес: «Мен уч нарса учун тақдирдан миннатдорман: биринчидан ҳайвон эмас, инсон бўлиб туғилганим учун, иккинчидан аёл эмас, эркак бўлиб туғилганим учун, учинчидан эса варвар эмас, эллинлик бўлганим учун». деган экан. Шарқона одоб-ахлоқий фикрлар ҳукукий асосларини яратган Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари инсонни комилликка етказувчи ҳаёт сабоқлари ҳақида бебаҳо нодир асар ҳисобланади. Асарда аллома инсоннинг кадри, сабр-бардоши, адолат мезони, раҳбарлик мансабини бошқариши, мардлиги, жасурлиги, энг қийин шароитлардан чиқиш йўлларида ҳамроҳ бўлувчи ақл ҳақида дурдона фикрларни баён этган. Асарда кўйидаги ҳикматлар баён этилган:

«Азизим, агар ҳар қандай подшоҳ одамлар билан бирга бўлиши, бирга тирикчилик қилиш учун дўстлик, хурсандчилик режасини тузмаса, халққа ғамхўр бўлишдан, мамлакатни обод қилишдан қўл тортса, айши-ишрат, ўйин-кулгига берилиб, қулоқларини фақат чанг ва уднинг баланд бакирик нағмалари билан банд қилиб, ҳар бир дилтангнинг ҳазин ноласини эшитмаса, оқибатда халқни ҳам хароб қилади.

Байт:

Шоҳ учун эл осойиши катта ганж,

Они деб ранж чекса шоҳ йўқ элда ранж.

Азизим, зудлик билан жангга кириб, оловгар шамширининг суви билан ёмон ниятли рақибнинг номини ҳаёт лавҳасидан ювиб ташлаган, душманнинг олазарак кўзларини зафар тоши билан уриб мурод пиёласи лабидан май ичган, даврнинг номдор, шижоатли баҳодирларигина

мамлакат келажагини ўз бағрига босишга ҳақлидир. Бинобарин, айтадилар:

Байт:

Қайси одам кўрсанг ёвингни тинч-фароғ,
Тунда махв эт-кабрига ёққил чироғ.

Азизим, сипоҳ шундай бўлиши керакки, у жуда тезкор, қахрли, илғор кўшинга ўхшаса, заҳар сочувчи шамширининг дами билан муҳолифининг жонига қасд қилса, қонига доим ташна бўлса, душманнинг дил хазинасидаги жон жавҳарини зудлик билан забт этмоқ учун ўткир найзасининг ялтирок учини унинг кўксига санча

Байт:

Анча майдондир насиб-ким марди майдон бўлғуси,
Бил, жасорат бирла тулки шеру даррон бўлғуси.
Ким жўмард бўлғайки, ондин қочадир хавфу хатар,
Етти иқлим лашкарига ул ҳукмронлиғ этар.

Азизим, уруш пайтида жанг майдонида ор-номус учун кураш кетаётган бир вақтда мард киши шуҳрат ҳақида, жону мол тўғрисида ўйламаслиги керак. Уларни кераксиз, бекадр бир нарса деб билиб, астойдил жанг қилмоғи лозим. Чунки уруш кунда шуҳрат, жону мол орттириш йўлида безовта бўлишидан кўра, жанг ташвиши, кулфати тўғрисида ўйлаш минг марта аълодир. Бинобарин, айтадилар:

Байт:

Ору номусдан афзал билурсан гар бошинг,
Ёп паранжи бошинга, бўлсин аёллар йўлдошинг.

Азизим, ақлли киши душман унинг жонига қасд қилганини кўра туриб, зудлик билан унга қарши курашга ҳаракат қилмаса, ўз жонига ўзи зомин бўлади. У муҳолифига асир тушмаслиги учун икки ҳолатни эсдан чиқармаслиги

керак: агар жангда ғалаба килса, замон саҳифасида унинг шуҳрати номи қолади; агар душман уни мағлуб этса, кўрқок, номард деган ном билан лаънатланади.

Китъа:

Ёв сени маҳв этгали қасд айлабон юрса шитоб,
Оқил эрсанг жангга киргил, элга бул манзур эрур.

Азизим, баланд овозга, бақувват жуссага эга бўлган ҳар қандай одамни кучли деб аташ ақлдан эмас. Кўрмаганмисан, қамиш йўғон бўлса ҳам, у ингичка, қуруқ чўп зарбидан синади. Турна бўй жиҳатидан узун, жуссали бўлса ҳам қарчиғай чангали олдида нотавондир.

Азизим, мамлакатни бошқариш ва унинг сирини сақлаш оддий тамойил ёки одамлар билан расмий муоамалада бўлиш эмаски, сен у ҳақда ҳар қандай одам билан маслаҳатлаша берсанг. Ўз орзу-истакларини, сирини бошқа одамларга ошкор этувчи подшоҳлар ҳокимият тепасидан йиқилиб, ҳокимиятсизлик қаърига-ўпқонига тушиб кетадилар. Чунончи, айтадиларки:

Байт:

Демишким бир хушқалом оқил ва бир мардонаи хушёр:

«Бошинг қадрига етсанг этмағил асло сиринг ошкор».

Байт:

Ақл инсонни шарафга фарқ этибдур,
Они ҳайвондин бу хислат фарқ этибдур.

Азизим, элчи икки масалада ниҳоят хушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатнинг номузи, шон-шуҳратини, салтанатининг улугворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлиб туриши лозим.

Байт:

Йўқ экан яшамакка лаёқати то анинг,
Боридан кўра йўғи минг бора авло анинг.

Азизим, кишининг ақли, одоби, заковати унинг лаёқати ва қобилиятининг мезонидир. Кимнинг ақли равшан, фикрлаш қобилияти юксак бўлса, у энг паст лавозимдан энг юқори, шарафли мансаб супчасига кўтарилади.

Байт:

Мулозим оқил эрса, бўлмаса гўл,
Каманд ташлаб фалакларга солур йўл.

Азизим, оламни безатувчи ўтқир ақл ҳамма вақт ва ҳар қандай ҳолатда ҳам одил қози вазифасини ўтаган. Чунки одам табиати бошқа тирик мавжудотдан ажралиб туради.

Азизим, душман ҳар қанча кучсиз, ожиз бўлса ҳам, унинг тикани бўлади. У зўр куч-қувватга эга бўлса ҳам, эҳтимол макр-хйла бобида ожизлик қилмас. У шайтон йўлига кириб олиб, тили билан адоватнинг оловини шундай ёқиши мумкинки, унинг алангасини сув билан ўчириш тўғрисидаги ҳар қандай тадбир ожизлик қилади. Чунончи, айтган эдиларки:

Зол: бу пандни доимо ёдингда тут, Рустам, деди,
Душманни сен ўзингдан билма асло кам деди.

Азизим, ҳар кимки душманга гирифтор бўлса, то ундан қутулмагунча хавф-хатардан холи бўлмайди. Эртадан кечгача, кечдан-тонггача безовта бўлади ва паришонликдан у оёғини бошдан, ковушини дастордан фарқ қила олмайди. Бинобарин, айтадиларки, беморнинг сиҳати яхшиланмагунча, емоқдан ва то ҳаммол орқасидаги оғир юкини ерга қўймагунча енгилликдан роҳатланмайди. Кўркқан киши душман хавфини бартараф этмас экан, омонликда тинч яшай олмайди, бир нафас ҳам фароғатда бўлмайди.

Кишиким елкасинда юк, азобдан қадди дол келгай,
Бу юк даҳшатидин эгнингда кўйлак ҳам малол келгай.
Манглайга кафт кўйиб, олисга боқсам,
Эгилган кўринар бўйларнинг, ўзбек.
Туш каби жимирлаб минг йил оқса ҳам,
Номинг айтар сенга сойларнинг ўзбек.

Азизим, агар подшоҳ ўз мансабини суиистемол қилган,
халқ ва мамлакат мулки, ризку рўзи ҳисобига бойишга
интилган нафси ўпконларга, Нўширвони Одилга ўхшаб,
жазо чорасини қўлламаса юрт хароб бўлади, фуқаронинг
подшога бўлган ишонч умиди зулмат шабистонига —қо-
ронғи кечага айланади.

Байт:

Сиёсатда адолат қилмаса гар шох,
Фуқаро, айт-чи, кимдан топғуси паноҳ?

Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва халқ фаровон-
лиги учун зарур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида
саъй-ҳаракат қилган, тиниб-тинчимаган ва бундай одат-
ни ҳамиша ўз хотира саҳифаларига нақш этиб, марҳамат
майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байроғи-
ни жилвалантириб, баланд кўтарган подшоҳгина ўз вази-
фасини адо этган бўлади.

Азизим, адолатли шох, амалдор, халқининг тинчлиги-
ни, осойишталигини таъминлаш учун ғамхўрлик қилмас
экан, фитнанинг қўли азоб-укубатни, адолатсизликни ку-
чайтиришга кўмаклашади. Агар, адолат шамининг нури
билан бечора халқнинг уйини ёритмас экан, ситамдий-
даларнинг диди каби мамлакат ҳавзаси ғамга ботади, қо-
ронғилашади.

Байт:

Адолат дастини тутгайки яхши шох,
Анга пушту паноҳ бўлгай ўзи Оллоҳ.

Адолатдан қўлин тортса, агар султон,
Ситаминдан вилоятлар бўлур вайрон.

Азизим, агар ҳар қандай подшоҳ одамлар билан бирга бўлиш, бирга тирикчилик қилиш учун дўстлик, хурсандчилик режасини тузмас, халққа ғамхўрлик бўлишдан, мамлакатни обод қилишдан қўл тортса, айш-ишрат, ўйин-кулгига берилиб, қулоқларини фақат чанг ва уднинг баланд бакириқ нағмалари билан баланд қилиб, ҳар бир дилтангнинг ҳазин ноласини эшитмаса, оқибатда халқни ҳам хароб қилади.

Азизим, раҳбарлик, йўлбошловчилик шундай одамга муносибки, у халқ бошини машаққат гирибонига халос, ҳамма одам у йўлбошчилик қилган шу устувор – мумтоз замонда бошини роҳат болишига қўйиб фароғатда яшасин».

Миллий маънавиятимизга хос одоб-ахлоқда қаноат тушунчаси кенгрок талкин қилиниб, ҳар бир яхши ишнинг натижаси қаноат билан амалга ошиши ҳақида фикр-мулоҳазалар берилгандир. Қаноатли киши сабр-бардошли, ўз сўзининг устидан чиққандагина мартабали ва мансабли бўлиши билан бирга ҳикмат китобларида ўз аксини кўради. «Махзан ал-улум» китобида қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади», деб изоҳ берилади.

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиккан кўп тойилур
Золим ғамда куйсин, ожиз шод кулсин!

Миллий маънавиятимиз тафаккурида одоб-ахлоқ масаласида жуда катта обрў-эътиборга эга Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. У ўз ходимиغا учта хат ёзишни буюрди. Сўнг унга деди: «Эй ходим, агар менинг юзимда ғазаб туғёнини кўрсанг, бирор нарса устидан катъий ҳукм чикармасимдан аввал хатлардан бирини мен-

га кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи хатни кўрсат. Тагин ҳам таскин топмаганимни кўрсанг, учинчисини кўрсат!»

Айтишларича, биринчи хатнинг мазмуни шундай эди: «Шошилма, иродангни ғазаб кўлига асир қилма, шошган киши доимо афсус чекиб, кейинчалик пушаймонлик тортади!» Иккинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди: «Давлат ўзимда деб ўзингдан ожизларга жазо бераверма, куни келиб, замонлар ўзгарса, қандай муомала қилган бўлсанг, улар ҳам шундай муомала қилишади!» Учинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди: «Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ғазабингни босиб, инсоф юзасидан иш кўр!».

Одоб-ахлоқнинг қаноти қаноат, сабр-бардош, шошмай фикр қилиш, жаҳлни жиловлаб олиш, бойлик орттиришдан воз кечиш, мансабни ақл билан бошқариш, нафснинг жиловини ақл кўлига топшириш, илм билан дўст бўлиш, хунарни қадрлаш, муҳтож қалбни эшитиш, камбағалга савҳат ёрдамини бериш тўғрисида мутафаккир Абулбаракот Қодирийнинг фикри алоҳида аҳамиятга эгадир:

Мунча каттиқ чопма отингни, ўғлон,
Олиб қочса уни қайтармоқ гумон.
Сендан чиққан ҳукм ҳақ ҳукм бўлсин,
Золим ғамда куйсин, ожиз шод кулсин!

Одоб-ахлоқнинг кадр-қиммати ҳаёт синовларидан ўтган одамларнинг ўғитлари билан бой, кексаларнинг ёшларга қилган доно маслаҳатлари билан янада ҳаёт гўзал бўлиб боради. Кексани ҳурмат қилиш ҳақида ҳар куни, ҳар дақиқада маслаҳат бериш катта ёшдагиларнинг бурчидир.

Ўзингдан кичикни кўрганингда;

—«Бу ҳали ёш, менчалик гуноҳ қилиб улгурмаган. Бу ёшдан гуноҳкорроқман. Бу ёшдан афзал эмасман. У мендан кўра фазилятлироқ. Чунки гуноҳи ҳам озроқ».

Кексароқ кишини кўрганда;

– «Бу зот мендан кўпроқ яшаган, бандалик хизматини ҳам мендан кўпроқ адо этган. Шу сабабли мендан фазилатлироқ».

Бир олим кишига дуч келганда;

– «Бу зот билимдон. Мен бир нодонман. Шунинг учун бу зот мендан кўп фазилатлидир».

Бир нодон кишини кўрганда;

– «Бу нодон бўлганлиги учун баъзи гуноҳларни қилмоқда. Мен билиб гуноҳ қилаяпман. Шунинг учун шу жоҳил киши мендан устунроқ, афзалроқдир».

«Оталар сўзи»

Ақл ва одобли инсон кўз ўнгида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга диққат билан қараб, кексаларнинг ҳаётидан ўзига сабоқ чиқариши, ўзидан ёшларга ақл -тафаккури туфайли фойдаси текканлигидан хулоса чиқариши зарурдир.

Профессор Раҳимжон Усмонов шарқона одоб-ахлоқ йўналишида муҳим аҳамиятга эга тадқиқотлар олиб бориб, инсон табиати билан боғлиқ кундалик ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ўрганиб, устоз шогирд муносабатларини ҳикмат дурдоналари билан бойитишда самарали хизматлар қилиб келмоқда. Унинг «Саодатнома» туркумидаги хикматларидан қуйидаги фикрлар таҳлили тақдим этилди: Шогирдим, баъзан сен дилингдаги пок ва беғубор ҳисларга зид бўлган айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб ҳайратда қолишинг мумкин. Ана шундай вазиятда ҳеч иккиланмай, ўзингнинг улуғвор эътиқодинга содик қола билишинг энг яхши фазилатдир.

Ҳаётда инсон баъзан пок ва нопок икки айри йўлга тўғри келиб қолади, улардан қайси бирини танлаш унинг ақлига ва ирода кучига, виждон амрига боғлиқ бўлади.

Киши улуғ боболарининг шарафли ишларини ва жамиятда тутган ўринларини чуқур билмай туриб, бугунги ҳаёти нашъасини ҳам, келгуси ҳаёти моҳиятини ҳам тўлиқ англаб етмайди.

Шогирдим, ҳаёт — томошабоғ, сен эса — томошабин эмас-сан, балки ҳаёт меҳнат бўстони, сен эса унинг боғбонисан.

Тил бамисоли шундай нафис бир мусикий асбобким, оқилу олимлар ундан ёкимли ва сеҳрли садо чиқариб, инсон калбини ўзларига мафтун этадилар, нодонлар эса нохуш садо чиқариб, инсон асабини қирғичлайдилар.

Бир боғни бўстонга айлантириш учун қанчадан-қанча меҳнат қилиш ва машаққат чекиш керак бўлади. Аммо уни вайрон қилиш учун эса нодоннинг бир онлик носоз ҳаракати кифоя.

Икки инсон ўртасида дўстлик ипини боғлаш — чин инсоннинг иши, уни узиш эса нопокнинг касби.

Севги ҳақида ҳаммага бир хил сабоқ бериб бўлмайди.

Чинорнинг мевасизлигидан унинг юксаклигига нуқсон келмайди, бағрига хазиналарни яширган билан тупроққа шараф ва шон келмайди.

Олий ҳиммат — қарчиғайдир, баланд парвоз, беҳиммат — сичқон овчидир, худди йўртоқи хўроз.

Исрофгарчилик — саҳийлик эмас, совуришни бамаъни одамлар саҳийлик демас.

Вафо шундай шамдирки, барча уйлари ҳам ёритмас ва замонанинг бевафо одамлари билан улфатлашмас.

Вафо — асл инжудир, инсоният тожиги зийнат, порлаб турган гавҳардир.

Вафо шундай севиклидирки — яратилиши пок, унинг пок кўнгилдан бошқага ромлиги ва улфатчилиги йўқ.

Вафо шундай истакдирки — зоти покиза, унинг покиза табиатлигидан бошқага майли ва рағбати йўқдир.

Юмшок кўнгилликни — ҳодисалар дунёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлади.

Юмшок кўнгиллик — ахлоқ кишисининг қимматбаҳо кийимидир.

Вафосиз гўзал йигитдан вафоли ит яхшироқ.

Дунё халқлари ўртасидаги иктисодий-маданий ва савдо муносабатлари туфайли ўзаро алоқада бўлиб, ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, илмий тафаккурни ҳамкорлик-

да олиб бориш, фан-техника ютуқларини такомиллаштириш ва саънат ҳамда маданият соҳасидаги фикр алмашиш жараёнларида бир-бирларига яқин муносабатда бўлганлар. Кишилиқ жамияти яратилгандан буён ўзаро товар алмашиш, ҳокимият учун кураш, ўзга юртларни босиб олиш, савдо қарвонларининг мунтазам ҳаракати, миллий озодлик ҳаракати, чет эл босқинчиларига қарши кураш каби воқеа-ҳодисалар заминида қўшни халқларнинг маданияти билан уйғунлашиш жараёни жадал ривожланиб янги тафаккурга оид ҳаётий кечинмалар таъсирида халқ ҳикматлари бир-бирларини тўлдириб турган. Шунингдек, қўшни ва бошқа халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ҳамда қадриятларига ҳос ибратли ҳикматлар ўзаро мулоқот жараёнида бошқа халқлар томонидан қабул қилинган. Ушбу ҳикматлар жаҳон халқларининг ўзаро ҳамкорлигига, тинчлигига, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшиб келган.

«Барча кишининг кучи овқатдандир, ақлнинг кучи эса ҳикматдандир».

Аристотель

«Агар ақлли бўлишни истасанг ҳикмат ўргангилки, ақл ҳикмат билан камол топади».

Кайковус

«Халқ орасида қўпчилик тилдан қўймайдиган сўз асло ўлмайди»

Гесиод

«Сўзлар –асрга, фикрлар – асрларга татийди».

Н. М. Карамзин

«Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга қўп хизмат қилади».

Цицерон

«Мен қадимги донишмандларнинг... Бизларга қолдириб кетган дурдоналарини кўздан кечиранман; агарки, биз улардан нимадир яхши бир нарсга дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва катта фойда ортирган бўламиз».

Суқрот

«Қадимдан одамларнинг доно ва бағоят гўзал ҳикматли сўзлари мавжуд, биз улардан ўрганмоғимиз даркор».

Геродот

«Ҳар кун ақлли битта қўшиқ эшитиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўқиб олиш даркор. Турли-туман тарбиявий ҳикоятлар ва ҳикматли сўзларни тўплаш – тенгсиз давлатдир».

И. Гёте

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.

Г. Спенсер

Халқ учун нондан сўнг муҳими мактабдир.

Жорж Дантон

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж. Сантаяна

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

Демокрит

Ота донолиги юзта ўқитувчидан устун демакдир.

Ж. Герберт

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади.

Т. Фуллер

Болалар гўзаллик, ўйин, эртақ, муסיқа, расм, хаёл, ижодиёт оламида яшамоқлари керак.

В. Сухомлинский

Фридрих Гегельнинг одоб масаласидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ақл билан иш тутиш ҳар бир инсоннинг бахт-саодатга эришишининг асосий мезони эканлиги таъкидланади. Дунёни англаш масаласидаги ғоясида:

1) Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам оқилна қарайди.

2) Инсоннинг бурчлари тўртга бўлинади: 1) Ўз олдидаги бурчи. 2) Оиласи олдидаги бурчи. 3) Давлат олдидаги бурчи. 4) Ўзга одамлар олдидаги бурчи.

3) Ўрни келганда ҳақиқатни айтмаслик яхши эмас. Бу нарсга ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам таҳқирлаш демакдир. Бироқ лаёқат ёки ҳуқуқ бўлмаганда ҳақиқатни айтмаган маъкул.

Европа маданиятининг йирик тафаккур эгалари инсон онги билан боғлиқ масалаларга диққат билан эътибор бериб, ҳар бир нарсанинг моҳияти ва мазмунига қараб ҳулоса чиқариш жамият тараккиётининг мезонидир деб баҳолайди:

Қария ва ажал: «ажал, нимага чақирдинг – ўтинимни кўтаришиб юборишинг учун сени чақирдим».

Эзон

Зевс ва шох: «Зевс, мен бошқаларнинг совғасини қабул қиламан. Аммо сенинг тилингдаги тухфани олмайман».

Ҳовлиқмасдан сўзла: шошилиш ақлсизлик белгисидир.

Бианд

Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг. Зеро, ахлоқ қонуннинг асосидир.

Пифагор

Инсон ўзи бурчли бўлган ҳамма ишни бажаришга қодир. Ҳаракат қилмоқ! Ҳаракат қилмоқ! Биз шунинг учун мавжудмиз.

Иоганн Фихте

Инсоннинг тавба-тазарруга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон йўқолмайди.

Ҳаммага бирдек ёкиш истаги энг қулгили истакдир.

Иоганн Гёте

Бировни коралашдан олдин доимо уни оқлаш имкони бор-йўқлигини ўйлаш керак.

Ахмоқни донога айлантириш кўрғошинни олтинга айлантириш сингари мушкул ишдир.

Нима бўлганда ҳам, барибир, қабр тақдир зарбаларига қарши энг аъло қалъадир.

Г. Кристоф

Ахмоқлар биз ўйлаганчалик кўп эмас. Одамлар бир-бирларини тушунмайдилар ҳолос.

Кўрқоқ одам иззат-талаб одамга нисбатан камроқ ҳақорат аламини тортади.

Люк Де Клапье

Ўзи ҳақида узоқ гапирадиган одамнинг мақтанчоқлигига чап бериши мушкул.

Раҳмдилликка муҳаббат ва нафислик, ичикораликка эса душманлик ва ғазаб омухта бўлади.

Давид Юм

Ҳамма билан хушмуомалали, кўпчилик билан дилкаш, айримлар билан эса бетакаллуф бўл.

Агар сен ақл-заковатга қулоқ тутмасанг, у албатта қасос олади.

Франклин

Эй мактанчок ва ўзбилармон одамзот, лоақал оёғинг
остида топталувчи оддий чувалчангни яратиб кўрчи.

Инсон фақат икки йўл билан юқори мартабага эриши-
ши мумкин: эпчиллик ва ёки бошқаларнинг нодонлиги
ёрдамида.

Сирининг очилишига уни ўзгаларга ишонган одамнинг
ўзи айбдордир.

Биз умр бўйи муқаррар ўлимни кутиб яшаймиз. Ўлим
қаршисидаги кўркув ажалдан кўра ҳам азоблидир.

Жан Де Лабрюйер

Ёшлик ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди, аммо
унинг ўтиб кетганини ҳамма ҳис қилади.

Сенека

Кексалик худди қордай тўсатдан босади. Эрталаб тур-
сангиз ҳаммаёқ оппоқ.

Ж. Ренар

Ёшлик билан қарилик орасидаги муддат нақадар қисқа.

Ш. Монтескье

Кексайганини одам қачон сезади? Буни у орзу-умид-
дан воз кечиб фақат хотиралар билан яшай бошлаганда
ҳис қилади.

Ф. Зандерс

Ўспиринлик йиллари бекиёсдир. Кексалик унга вақт
туманлари орасидан боқишни хуш кўради. Мўйсафид
одам шом палласида тонг шафағини орзу қилади

Ж. Байрон

Кексая олиш санъатидан кўра уни енга олиш санъати
улуғроқдир.

И. Гёте

Қарилик ҳақидаги ўйдан кўра кишини тез қаритадиган нарсаси йўқ.

Г. Лихтенберг

Қариликни ўйлаганинг сари қарийсан.

Э. Капиев

Кексаликка яқинлашганда вақт яна ҳам тез ўта бошлайди.

Э. Сенанкур

Кексайган сайин ҳаётга муҳаббат ортиб, ўлим даҳшати кучаяди.

Ж. Лабрюйер

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ТАШАБУСКОРЛИК – МУКАММАЛЛИК БЕЛГИСИ

Миллий маънавиятимизда одоб-ахлоқли инсон ўз умрини ҳалол, пок, оилада ибратли бўлиш, ота-она дусини олиш, халқ дардига малҳам бўлиш, фидойилик намунасини кўрсатиш, фарзандларига маънавиятли турмуш тарзини яратиб беришдек масъулиятни ўз қалбига сингдиради. Бунинг учун доимо интилиш, изланиш ва ташаббускорликни ўз қўлига олиш, шиддат билан дадил олдинга интилади. Интилиш бирор мақсад сари олға қараб ҳаракатланиш ёки инсоннинг руҳий ҳамда жисмоний мукаммалликка, камолотга қаратилган хатти-ҳаракатлари мажмуидир. Инсон борки, ҳамиша интилиб, изланиб яшайди. У табиатан шундай яратилганки, нимагадир эришади ва айни пайтда эришолмаган жиҳатларига интилади.

Сурхондарёликларнинг интилишларига баҳо берган, уларнинг қалбини юқори баҳолаган Республикамиз Пре-

зиденти И. Каримов куйидаги изохни кайд этган эди: «Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш, ақл-заковатли халқи бор, бағрикенг, аини замонда орияти баланд, бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас».

Интилиш нафақат бирор шахсни, балки бутун инсониятни юксаклик ва тараққиёт сари етаклайди, катта-катта ютуқларга илҳомлантиради. Бу ҳақда буюк аллома Алишер Навоий куйидаги фикрни баён этади:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Яъни бу дунёга келдингми, камолотга интилишни ўзингга касб қил, негаки, дунёга келиб, унда ғамгин бўлиб яшаб ўтиш сенга фарз эмас, агар бу жаҳонда камолотга интилмай, буни ўзингга касб қилмай, ғам-ғуссада яшаб ўтсанг, гўё ҳаммомга кириб, ювинмасдан, покланмасдан чиқиб кетган одамга ўхшайсан, дейилмоқда. Агар шу фикрни бошқачароқ ифодаласак, инсон ҳар томонлама комил ва етук бўлмаса, у пок инсон бўла олмайди, натижада ҳаётнинг кўп қийинчиликларига учрайди.

Юсуф Хос Ҳожиб таъкидлаганидек:

*Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.*

Бу ғоя бугунги кунда айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки етишиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама баркамол ва соғлом фикрли бўлиши керак. Шиддат билан ривожланаётган ахборот асри ҳар бир инсондан, аввало билимли, саводхон ҳамда ўз мустақил фикрига эга, турли ҳуружларга нисбатан ҳушёр, ҳозиржавоб, маънавий таҳ-

дидлардан атрофлича хабардор бўлишни, бунинг учун эса доимий интилиш ва изланишда бўлишни тақозо этади.

Интилиш — табиблик сари интилса, табиб барча гиёҳлар, ўсимликлар, жонли, жонсиз мавжудотлар унга ўзларининг қайси касалга даво бўлишини сўрашини билиши ва шу саволни ечиш учун интилиши зарур. Шу жиҳатдан қараганда, комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларимизнинг инсон камолоти ҳақидаги фикрлари жамият тараққиёти учун янги имкониятлар яратишга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида қадрли. Жумладан, Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида фозил одам фазилатлари ҳақида фикр юритар экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблайди ва комиллик сифатларини меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат сингари инсоний фазилатларнинг бирлигида кўради. У яхши хулқ-атвор ҳамда ақл кучи бирикканда инсоний фазилатларнинг юзага келишини баён қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, интилиш тушунчасини биз юқорида бирор мақсад сари олға қараб ҳаракатланиш, деб баҳоладик. Демак, интилиш ана шу мақсаднинг қандай қўйилишига ҳам боғлиқ. Агар мақсад бузғунчи, яъни ёмонликка қаратилган бўлса, у ҳолда интилиш ҳам салбий аҳамият касб этади, яъни инсонни ёмонликлар сари бошлайди. Афсуски, кишилар орасида ғаразли ният билан интилувчилар ҳам топилади. Бундай кимсалар табиат ва жамият, қолаверса, бутун инсоният учун хатарлидир. Улардан доимо огоҳ бўлишимиз керак.

Интилиш икки хил бўлади: яхши интилиш — «тош-тарози — ўлчов», яъни қилаётган интилишининг натижасини одоб-ахлоқ билан тушуниш, иккинчиси ғаразли, ҳасад, бойиш мақсадида интилиш:

*Инсон кимга айтсин ахир ўзриларни
Қайдан топсин холис дўстни — тўғриларни.
Тўрт ён боқиб инсон зотин тополмайди
Кўрар фақат либос кийган бўриларни.*

Бу мақсадга интилувчилар шубҳасиз узокка бора олмайдиган, нияти амалга ошмайдиган, охир-оқибат нафсини қондириш учун бойлик, амалдорлик, шон-шухрат, хатто бола отани, ука акани, дўст дўстни мажруҳ-ногирон қилади.

Изланиш, интилиш ва ташаббускорлик тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисисиз рўёбга чиқа олмайди. Интилувчан киши изланувчан ва ташаббускор ҳам бўлиши керак, фақат интилишнинг ўзигина инсонни бирор улкан мақсад сари етаклай олмайди. Халқ мақолларида интилиш хусусида «интилганга толе ёр» дейилса, изланиш хусусида «бешикдан то қабргача илм изла» дейилган.

Изланишга ҳаракат қилган одам раҳбар бўлиш сари ҳаракат қилса, унинг учун катта масъулият талаб қилинади. Хожа Самандар Термизий бу ҳақида қуйидаги фикрни изоҳлайди: «Азизим, раҳбарлик, йўлбошчилик шундай одамга муносибки, у халқ бошини машаққат гирдобидан халос эта олсин ва ҳар бир киши, ҳамма одам у йўлбошчилик қилган шу устувор — мумтоз замонда бошини роҳат болишига кўйиб фароғатда яшасин».

*Агар сен ўйласанг ўз тинчу ҳузуру роҳатинг фақат
Диёрингда бирор кимса кўра олмас ҳеч қачон роҳат.*

Демак, изланиш даставвал илм ўрганишдан бошланиши керак, илм ўрганиш эса одам эсини таниганидан бошлаб токи ўлгунча давом этириладиган жараёндир. Чунки дунё ҳар дақиқа узлуксиз ўзгарish ва ривожланишда, инсон тафаккури ҳам у билан биргаликда ривожланиши даркор. Дунёни англаш уни ўрганиш ва билишдан бошла-

нади, илмсиз одам гўё мевасиз дарахт. Атрофимизни ўраб турган олам турли сир-синоатлар ва илму ҳадислардан иборат, одам ҳаётда ўз ўрнини топиши учун дунёнинг ана шу сир-синоатларини яхши билиши лозим. Бу ҳақда сўз мулкининг султони Алишер Навоий шундай дейди:

*Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.*

Яъни одамзоднинг ҳар бир хатти-ҳаракати тафаккур билан рўёбга чикади. Оддий зарралардан тортиб, токи улкан коинот сирларигача инсон билим ва тафаккур орқали билиб олади. Қадимги эртақлардаги «учар от», «учар гилам»лар ҳақидаги фикрлар ҳозирги кундаги самолёт ва вертолётларни кашф этиш борасидаги кишиларнинг илк орзу-хаёллари ёки бошқачароқ айтсақ, изланишлари эди. Шундай экан, изланиш — бу дунёни билиш, яратувчанлик демакдир.

Изланганга — эзид ёр. Қадимги аجدодларимизнинг эътиқодий тушунчасига кўра, эзид — худо, яхшилик худоси. Мазкур мақоллари инсонга хос бу фазилатнинг мазмун-моҳияти сингдирилган: «изласанг, ҳаракат қилсанг, кўзлаган мақсадингга албатта етишасан, шундай қилсанг, худо ҳам сенга ёрдам беради», дейилмоқчи: «излаганга — толе ёр»; «из қувган — излаганин топади»; «излаган — топар»; «қидирган — қидирганин топар»; «қидирган — гавҳар топар»; «қидирганга — тошдан тулки топилар»; «тилаган — тилагин топар» (тиламоқ — бу ерда «истамоқ» маъносида); «тилаган — топар, тариган — ўрар» (таримоқ — уруғ сепмоқ, экин экмоқ); «қидирган — бўлар, ўтирган — ўлар» (бўлмоқ — бу ерда топмоқ, бир нимани кўлга киритмоқ маъносида); «ётган — етар, қидирган — топар»; «ётган — қолар, чопган — олар».

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилик чоғи харж қилгин ани.

Алишер Навоий

Интилган — эгилмас. Ҳаёт кечириш йўлида кўзланган мақсад сари, илму ҳунар эгаллаш сари қатъиятлик билан дадил интилган киши меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлиб, мустақил яшай олиш имкониятини яратди. Агар интилмаса, ҳаракат қилмаса, ишёқмас, дангаса бўлса, турмуш кечиришда қийналади, ҳар бир нарсага муҳтож бўлиб, бировларга бўйин эгишга, эҳтиёжи тушган нарсани ялиниб-ёлвориб сўрашга мажбур бўлиб қолади.

Ўрганинг, ўқинг, фикр юритинг ва бор нарсанинг энг фойдалиларини ажратиб олинг.

Н. И. Пирогов

Иزلаниш тўғрисида Президентимиз И. Каримов қўйидаги фикрни таъкидлаган эди: «Раҳбар дегани кимларгадир кескин талаб қўя олиши, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, қатъият билан иш олиб бориши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, кўпчиликни ўз ибрати билан ортидан эргаштириши, одамларда эртанги кунга ишонч уйғота олиши лозим».

Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ зарур.

Ш. Монтесье

Яқин тарихимизда ота-боболаримизнинг ташаббуси билан Катта Фарғона, Аму-Занг каналларининг ҳашар йўли билан қазиб битказилгани ёки бўлмаса уруш йилларида боболаримизнинг юзлаб етим болаларни тарбиялаб, кийинтириб, уларга бошпана бериб, ош-нон улашганини халқимизнинг ўзига хос ташаббускорлик мактаби дейиш мумкин. Айниқса, етишиб келаётган ёш авлод янада интилувчан, изланувчан ва ташаббускор бўлишлари лозим. Бу борада Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан амалга оширилаётган қатор жаҳоншумул ишлар барчамиз учун юксак намунадир.

«Тани тупрокдан, ҳосили — кетмондан» («экин қувватни тупрокдан олса, ҳосилини кетмон чопиғидан, яъни меҳнатдан олади», дейилмоқчи); «тўқсон кун лой кечасан, тўққиз ой мой ичасан» (гўё шоли деҳқонга шундай дер эмиш). Мазкур мақолни қувватловчи қуйидаги халқ қўшиғи ҳам бор:

От кетидан эргашганни той дейдилар,
Шоли эккан эр йигитни бой дейдилар.
Тўқсон уч кун ботқоқ кечиб лой тепганни,
Тиззасидан бўйнигача мой дейдилар.

«Тиндим тунда, тинмадим кундузи, бўлдику телпагим кундузи»; «тинмасанг тинасан» («тинмай ҳаракатда бўлиб турсанг, меҳнат қилсанг, қорнинг тўқ, устинг бут, рўзгоринг фаровон бўлади, натижада тиниб-тинчиб, роҳат-фароғатда яшайсан», дейилмоқчи).

РАҲБАРГА ХОС ЎГИТЛАР ВА ФАЗИЛАТЛАР

Яхши хулкли бўлгил ҳамда соф кўнгил,
Одамларга доим инсофли бўлгил.
Бу меҳнатхонада яхшию ёмон
Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.

Абдураҳмон Жомий

Мустақиллик йилларида ёш авлодни тарбиялаш, уларни келажакда муносиб ватанпарвар, инсонпарвар ва салоҳиятли мутахассислар бўлиб етишиши учун муҳим аҳамиятга эга ишларни амалга ошириш мақсадида миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни, анъаналаримизни ўрганиш учун бутун имкониятлар яратилди. Энг муҳими ёшларга аجدодларимиз томонидан яратилган миллий одоб-ахлоққа хос тарбияни сингдириш, шарқона одоб-ахлоқнинг ҳаёт жараёнидаги ўрнини тушунтириш асосида раҳбарлик санъатини ўргатишга катта эътибор

қаратилмоқда. Чунки одоб-ахлокли раҳбар кенг мулоҳазали, миллатни севадиган, миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайдиган, ватаннинг мукадас тупроғини кўз қорачиғидай асрайдиган, одоб-ахлоқда ибратли, босиқ вазмин бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳаётий тажриба раҳбар ходимларга алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, одоб-ахлокли раҳбарлар эл-юрт олдида ўз масъулиятини яна ҳам чуқур, теранг англаши лозим. У амал курсидаги кунларини узайтириб, ўз фароғатинигина ўйлаб яшамаслиги, аксинча одамларнинг кўнгилни кўтариши, бошини қовуштириши, яхшироқ яшаш имконини яратадиган истиқбол йўлларини кўрсатиб, шу мақсадга тезроқ етишишга одамларни одатлантириш лозим. Шарқона одоб-ахлоқли ва маънавий-ахлоқий соғлом раҳбаргина, ўз жамоаси, эл-юрт ишончини оқлай олади, жамиятда соғлом, маънавий муҳитни қарор топтириб, одамларда яратиш иштиёқини, келажакка ишонч руҳини кучайтиради. Албатта, бундай одоб ахлокли раҳбарлар йил ўн икки ойда шаклланиб, камолга етиб қолмайди, бунинг учун йиллар керак, кунт, интилиш, сабр-бардош, тинимсиз изланиш зарур.

Раҳбар фаолияти, унинг амалга оширган иш жараёнларини чуқур ўрганган Республикамиз Президенти Ислам Каримов 1993 йил раҳбарларни уч гуруҳга бўлиб, қуйидаги фикрни таъкидлаганлар: «Биринчи тоифа – ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа – бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни «ўйинчи» дегинг келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни истамайди. Ўйин билан юрибди. Учинчи тоифа – ўзини эл-юрт ишига тиккан кишилар. Мен шу тоифадаги кадрларга умид боғлайман».

Раҳбарлик катта одоб-ахлоқни, юксак садоқатни, масъулиятни, маданиятни, муомалани, мулоҳазани, мушоҳадани тақозо этиб, энг муҳими иқтисодий билимни

ахлоқий-маънавий билим билан мужассам этган кишигина мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади. Ушбу масалага алоҳида эътибор берган юртбошимиз И. Каримов мамлакатнинг тараққиётига, уни бошқаришга раҳбарлик қила оладиган ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор бериб: «Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инкилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал маданиятли тараққиётга ўтиш, танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Одамларнинг психологияси ва турмушига ўнлаб йиллар давомида кўпинча зўравонлик йўли билан бошқарилган раҳбарликни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий жамоалар ўртасидаги раҳбарлик муносабатларининг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш йўли билан жамиятни бошқариш ва ўзгартириш зарурлигига одамларни ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи раҳбарлик кучларини ва бошқаришнинг рағбатлантирувчи омилларини ўзгартириш мумкин» деб раҳбарлик дастурига мустақилликнинг дастлабки йилларида алоҳида эътибор берган эди.

Ўзбекистон давлатини бошқариш, тараққиёт йўлини белгилаб олиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини яхшилаш учун салоҳиятга эга бўлган раҳбарларни тайёрлаш, танлаш, масъулият нуктаи назаридан жавобгарликни ҳис этишга йўналтириш туфайли ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиш асосий дастур қилиб олинди. Раҳбарларни тайёрлаш ва танлаш, уларни жой-жойига қўйиш доимий тарзда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Энг муҳими шундаки, баъзи раҳбарлар муҳим масалаларни ҳал этишда, айниқса лавозимга бирон шахс-ни тайинлашда, «мен бошлиқман, демак, менинг айтганим – айтган, деганим – деган бўлиши шарт» деб ўз мансаб фаолиятига ўзининг шахсий нуктаи назаридан юқори баҳо беради. Пайғамбаримиз расулуллоҳ соллаллоҳу васаллам башо-

рат қилганларидек: «ўзларингиз қандай бўлсангиз, устингизга шундай ҳоким келар», демак, жамоани аҳил, мустаҳкам бошқариш учун ақл ва фаросат муҳим аҳамиятга эга эканлигини раҳбар унутмаслиги керак. Раҳбарнинг онгли ва мулоҳазали фикрлари ўрнига ўзига нисбатан ортиқча баҳо бериши туфайли лавозимга танлаган ўринбосар ёки бўлим бошлиқлари маънавий нолойик, онги сиёсий жиҳатдан шаклланмаганлиги туфайли лавозимга қўйилган раҳбарлар маҳаллийчиликка, ошна-оғайингарчиликка, қариндош-уруғчиликка эътибор бериб, жамоада нокулай психологик вазиятни вужудга келтиради. Жамоада одоб-ахлоқли ва маънавий етук, талабчан, зийрак, ҳақгўй, адолатпарвар, ҳақиқатни тўғри айтадиган, саводли, меҳнаткаш, тadbиркор, мулоҳазали ходимлар ўрнига нолойик ходимларнинг раҳбарлик лавозимида кўтарилиши натижасида жамоадаги умуммаънавий муҳит бузилади. Натижада, одамлар раҳбарга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиб, ундан узоқлашади, чунки раҳбар ўз масъулиятини йўқотиб, оёғи ердан узилиб, манманликка берилиб, қўпол ҳаволаниб кетиши натижасида софдил ходимлар у билан жамоа манфаатларини ҳисоблашга эътибор бермайди. Қачонки, раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, таъмадан, ғараздан йирок бўлса, унинг табиатида қатъийлик, вазминлик билан, талабчанлик билан, ақл-заковат билан уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг қўлга киритадиган ютуқлари, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши раҳбарларнинг руҳий кўтаринки кайфиятига, маънавий оламига, жамоа муҳитини билишига, энг муҳими, ташкилотчилик, тadbиркорлик фаолиятига боғлиқ. Раҳбарнинг жамоа ва шахс манфаатлари билан уйғунлашиб кетиши алоҳида аҳамиятга эга.

«Рисоладаги раҳбар ўз атрофига ўзига сафдош бўла оладиган уқувли кишиларни тўплайди ва улар билан бамаслаҳат иш юритади. Уқувсиз раҳбар эса атрофига ўзи-

дан ҳам укувсизроқ кишиларни йиғади, уларга истаган сўзини ўтказиб туради, ўзидан кучли ходимни яқинига йўлатмайди, ўрнимни эгаллаб қўяди деб чўчийди».

И. Каримов

Шунингдек, раҳбарнинг маълум кишилар гуруҳига ҳеч иккиланмай «сингиб кетиши» ёки шу гуруҳдаги кишиларнинг раҳбарга кўр-кўрона бўйсунishi натижасида соғлом муҳит юзага келмайди. Жамоа олдига қўйилган муҳим мақсадлар раҳбар учун ҳам муҳим аҳамият касб этгандагина ана шундай уйғунлик юзага келади. Бирок ҳар қандай жамоа ҳам ўзига хос дунёқараш, қизиқиш ва мойилликларга эга бўлган турлича феъл-атвордаги кишилар гуруҳидан ташкил топавермайди. Ҳар бир раҳбар фаолияти давомида жамоа ҳаётига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб борса ва ундан ўзи учун бирор янгилик топа олсагина замини мустаҳкам жамоа вужудга келади.

Демак, раҳбар шахсларининг маънавий дунёси қанчалик юкори бўлса, жамоа ҳаёти мазмунан шунчалик бой ва қизиқарли бўлади. Энг ачинарлиси шундаки, баъзан раҳбар жамоадан ортда қолиб, ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этишга ожизланиб қолиши, фаоллиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги ва алоҳида тадбиркорлиги билан бошқалардан ажралиб турадиган шахсий сифатлари бўлмаса, раҳбар билан жамоа ўртасида муносабатлар янада жиддийроқ тус ола боради. Унинг касбий нўноклиги, ўз мавқеини йўқотишига олиб келади. Раҳбар жамоадан илгарилаб кетиши, аммо унинг қобилияти, лаёқати, жамоа ҳаётида ўз аксини топмаса, раҳбар ўз билими ва малакасининг ортиши туфайли агар жамоада етарли имкониятлар бўлса, қўллаб-қувватлаш бўлса, раҳбар янги вазифага кўтарилади. Агар жамоа маънавий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан шаклланмаган бўлса, қобилиятли, ташаббускор раҳбар билан жамоа ўртасида низо келиб чиқади. Бундай вазиятда жамоа раҳбарга нисбатан «тўғри келмайдиган раҳбар», «осойишталикни бузувчи раҳбар» деб унга таз-

йиқ ўтказади. Бундай нокулай вазиятда раҳбар, «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутса, «ўзини жамоага карама-қарши қўяди», натижада раҳбар жазо олиб ишдан кетади.

Раҳбарлик маънавияти жуда катта масъулиятни талаб этадиган инсонпарварлик ғояларига, кўнгли очиклик, қалби ва қўли тоза, ақл-заковат соҳиби бўлишни талаб этиш билан биргаликда, билим ва маҳоратни оширишни, эл-юртга ҳалол хизмат қилишни, қуйи поғонадаги раҳбар ходимларни тўғри танлашни талаб этади. Раҳбар маънавий нуқтаи назардан пок бўлиш билан биргаликда ўз касбини чуқур билиши, уни бойитиб бориши, халқ ва ватанга фидойилик ва ташаббускорлик, талабчанлик қобилиятини намоиш этиши керак. Энг муҳими раҳбар ҳеч қачон ғийбат, майда гаплар, фиску фасод, маишатбозликка берилмаслиги шарт. Раҳбарнинг маънавий мавқеини пасайтирадиган нарса, мактовдан боши айланиб, «доҳий»лик касалига чалиниб, ўз манфаатини ўйловчи «маслаҳатгўйлар», амалпараст, лаганбардор, порахўр, оддий одамларга зуғум ўтказувчи кишилар куршовида қолмаслиги, адолатсизликка йўналтирувчи ғоялар чангалида қул бўлиб қолмаслиги керак.

«Ақлли одам доимо буюк кишилар синовидан ўтган йўлни танлаши ва энг ажойиб шахсларга тақлид қилиши керак, чунки у мабодо ўша буюклик даражасига кўтарила олмаган тақдирда ҳам ҳар нечук қиттай бўлса-да, унинг ёғдусини эмади».

Н. Макиавелли

Жамиятнинг пайдо бўлиши, тараккий этиб бориши инсониятнинг юксак ақлий тафаккури натижасидир. Чунки, инсонга берилган ақл-идрок, онг тизими, уни бошқа жонотлардан фарқини билдириб, ана шу ақл-тафаккури билан табиат сирларини билиш, ўзи яшаётган жамиятга мослаштиришга ҳаракат қилган. Албатта? Берилган ақл-идрок, онг тизими инсонларда турлича талқинда бўлиб,

ундан ҳар бир инсон ўз англаш, сезиш, ҳис этиш қобилияти орқали фойдаланади. Бироқ ушбу ақл-идрок ҳамма инсонга бир хил берилмаган ҳамда маълум ўлчовга ҳам эга эмас. Бу эса табиатнинг сири, Яратганнинг улуғ химмати билан тақдири азал пайдо бўлгандан буён номаълум сир сифатида очилмай қолмоқда. Табиат берган ақл-заковатни жамиятда ишлатиш, ундан фойдаланиш ҳам ҳамма инсонда бир хил эмас, касб-маҳорат, тафаккур ҳамда катъиятлик ҳам ҳар хил.

Шунинг учун ҳам ақл-тафаккури, онг тизими кенг ривожланган инсонлар табиат сирларини тез англаб олишга интилиб, жамиятнинг илгари силжишига, ўз онги тафаккурида мавжуд нарсаларни бошқаларга тарғиб этишга, ўз изидан эргаштиришга, бўйсундиришга, агар халақит қилса батамом йўқотишга киришганлар. Бу ҳодиса инсон пайдо бўлгандан буён давом этиб келмоқда, уни ўзгартириш, янгилаш имконияти фақат Аллоҳга хос нарсадир. Ана шу ақл-тафаккур, синовлар инсонларни уддабурон, сезгир, чидамли, айёр, меҳнатсевар, тадбиркор, топқир, ўзига нисбатан камфикрловчи, чидамсиз, фаҳмсиз, бирон-бир нарсани эплай олмайдиган, меҳнат тажрибаси кам, дангаса устидан ҳукмронлигини таъминлаб берган. Агар ҳукмронликни қўлга олган инсон жоҳил, айёр, муғомбир, такаббур, камситувчи, ёлғончи, ўз сўзининг устидан чиқмайдиган киши бўлса, унинг ҳукмронлиги узоқ яшамаган. Агар ҳукмронликни қўлга олган инсон уддабурон, кўнгилчан, қаттиққўл, тадбиркор, кўпчилик манфаатларини ўз манфаатидан устун қўядиган бўлса, унинг ҳукмронлиги узоқ яшаган. Ана шу кураш, баҳс, тортишув, ишонтириш, қаттиққўллик, тадбиркорлик, узоқни кўра билиш қобилияти, билими, касбга муносабати, маҳорати, оила бошқаришдаги ибрати, тили, маданияти, кийими ва бошқа хусусияти билан ғолиб чиққан инсонлар раҳбар деган буюк номга сазовор бўлган.

«Инсон ҳаётининг маъноси тиниб, тинчимаслик ва доим ташвишдан иборатлигини тушунган одам калта-фаҳмлиқдан кутилган бўлади».

А. Блок

Раҳбарлик бу Аллоҳ томонидан иноят қилинган буюк мукофот бўлиб, унинг насл-насаби, авлодларга қолдирган тажрибаси, касб-маҳорати билан яратилган. Раҳбар бўлиш ҳар бир инсоннинг орзуси, ҳаёлий тафаккуридир. Бироқ у кутилмаганда бериладиган совға, Аллоҳнинг назари, ризқ-насибаси, махсус мансаб либоси, обрў-эътибори, энг муҳими эл олдидаги иззат-хурмати, мартабасидир. Орзу қилиниб эришмай, кутилмаганда тақдим қилинадиган иноятдир. Дунёда одил подшоҳ номи билан машҳур бўлган Ануширвон ўз вазирига давлат ва халқнинг ўзаро жипислигини сақлаб туриш учун раҳбар куйидаги ҳикматларга амал қилишини насиҳат қилган бўлиб, подшо ва вазир ўртасидаги савол-жавобнинг маъноси куйидагича бўлган: 1. Умрни қандай ўтказиш керак? — Дилшодлик ва хурсандчилик билан. 2. Худо хушнудлигини нима билан топиш мумкин? — Ота-онани шод қилиш билан. 3. Одамлардан қайси бири бахтиёрроқ? — Дунё қарама-қаршиликларидан дилтанг бўлмаган киши. 4. Дўст ноқобилга айланса, ундан қандай қутулиш мумкин? — Олдига кам бориш ва ҳолини сўрамаслик билан.

Раҳбар маънавиятли инсон қалбидаги поклик, меҳр, ҳурмат, эътибор, ишонувчанлик, касбга ҳавас билан қараш, хушмуомалалик, камтарлик, меҳнатсеварлик, тил билиш, маданиятга, урф-одатлар, қадриятларга эътибор, оилага, қўни-қўшнига муносабат, шу билан бирга ҳушёрлик намунасидир.

Ҳурматли Президентимиз И. Каримов раҳбарнинг маънавий қиёфаси ва салоҳияти ҳақида гапирганда: «раҳбарлик илоҳий фазилат, қолаверса, у тинимсиз изланиш, интилиш, билим ва тажрибанинг маҳсулидир» дея таъкидлайди.

«Бир одам учун эмас, балки ҳамма одамларнинг фароғатини кўзлаш ҳамиша муҳим масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади».

А. Толстой

Раҳбар маънавий фазилатларга эга бўлиши учун тил маданияти деган тушунчага алоҳида эътибор бериши зарур. Тил инсонни бошқа жонзотлардан устун қилган неъматлардан биридир. Келажаги порлоқ бўлишини истаган ҳар бир раҳбарнинг зиммасидаги залворли масъулият шундаки, у ўз она тилини эъзозлаш билан бирга, жамоаси, корхона ёки хўжалиги равнақи учун ўзга тилда сўзлашувчи ҳамкорларининг тилини ҳам ўзлаштира олиши лозим. Негаки, тилмоч орқали ҳамиша ҳам чин кўнгилдан, дилдан суҳбат кура олмайсан киши. Бундан ташқари, раҳбар ўзидан юқори мартабали раҳбарлару қўл остидагилар, шунингдек ҳамкорлари билан ҳам гаплашганда яна бир «хорижий» тилни ҳам билиши керак. Унинг номи кўнгилдир. Раҳбар тилининг равон, ишончли бўлиши, лафзида қатъий туриши, инсофли, диёнатли, кечиримли, оғир-енгил юкни кўтарувчи, ҳар нарсда мулоҳазали бўлиши, ризқ-рўзини, мулкни талон-тороғ қилишдан сақлайдиган биринчи белгиси оиладир. Чунки оила тилини ўрганган раҳбарнинг умри узоқ, мартабаси улуг бўлади. Одамлар ҳавас қиладиган, жамоа қўллаб-қувватлайдиган, ўзидан юқори раҳбарлар назарига тушадиган, энг муҳими Аллоҳ иноятида бўладиган кишига айланади. Ҳазрати Навоий тилга эътибор масаласига жиддий баҳо бериб, қуйидаги ҳикматли мисраларни битган эдилар.

*«Ҳар кимсаки, сўз демак шиорида дурур,
Маъно гули нутқининг баҳорида дурур.
Сўз ким демасун, улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиғу чу ихтиёрида дурур».*

Ёки:

*«Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин».*

Раҳбар жамиятда яшар экан, сўзлаш одобига ниҳоятда катъий риоя қилиши, ҳамма нарсани гап деб гапиравермаслиги, ўйлаб гапириши, бўлар-бўлмасга сўз қотмаслиги, тилини тийиб юриши зарур. Акс ҳолда бошига бало орттиради, ўзига-ўзи зиён, захмат етказди. Халқимиз ўз ҳаёт тажрибасидан жуда кўплаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тил ва сўз билан изоҳлайди. Раҳбар учун ушбу сўз кундалик ҳаётининг асоси, мазмуни бўлмоғи зарур, яъни «қилич кеса олмаганини сўз кесади», «тил тиғи қилич тиғидан ўткир», «тиғ жароҳати битар, тил жароҳати битмас», «тил билан тугилган тугун тиш билан ечилмас», «бошга бало недан келур? – икки энлик тилдан келур», «ўн балонинг тўккизи тилдан туғар», «юрганда оёғингни – эҳтиёт қил, гапирганда – тилингни» каби мақоллар раҳбарнинг иш тажрибасидаги мезон бўлиши зарур. Ҳазрати Навоий шу нарсага алоҳида эътибор берди-ки, дилингда бошқа нарсани ўйлаб, тилингда бошқа нарсани гапирма, айёр, муғамбир, тилёғламачи, ёлғончи, иккиюзламачи бўлма, тўғри ўйла, тўғри сўйла, ростўй бўл.

Ўз кучига ишонч ва бошқалар учун яшаиш истаги қудратли кучдир.

Ф. Э. Дзерженский

Раҳбарлар, шохлар, ҳукмдорлар, арбоблар билан рафиқалари ўртасида кечган мулоқоти ҳақида қадимдан буён кўплаб тарихий, бадий ривоятлар, битиклару асо-тирларни ўқиб, хулоса чиқариш мумкин. Масалан, Одам ато ва Момо ҳаво, Юсуф ва Зулайҳо, Искандар ва Ракшона, Муҳаммад (С. А. В) пайғамбаримиз ва Ҳадича онамиз, соҳибқирон Амир Темур ва Бибихоним, ҳоказо. Раҳбар Аллоҳ насиб этган эрта тонг билан туриб оилага, фарзандларга, уй-жойга, молу-мулкка, ризқ-насибага назар солиб,

шукроналар килиб, ҳар бирини диққат назари билан кузатмоғи зарур. Ҳовли, уй-жойнинг тозалиги, унинг таъмирга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги, боғ-роғлар, экинларнинг ривож, уй ҳайвонларининг аҳволи, молхонанинг ҳолатини билмоғи шартдир. Шундан сўнг бу масалада оила аъзолари билан кенгашиб, кунлик қилинадиган ишларни келишиб, оила аъзоларининг нимага қурби етишига қараб, уларнинг ҳар бирига қўлидан келадиган ишларни тақсимлаши лозим. Раҳбарнинг оилани бошқариш, фарзандларни тарбиялаш касб-ҳунарга ўргатиши, унинг ўта зеҳн ва одоб-ахлоқли бўлишини талаб этади.

Инсоният тарихида катта обрў-эътиборга лойиқ Лукмон Ҳакимнинг ўғлига қилган насиҳатлари ҳар бир раҳбар учун оила мактаби маданиятининг одоб-ахлокига дарс бўлади. Ушбу суҳбат қуйидаги мазмунга эга: 1. Сирингни махфий тут, ҳеч кимга айтма. 2. Ҳамма ишда ўртача йўл тут. 3. Бойлигинг микдорини дўст-душманга билдирма. 4. Болаларинг нима деса, ўшани қилаверма. 5. Мол-дунё топаман деб, ўзингни қийнок остига ташлама. 6. Ғазабинг келганда, сўзни танлаб гапир. 7. Эси паст, де-вона, ахлоқ ва маст билан сўзлашма. 8. Пулсиз, пичоқсиз, узуксиз юрма. 9. Ўзингни ўта хор қилмасликка интил. 10. Худони ва ўлимни доим ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унут.

Раҳбар ота сифатида оиласига ўзи ибрат кўрсатиб, фарзандларини касб-ҳунарга кизиқтириши шарт. Акс ҳолда оила фарзандлари ялқов, иш ёқмас бўлиб ўсадилар. Окибатда ҳар бир қилинажак иш учун кимнидир ёллаш, бир сўз билан айтганда, худбинлик, ялқовликка мослашадилар.

Раҳбар ҳис-тўйғусига хос ҳамма гапни оиланинг иккинчи бошлиғи аёлга айтиши шарт эмас. Хотинга айтиладиган ва айтилмайдиган гаплар ҳам бор. Ишдаги ҳамма гап-сўзларни хотинга айтиш оқибатида уй соҳибасини ана «шу соҳага мослаштириб» қўйиш мумкин. Ҳар куни ишдан келгач, хотин томондан «бугун ишда нима гап бўлди?» деган саволни кун тартибига киритишга йўл очилади. Ра-

фикасига бошқа бир бегона аёл ёки эркак хакида фикр билдирмаслик раҳбар одамнинг ўзи учун фойдали. Чунки, ушбу фикрлар хотинида шубҳа уйғотиб, оддий гап-сўздан жанжал чиқиши, оқибатда, аста-секинлик билан бошланган ишончсизлик гумонга айланиб, раҳбарнинг оиладаги обрўйининг йўқолишига сабаб бўлади. Ҳар ойда маош олгач, эркак оиладаги камчиликларни имкон қадар тузатиб бориши, оила эҳтиёжини ўртача даражада таъминлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Иш ҳақини хотин кўлига бериш-бермаслик эркак ихтиёрига ҳавола. Опа-сингил, ака-укага имконият даражасида ёрдам бериш раҳбарнинг қариндошлик бурчидир. Бироқ, бу ҳакида хотинига ҳамма вақт ҳам ҳисоб бериши шарт эмас. Чунки, хотиннинг ҳам ўз қариндош-уруғига ёрдам бергиси келиб қолади. Акс ҳолда, раҳбар эрга ҳам қавм-қариндошларига берилаётган ёрдамни тўхтатиш талаб этилиб, орада яна жанжал пайдо бўлади.

Кулоқдан дилинга гар кирмаса нур,
Сичқон ковагидан не фарқи бўлур

Абдурахмон Жомий

Ана шу нарсаларга эътибор бермаган раҳбар оила олдидан ўз ҳурматини йўқотади. Энг ачинарлиси катта-кичик раҳбарларнинг кўпчилиги шу масалада панд еб қўйиб, оила ва эл орасида ўз обрў-эътиборини йўқотади. Шунингдек, раҳбарлик либоси учун келаётган турли хил тухфалар, пораларни кўпроқ олиши, моҳиятига тушунмай уни оила ихтиёрига еб-ичиб маишат қилиш ёки хоҳлаганича сарфлашга бериб қўйиш оқибатида хотин ва болалар дунёқарашига ўзгача мансабпарастлик иллати шаклланиб, улар отага нисбатан ўзларини кўпроқ раҳбар деб ҳис этакдилар. Натижада «хотин раҳбар», «фарзанд раҳбарлар» уларга сирини олдириб қўйган отага очикчасига топшириқ беришга ўтиб оладилар. Худди «олтин балиқ ва балиқчи» эртагидагидек ортиқча дабдабозликка, зўр

иштиёқ билан кийинишга, орзу-хаваслар билан замондан олдин ўтиб кетишга интиладилар. Эндиликда кийим-ке-чак, озиқ-овқат, қимматбаҳо тақинчоклардан ташқари янги «эҳтиёжлар» юзага чиқади. Ичкиликбозлик, кимор, қора дори истеъмол қилиш, атроф-муҳитни менсимаслик — буларнинг бари бирлашиб, раҳбарни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўяди. Раҳбар оилага келаётган ҳалол-ҳаром бойлик замирида нималар ётганини, унинг қандай оқибатларга олиб келишини яхши англаб етиши, ота-она, қариндош-уруғлар ва қўшнилари олдида ўз хулқ-одобини, зоҳирий ва ботиний киффасини ҳам ўз жойига қўя олиши шарт. Шунингдек, у оила аъзоларини ҳам буни фаҳмлашга ўргатиши, бунинг охири нима бўлишини, бир куни мансабдан кетиши муқаррарлигини, ўшанда иқтисодий муҳтожлик олдида довдираб қолмаслик учун илму ҳунар зарурлигини хотини ва фарзандларига тушунтириши лозим. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбарлик бойлик орттириш эмас, ўзгаларнинг ҳам бойишини исташи керак. Бундай раҳбардан одамлар рози бўлади, меҳрибонлик, ғамхўрлик ва бағрикенглик фазилатлари намоён бўлади. Керак бўлса, шу йўлда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор».

Халқ молини еган — халқумидан илинур.

Халқ мақоли

Раҳбар иш жараёнидаги ҳар бир нарсанинг натижаси оила обрў-эътибори билан боғлиқ эканлигини унутмаслиги зарур. Раҳбар гоҳида масаланинг моҳиятига эътибор бермай, тўғри келган сўзни фаҳмламай айтиб юборишдан ўзини тийиши шарт. Акс ҳолда ҳазрат Навоий таъкидлаганидек:

Оғизга келганини демак, нодоннинг иши,

Олдига келганни емак ҳайвоннинг иши.

Бунинг маъноси шуки, раҳбар ҳар бир нарсага тезда мулоҳаза қилиб, шошиб, аччиқ устида тўғри келган сўз-ни ишлатиб, ўзини хароб қилиб қўймаслиги талаб этилади. Бунинг натижасида гоҳида ишдан толиқиб, кайфияти бузилиб, ишдан гап эшитиб, уни эплай олмай, берилган топшириқни бажаролмай ёки кимнингдир ҳақорати, камситиши туфайли, ўзидан катта раҳбарга «керак бўлса ол ишингни», «ёз аризангни деганда ишдан бўшаш ҳақидаги аризани ёзиб бериши», «аччиқ қилиб олсанг ишингни оласан жонимни олмайсан-ку» дея иддао қилиб, ишдан кетишнинг тўртта ёмон оқибати бор, буни тузатиш учун кўп вақт ва умр зое кетади.

1) Кайфият бузилиб, ариза ёзиб, раҳбар хонасидан чиққач, ходимнинг кўнглидан бир фикр ўтади. Шу ерда бироз шовдинг, узр сўраб, бир табассум қилиб, охириги марта имконият берсангиз, дея муроса йўлини тутмадингиз. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириб яхши қилмадингиз. Сиз эплай олмасангиз, кимгадир шу лавозим кераклиги, раҳбар ҳам аччиқ устида номуносиб бўлса ҳам бошқа бировга сизнинг ўрнингизни раво кўриб юбориши мумкин-ку. Яна бир жиддий хатойингиз тухмат ёки ортиқча асоссиз ёзиш-чизишларга аралашиб қолганингиз. Унутманг, сиз ҳам хом сут эмган, гуноҳкор бандасиз, ўзингизга берилган имкониятдан фойдаланиб, давлатнинг ва халқнинг мулкани ўзлаштирганлигингиз, ортиқча совға-саломга, маишатпарастликка берилганингиз ва хоказо сабаблари бордир. Агар сизда чин кўнглидан кечирим сўраш ана шу чигал ҳолатдан чиқиб олиш имконияти бўлса-ю, раҳбарият ва севимли жамоангиз кечирса, сўнги марта ўз нафсингиз жиловини қўйиб юборманг.

Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи.

Халқ мақоли

2) Ишдан бўшаганлигингиз сабабларини обдон ўйлаб, уйга боргач, дастлаб оиланинг иккинчи бошлиғи – аёлга айтасиз. Агар ақлли, мулоҳазали аёл бўлса – бошин-

гиз омон бўлсин, бошқа иш топилиб қолар, кўп хижолат чекиб ҳар кимга бу ҳақида сўзламанг. Иложи бўлса, раҳбарларингиздан узр сўраб, узилган алоқаларни тиклашни маслаҳат беради, сизни юпатади. Бахтга қарши аёлингиз нодон бўлса, айбингизни юзингизга солиб, сизни ношудликда, уқувсизликда айблаб, «энди сизга ҳеч ким иш бермайди», дея баттар кайфиятингизни туширади.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди.

Халқ мақоли

3) Ишдан кетиш тўғрисидаги жаҳл билан ёзган аризангиз оқибатида оиланинг иктисодий қудратига путур етади, ҳаттоки кўшимча моддий рағбатлантиришу ҳадялар, илиқ саломлар ҳам энди йўк! Етишмовчиликлар туфайли оилада турли хил тортишувлар, низо-жанжаллар пайдо бўлиб, ғамли, чин асабий кунлар бошланади. Бунинг ҳаммасига ҳам рўзгор раҳбарининг қўли ва кўнгли эгрилиги, тили заҳарлиги сабаб бўлади. Оила соат сайин иктисодий, маънавий таназзулга юз тутади. Аччиқ устида «олсанг—ишингни оласан, жонимни олмайсан-ку» дея ўйламай айтилган сўз аста-секин жонини олиб боради. Шунинг учун тил бутун иззатни, обрў-эътиборни ёки аксинча ҳалокат ва шармандаликнинг бошидир. Ҳазрат Алишер Навоий айтадиларки:

*«Тил арслон мисоли ётар қафасда,
Бехабар бошини у ер нафасда».*

4) Оқибати ўйланмасдан ишдан кетиш ҳақида ёзилган ариза раҳбарнинг кейинги тақдирини буткул издан чиқариб, аччиқ қисматга боғлайди. Ёмон ном билан ишдан кетган раҳбар учун бошқа бир идораларнинг эшиклари ҳам ёпилиб қолади. Иш сўраб борса, иш берувчи уни тубдан-зимдан ўрганиб, «сиз биз билан боғланиб туринг, иш чиқиб қолса хабар қиламиз», дея фикр билдиради. Ариза

эгасининг олдинги иш фаолиятини, одоб-хулқини аввал-
ги раҳбаридан ва бошқа таниш-билишларидан сўраб-су-
риштиради. Агар олдинги раҳбари ёки уни ёмон кўрувчи
ходим «фалончи ғийбатчи, ёзувчи, эгриқўл» дея таърифла-
са келажагига банд солинади. Бу эса сиз учун ҳалокат де-
макдир! Гарчи ёмон одам бўлмасангиз ҳам олдинги иш
жойингизда сизга шундай баҳо беришган. Шунинг учун
ҳам Юртбошимиз И. Каримовнинг «раҳбар пок бўлиши
керак. Раҳбар назардаги одам, унинг ҳар бир қадами на-
зардан четда қолмайди. Раҳбар халқдан ажраб қолмаслиги
керак» деган сўзлари ҳар бир раҳбар учун ўғит бўлмоғи
шарт!

Раҳбар авваламбор ўзини тарбиялаган, вояга етказган
ота-онасини, улғайтирган ватанини, муқаддас она тупроқ-
ни, улуғ аجدод-авлодларни, аллома, авлиёларни ҳурмат
қилмоғи шарт! Улар ҳақида кўпроқ ўкиб-ўрганиши, ях-
шиларнинг фазилатларини ўзига сингдириб бориши ло-
зимдир.

Теран фикрлар – ақлга ўрнашган пўлат михдек, уларни
суғуриб бўлмайди.

Д. Дидро

Раҳбарнинг зоҳирий ва ботиний қиёфаси, фазилатлари
қандай бўлиши ҳақида юртбошимиз шундай дейди: «Раҳ-
бар ўзи ҳам ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак.
Қўшни тортмаган, қўш ундан чиқиб кетишга мажбур».
Бундан шундай хулоса чиқадики, раҳбар авваламбор
миллатнинг фахри, эгаси, бошлиғи, ҳар қандай шароитда
окилона иш тутадиган, қийин шароит ва вазиятдан чиқиб
кетадиган инсондир.

Раҳбар иш жараёнида эҳтиросларга берилмаслиги,
топширилган вазифани шараф деб билиши, оғир, қийин,
чигал вазиятларда шошмай, оғирликни кўпроқ ўз зимма-
сига ола билиши зарур. Раҳбар маданиятли бўлиши учун
мулоҳазани чуқур таҳлил қилаолиши тўғрисида ҳикмат-
лар дурдонасига катта маънавий ҳисса қўшган Балтасар

Грасиан куйидаги фикрларни раҳбарларга такдим этган: «1. Рад этишни бил. Аммо ҳеч қачон кескин рад жавобини берма. Бу садокат (яқинлик) ришталарини кесмок билан баробар. Озгина умид қилишга имкон қолдир. Баъзиларга эса қатъий рад этишдан тортинма. 2. Чап бермоқни ўрган. Мушкул вазиятдан йўл топа билиш ақлли кишиларнинг ишидир. Бир табассум билан мақсадга етиб, аёвсиз баҳсдан омон қоладилар. 3. Ғанимнинг (душманларининг) диққатини қалғитишга урин. Ҳаракатининг мунтазам ўзгартириб тур. Бир хиллик – сиригини очади, режанинг фош этади. 4. Муносиб равишда чекина билиш, мардонавар ҳужум қилиш каби муҳимдир».

Раҳбар маънавиятини, назарий ва амалий фаолиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида алломалар, илм аҳли, олим ва донишмандлар ҳикматга оид манбаларни мукамал китоблар асосида аجدодларга қолдириб, буюк раҳбарлик маънавий меросини яратиб берганлар. Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Жаббор Эсоновнинг узоқ йиллар олиб борган илмий изланишлари, тадқиқотлари, мукамал илмий ва таржимонлик маҳорати туфайли буюк аллома Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» (Подшоҳларга қўлланма) асари форс-тожик тилидан эркин таржима асосида 1997 йилда ўзбек тилига таржима қилинди. «Дастур ул-мулук» китоби келажакни ўйлаб иш юритадиган ҳар бир раҳбарга беминнат хизмат қиладиган маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи нурдир. Хожа Самандар Термизий ўзининг «Дастур ул-мулук» китобида улуғ, ибратли фикрларни келтириб ўтганлар: »Мозийдаги вазирлардан бири суҳбатдошига одамларнинг арзидан ниҳоятда дилтанг диққат бўлдим деб нолийди.

Суҳбатдош унга айтади: Эй вазир, эгингдан мартаба либосини еч, вазирлик мансабидан воз кеч, мен кафилман, сенга ҳеч ким озор бермайди, иккинчи бор бирон киши сенинг олдинга арзга келмайди. Чунончи айтадилар:

*Ким ўзини мансаб билан шод айлағай,
Эл келиб оллига арз-шод айлағай.
Мансабидан тушса гар қай кун киши,
Эл-улусининг тушмаган унга иши.*

Азизим, раҳбарлик, йўлбошчилик шундай одамга муносибки, у халқ бошини машаққат гирибонидан халос эта олсин ва ҳар бир киши, ҳамма одам у йўлбошчилик қилган шу устувор мумтоз замонда бошини роҳат болишига қўйиб фароғатда яшасин.

Байт:

*Агар сен ўйласанг ўз тинчу ҳузру роҳатинг фақат,
Диёрингда бирор кимса кўролмас ҳеч қачон роҳат.*

Азизим, сипоҳ шундай бўлиши керакки, у жуда тезкор, қахрли, илғор қўшинга ўхшаса, захар сочувчи шамширининг дами билан муҳолифининг жонига бўлса, душманининг дил хазинасидаги жон жавҳарини зудлик билан забт этмоқ учун ўткир найзасининг ялтироқ учини унинг кўсига санчса...

Байт:

*Анга майдондир насиб ким марди майдон бўлғуси,
Бил, жасорат бирла мулки шеру даррон бўлғуси.
Ким жўмард бўлғайки, ондин қочадир хавфу хатар,
Етти иқлим лаиқарига ул ҳукмронлиги этар».*

Раҳбар ўрни келганда жамоага, оилага, ўзидан юкори раҳбарларга, ҳуқуқ-тарғибот органларига ҳақиқатни айтмаслиги яхши эмас. Бу нарсa ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам таҳқирлаш демакдир. Бирок лаёқат ёки ҳуқуқи бўлмаганда ҳақиқатни айтмаган маъкул. Чунки вазият пишиб етиб, ўз маромига етишини кутиб тургани яхшидир. Бундай вазиятни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

*Агар қаддинг тик бўлса-да букилиши ҳам келади,
Аста юрсанг, қаттиқ юрсанг, қоқилиши ҳам келади.
Бургут бўлсанг, қанот ёйиб кетма одамдан йироқ,
Қайга учсанг, қайга қўнсанг йиқилиши ҳам келади.*

Рахбар берилган улуғ мартабанинг қадрига етиши, ташаббускор, тадбиркор, фазилатли бўлиши, кўпроқ ўрганиб, кўпроқ изланиши, кечиримли ҳамда самимий, камтарин, ҳар бир мулоҳазани жиддий ўйлаб хулоса қилиб, ҳукм чиқариши зарур. Шу ўринда рахбар улуғларни, буюк сиймоларни, давлат раҳбарларини, саркардаларни улуғликка етказган салоҳиятига, раҳбарлик санъатига, тадбиркорлигига, мулоҳазаларига кўпроқ эътибор бериши, улар билан руҳий, ҳаёлий жихатдан суҳбатлашиб турмоғи лозим. Шу ўринда улуғ давлат раҳбари Амир Темурнинг қўйидаги фикр-мулоҳазаларини мисол келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

«Бир куни отам Амир Тарағай менга деди: Мен айтадиган мана бу ўғитларни ёдингда тут. Биринчидан, билгилки, сен Темур Тарағайнинг ўғли: Тарағай – Амир Боргулнинг ўғли, Тўмонахон эса Ёфас ўғлоннинг авлоди эди. Ёфас эса, Нух пайғамбарнинг ўғли. Бизнинг аجدодларимиздан Қорачар нўён Аллоҳга тоат-ибодат қилди. У дунё ва охира-т тўғрисида фикр юритганидан кейин ислом ҳақлигига ишонди ва кариндошни таниди. У Аллоҳни, Расулуллоҳни ва чорёр халифаларни тан олди.

Иккинчидан, Темур, сенга васиятим шуки, ота-бобо-ларингдек, шариат бўйича иш тут, расулуллоҳнинг авлодларини ҳурмат-эҳтиром қил, сенга тобе халққа раҳмдил ва меҳрибон бўл.

Учинчидан, ёдингда бўлсинки, барчамиз ҳам Аллоҳнинг бандаларимиз. Унинг амри билан бу кўк остида юрибмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг сенга юборган неъматларига шукрона айт. Унинг марҳаматига шукр қилиб, номини доимо тилга олиб такрорла, унинг ягоналигига

этикод қил, амрига итоат эт ва ман этилган нарсаларга кўл ура кўрма.

Тўртинчидан, қариндош-уруғчиликни узма, бировга ёмонлик қилма, ҳар бир махлуққа раҳмдил бўл деган эди. Отамнинг бу доно насиҳатларини яхшилаб тинглаб олдим ва умр бўйи уларга амал қилишга қарор қилдим».

Амир Темур давлат ишларини бошқаришда, халқ билан мулоқот қилишда ҳамда раҳбарларни танлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берган:

«Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга кулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Насли-ю, зоти ёмон, ҳасадчи, гина-кек сакловчи, қора кўнгил кишиларга зинҳор вазирлик (лавозими) берилмасин. Бузук, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату, салтанат тез орада қулайди».

«Доно вазир шулдирки, ўз ўрнига қараб гоҳ қаттиққўллик билан, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар мулойимлик қилса, дунёталаб, тамагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга (бошқа) йўламайдилар».

«Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға каторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиатини, ҳар элнинг расми-одат, йўл-йўсинларидан вокиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари ва бузурглари билан ошно бўлдим ва уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳ, раият кайфиятини, турмушларини, хулқ-атворларини, булар ўртасидаги алоқаларни ёзиб менга билдириб туриш учун диёнатли воқеанавислар белгиладим. Борди-ю, нотўғри нарса ёзган бўлса, бундай воқеанависларни жазоладим. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм қилганини эшит-

сам, инсоф-адолат билан дарҳол унинг чорасини кўрдим».

«Мен сифатларимнинг энг аввалгиси деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўйдим».

«Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим. Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган қудрат буюк бўлади».

«Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».

«Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин».

«Яхшиликларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват эҳсон, иззату икром кўрсатдим».

«Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганида унутмадим, ҳақларини адо этдим».

«Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокрокда бўлишга интилдим».

Амир Темурнинг ушбу фазилатлари ҳар бир раҳбар учун асосий таълим-тарбия мактаби бўлиб, ўзининг инсонийлик хислатларини одоб-ақл билан бошқариши учун йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.

И. С. Тургенев

Раҳбар ўз миллатини ҳамда ўзга миллатларни ҳурмат қилиши, ҳар бир ходимининг урф-одатлари, анъаналари, маросимларини ўрганиши, унинг ижобий хислатларини қабул қилиши зарур. Раҳбар сифатида шу миллатнинг эътиқоди, урф-одатлари азалий ва абадий деб ундан мағрурланадиган, унинг учун жон фидо қиладиган, унинг ор-номуси, кадр-қимматини ҳимоя қиладиган чинакам инсонга айланиши зарур. Ўзбек халқининг илк аждодлари, ўзбек тили, маданиятининг туб илдизларига асос солган қавмлар, алломалар уларнинг моддий-маънавий маданиятимизга қўшган ҳиссасини илмий тафаккур орқали билиши талаб этилади. «Раҳбар, — деб ёзган эди Абу Наср Форобий, — келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилиши лозим ва фойда топса, турмуш тақозосига қараб уларни ўзгартиради ҳам. У ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишини ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда, ўтмиш талабларига риоя этиб, унинг кайфиятини сақлаб юраверса, турмушда ҳеч қандай енгилик, ўзгариш, ўсиш бўлмайди».

Ўзбек элати, миллатининг фахри бўлган аждодларимиз асос солган маданият, санъат намуналари, илк шаҳарлар, давлатлар ҳақида умумий билимни олиши, уни ҳамиша ўрганиб, баҳс-мулоҳазалар юритиши керак. Айниқса, китоб билан кенг мулоҳаза қилиб, буюк сиймолар, алломалар, мукаддас жойлар, миллий қаҳрамонлар, давлат асосчилари, саркардалар, олим-зиёлилар, ёзувчи-шоирлар, бахшилар, диний раҳнамолар ҳақидаги фикр-билимларга эга бўлиш раҳбарларнинг ақл-тафаккурини кенгайтиради.

Туркийлар таркибига кирган ўзбек миллатининг улуғ халқ эканлигини асословчи фикрларни ўқиб, ўрганиб, уларни жамоа йиғилишларида, янги ходимни ишга олишда, мансаб пиллапояларига кўтарилаётганда, ёшлар билан учрашув ташкил этганда изохлаши, ўринли баён этиши раҳбарнинг обрў-эътиборини ошириб, у билан фикрлашадиганлар ўйлаб фикрлайди. Бизнинг раҳбар анча саводли, ўқимишли, кўп нарсани билади, деб унга

алоҳида эътибор билан қарайдилар. Қайд этилган фикрларни изоҳлаганда раҳбар куйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. «Аждодларимиз кимлар? Ўзбек халқи қачон пайдо бўлган? Миллатимиз қачон ва қайси ҳудудларда шаклланган? Миллий давлатчилигимиз асослари нималардан иборат? Уларга кимлар ва қачон асос солган? Ўзи биз ўзбеклар қандай халқмиз? Асосан туркий қон жўш ураётган томирларимизда яна қайси қавмларнинг қони ҳам қўшилиб оқмоқда?» деган саволларга жавоб топиш учун кўплаб манбаларни ўрганиши талаб этилади. Шунингдек, дунёда машҳур ёзувчи ва шоир Чингиз Айматовнинг 1964 йил «Пахтанинг оидин йўли» мақоласида келтирилган фикрига раҳбар ходимлар алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ: «Қадим Греция Оврўпада цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган».

Хожа Самандар Термизий «Дастур ул-мулук» китобида раҳбарларга нисбатан яна қуйидаги насиҳатларни тақдим этган:

«Азизим, мамлакат ҳокими, туман, вилоятларининг ҳимоячилари тинчлик, эзгуликни барқарор этиш йўлида, оғир аҳволга тушиб қолганларида ҳам, бошқаларда бўлганидек, фақат гумонга асосланиб, одамларнинг арзимас гуноҳи учун офат, мусибат дарасига ташлаб қўймасликлари керак. Бинобарин, айтдиларки: байт.

Андак гумон учун одамни қилма ботил,

Оқибатда пушаймон бўлмагил ою йил.

Шубҳанг аён бўлгач, тўзғиб, чун топса барҳам,

Пушаймон бўлишининг нафи йўқдир, англа, бил.

Ҳазрати Хожа Самандар Термизий қайд этган доно фикрлар ҳар бир раҳбарга хос, уни нодонликдан, шафқатсизликдан, миллатпарастликдан, гумон қилиб, имондан айрилишдан, оилавий можаролардан, мол-мулкни та-

лон-торож қилишдан ва бошқалардан сақлайдиган ҳикматлар ва йўл-йўриқлардир. Шунинг учун мансабга эришган раҳбар мисолидаги изох:

Қанча доно бўлсанг ҳамки, азиз бошинг қариндошинг,

Ёмон кунда ҳолинг сўрмас бир йўлдошинг.

Гар қўлингга давлат қуши келиб қўнса,

Борган жойдан мингта чиқар қариндошинг.

Тафаккур ривожига ҳисса қўшган, машҳур файласуф Фридрих Гегель келажакка умиди бор инсонга, раҳбарга зарур бўлган бир ҳикматни баён этади: «Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам оқилона қарайди». Дунёни билиш учун кўпроқ ўқиш, ўрганиш, ҳаётнинг аччиқ-чучук неъматларини фарқлай билиши, бирон-бир воқеа-ҳодисани, топширилган ишни охиригача етмасдан мулоҳаза қилмаслиги, бирон-бир ходимини ноҳақ айбламаслиги, қилган хато-камчиликларини ҳолисона баҳолаб, шунга яраша адолатли ҳукм чиқариши зарур. Акс ҳолда машҳур файласуф Стендаль башорат қилганидай: «Сабр-тоқат ҳамда ғазабни жиловлай олиш қобилиятидан маҳрум кишини раҳбар деб бўлмайди».

Раҳбар миллий маданиятни тушуниб, моҳиятини билимоқ учун билимга мунтазам эътибор бериши, билмаганини сўраб, ҳар доим ёрдамга муҳтож эканлигини ҳис этиши лозим. Раҳбарлик санъати ҳақидаги шарқона одоб-ахлоққа оид ҳаётий воқеа-ҳодисаларга эътибор бериш учун раҳбарлик услубини чуқур ўрганиш керак. Чунки раҳбарлик услуби уни чархлайди, бало-қазолардан сақлайди, ҳар қандай тўсиқлардан ўтиш учун кўприк вазифасини ўтайди. Юртбошимиз И. Каримов таъкидлаганидек: Эскилик осонликча жон бермоқчи эмас. Янгилик эса жой қидиришга, жой топишга маҳкум, унинг учун ўзга йўл йўқ. Устига устак, ҳамма ҳам раҳбар бўлиб туғилмайди. Раҳбарлик илоҳий фазилат. Қолаверса, у тинимсиз изланиш, билим ва тажрибанинг маҳсулидир. Халқимизда «молнинг оласи

сиртида, одамнинг оласи ичида» деган нақл бор. Раҳбар пок бўлиши керак. Раҳбар назардан четда қолмайди. Раҳбарнинг қўли эгри бўлса, тили ҳам қисик бўлади. Раҳбар халқдан ажраб қолмаслиги керак!».

Нима учун раҳбарлик лавозимига ўтирган инсон бир-икки йил, борингки, уч йилдан ўтмай эгаллаган лавозимидан бўшатилади. Бўшатилиши бошқа-ю, у бир умр ҳеч кимга керак эмас, ташландиқ, саводсиз, қобилятсиз, тажрибасиз одамга айланиб, жамият ва раҳбарлар назаридан четда қолади. Унинг тажрибасидан, меҳнат малакасидан, одоб-ахлоқидан, илмидан фойдаланиш табиий тўхтайтиди. Натижада яроқсиз, ногирон инсонга айланиб, жамиятдан, одамлардан норози бўлиб, ақл ва меҳнат қобилятини йўқотади. Стендаль таъкидлаганидек: «Дунёда икки бахтсизлик бор: эҳтироснинг қондирилмай қолиши ва ҳаддан ортиқ ғам-андуҳ чекиш» натижасида лавозимдан бўшаган раҳбар аста-секинлик билан изтироб сари қадам ташлайди. Бунинг олдини олишнинг ягона йўли раҳбарлик услубини чуқур ўрганувчи ҳаётий фанни кенгрок ўрганиш, ўргатиш, ёш раҳбарлар услубий мактабини шакллантириш зарур. Чунки ёш, янги раҳбарни ҳимоя қилиш давлат, жамият ва миллатнинг бурчидир. Раҳбар тушунмаётган нарсаларни, бажаришни эплай олмаётган ҳолатларни, касб-даражасига етмай қолган билимларни, маънавий кадриятларни тушунтирадиган, унинг камчиликларини, ҳатолари моҳиятини очиқ берадиган раҳбарлик тарбия мактаби зарурдир. Раҳбарни тез қўйиб, тез алмаштириш, энди раҳбарликка мослашаётган одамни мансабидан олиб ташлаш ёки тажрибали, билимдон раҳбарни ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа иш, воқеа-ҳодиса учун жазолаб, эгаллаб турган лавозимидан маҳрум этишдан жамият ва давлат манфаат топмайди.

Ҳазрати Хожа Самандар Термизий «Дастур ул-мулук» китобида жуда мазмунли бир фикрни келтириб ўтади: «Азизим, кишининг ақли, одоби, заковати, унинг лаёқати ва қобилятининг мезонидир. Кимнинг ақли равшан,

фикрлаш қобилияти юксак бўлса, у энг паст лавозимдан энг юқори шарафли мансаб супачасига кўтарилади.

Байт:

Мулозим оқил бўлса, бўлмаса гўл,

Каманд ташлаб фалакларга солур йўл.

Албатта, орзу-умид билан пастдан баландга интилиб келаётган ёш, янги раҳбарларни тарбиялаш катта масъулиятни талаб этиб, давлат ва жамиятнинг асосий бурчидир.

Раҳбарнинг ақл-фаросати унинг ҳар бир инсоннинг фикрини дилдан эшитиб, самимият, қалби очиклик, камтарлик, энг асосийси каттиққўллик, холислик билан ҳар бир нарсага танқидий баҳо бериш билан баҳоланади. Агар раҳбар ғазабли, худбин, калтафаҳм, ўзбилармон, бошқаларни менсимайдиган, ўзига ортиқча баҳо берадиган, якка ҳукмронга айланса, у узоққа бормайди. Ушбу масалани Юртбошимиз И. Каримов қуйидагича танқидий баҳолаган эди: «Агарда раҳбар семириб, гўддайиб юрадиган бўлса, унда халқнинг ишончини ким оқлайди».

Бу масалада улуғ алломаларимиз яратган ҳадисни қиёслаш ва таққослаш ҳаётий масаладир. Ғазаб – кишининг ўзига душмандир. Ғазаб келганда ақл-идрок чекинади, инсон ўзини бошқара олмай қолади; «огоҳ бўлингки, ғазаб бамисоли инсон ичида ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади». Натижада халқни, жамоа аъзоларининг кайфиятини ва руҳиятини туширишдан олдин раҳбарнинг ўзи бош оғриқ, юрак хасталиги, ҳар бир нарсага гумон билан қарайдиган олазарак одамга айланиб, телбанома бўлиб қолади.

Бундай оғир вазиятнинг изоҳий жавобини яна ҳадис илмидан олиб қуйидагича қайд этиш мумкин: «Огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Уларнинг ёмони эса ғазаби тез келиб,

аслига секин қайтадиганидир. Ғазаби секин келиб, секин кетса ёки тез келиб, тез кетса бу ҳам дуруст». Раҳбарга берилган бу олижаноб тафаккур жавоби ҳеч қандай муҳокамани талаб қилмайди. Демак, ғазабкор раҳбар доимо инсонлар диққатида, жамоа назоратида бўлиб, уни кўрганда ўзларини четга олиб, узоқроқ бўлишга ҳаракат қилиб, иложи бўлса раҳбарига яқин келишга юраги бетламайди. Аниқроғи жамоа ундан кутулиш йўлини излайди ва турли воситалардан фойдаланади ҳамда гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетади. Машҳур аллома Фаридиддин Аттор (1145–1221) изоҳлаганидек, «ким биров дилини ситамлар тилда, у ўз вужудини ярадор қилди».

Раҳбар давлат, жамият, халкнинг олдида вақти-вақти билан доимо ҳисоб бериб туришини унутмаслиги керак. Агар берилган вақт, имкониятдан тўғри фойдаланиб, бутун куч маҳоратини, жасоратини, илми-меҳнатини, тафаккур чархини кўрсата олмаса, кузатувчи диққати ундан воз кечади. Шунинг учун ҳам алоҳида қиёсий изоҳланади: «Дунёда кўзга кўринмас, ғоят сирли, бебаҳо нарса борки, у ҳам бўлса вақтдир». Кўплаб раҳбарлар вақтнинг ўзини, у қандай тушунча, унинг ўлчови ҳамда салоҳияти масъулияти нима деган ақлий тафаккурни тўғри тушуна олмаганлиги учун ҳам изоҳ бера олмайдилар. Вақтини тўғри бошқара олмай асоссиз, муҳим бўлмаган нарсалар билан шуғулланиб, унга берилган буюк раҳбарлик салтанатини бош мақсадга йўналтира олмайди. Ҳар бир нарсани кўз билан кўришга ҳаракат қилади-ю, шуни қайси вақтда қандай усулда, қандай йўл, билим билан бажариши керак деган масъулиятни англаб етмайди. Шунинг учун буюк мутафаккир, аллома Умар Ҳайём (1048–1137) куйидаги мисрани вақт деган улуғ тушунчага бағишлаганлар:

*Ким дунёни севиб, ўлтирар беғам.
Ўйлаган муҳлатни бермас бу олам,
Айт, чодир қурмасин, йигдирар тезда
Юкин ечмай, етар боғламоққа дам.*

Раҳбар ўзининг ҳаракатлари ичида энг хушёр тортадиган нарсаси мол-мулкка бўлган эҳтиросидир. Чунки инсоният пайдо бўлибдики, мол-мулк ташвишида яшаб, бутун умрини, ақл-заковатини, борлигини мол-мулк ҳавасига боғлайди. Мол-мулк масаласида одамлар бир-бирлари билан дўст-биродар, меҳрибон-иноқ ва ўз навбатида душман, нафрат, ҳийла-найранг, очкўзлик, ғийбат-маккорлик йўлларини ўйлаб топдилар. Шу икки тушунча туфайли инсоният пайдо бўлганидан буён баҳс-мунозара, уруш-жанжал, қотиллик, зўравонлик туфайли инсон умри қисқариб, инсоният сони озайиб-кўпайиб туради. Айниқса, раҳбарлар аллоҳ берган обрў-эътибор, мартабани, лавозим, амал ва вазифаларни мол-мулк йўлида йўққа чиқариб, ҳалокатга олиб борадилар. Гўёки давлат, халқ мулкани ўзининг шахсий мулки деб тушуниб, минг хил гирдоб, қабихлик, талон-торожлик йўлига ўтиб оладилар. Энг даҳшатлиси раҳбар маънавияти мол-дунё тўплаш учун унга хирс кўйиш кулгилidir. Чунки бундай хирс ҳар томонлама камол топган инсон аъмолига зид эканлигини тушуниб олмағи керак. Раҳбар киши ҳақиқий бойлик мол-дунёнинг кўплиги эмас, балки нафснинг тўқлиги эканлигини англаб етгандагина узоқ яшайди ҳамда лавозим мансабига маҳкам жойлашади. Эгаллаган лавозимидан фойдаланиб, ҳар жойга бош суқиб, манфаат изламайди. Бахт куши қўнган вазифа имон-этиқоддан фойдаланиб, тўғри келган жойдан уй-жой қуриб, халқ манфаатига фойдаси тегиб турган одамларнинг мол-мулкани тортиб олиб, ўзи ёки яқин қариндошига олиб бермайди. Чунки бунинг оқибатида мансабдан воз кечиб, келган жойига кетишга мажбур бўлгач, қурилган уй-жой, бошқа бино, дўконлар эгасиз қолиб, халқнинг у тўғрисидаги фикри нафратлироқ бўлади. Кейинроқ мол-мулкдан воз кечиб, уни сотиш йўлига ўтиб, ҳолдан тояди ёки қурилган уй-жой ташландик «бой-қуш» хонага айланади.

Сендан ҳам ўтар бу бойлик,
Мендан ҳам кетар бу йўқлик.

Халқ мақоли

Шунинг учун ўйламай мол-мулк орттириш оқибатида лавозимидан бўшаган одамлар ҳақида турли хил ривоятлар пайдо бўлади. Масалан, «очкўз одам доим маҳрум, дунёпараст эса ғамгиндир», «дунё матосига бўлган қулликдан озод кишигина ҳақиқий хур, озод кишидир», «катта бойлик ва қашшоқлик, иккаласи ҳам балодир». Натижада мол-дунёга ўч раҳбар давлат ва жамоа мулкани ўғирлаб, ўзлаштириб, ўз халқини оғир иқтисодий аҳволга солиб, унинг ғазабига, нафратига учрайди. Миллионлаб пулларни ўзлаштириб, талон-тарож қилиб бўлгач, давлат, халқ олдида қонуний жавоб бериб, бор-будидан ажралади. Энг ёмони обрў-эътиборидан ташқари оилани, фарзандларни, қариндош-уруғларни жаҳаннам ёқасига олиб келади. Афсуски, бундай раҳбарлар оз эмас, уларнинг нафси тўқ эмаслиги, назари пастлиги, маънавий қашшоқлиги, ўйламай фикр қилиши, кимнингдир гап-сўзига ишониши, оила аъзоларининг очкўзлиги, энг ёмони берилган вазифанинг моҳиятига тушунмаслиги, иқтисодий ва ҳуқуқий билим ҳамда бошқарувни назорат қила олмаганлигининг оқибатидир. Чунки раҳбарлар қаноатли бўлиши кераклигини, берилган мансабнинг ўзига қаноат қилса, уни боқиши мумкинлигини тушуниб етишлари учун ҳадис илмида улуғ салтанат эгаларига тафаккур фикрлари келтирилганки, уни раҳбар ҳар куни ўқиши, ўрганиши керак. «Аллоҳ таоло тақсимлаб берган нарсаларига рози бўлинг, шукр қилинг, шунда кишиларнинг бойроғи бўласиз». Ризқ-насиба Аллоҳ томонидан берилишининг моҳиятига ҳам тушуниб етиши, агар соф, қўп, чин кўнгилдан, тоза, покиза меҳнат қилса, унга ризқ-насиба турли хил йўл ва кўринишда келаверади. Ушбу меҳнатининг асосида софлик, кимнингдир меҳнатини осонлаштиргани учун айтилган ташаккур, деҳқон, ҳунарманд, чорвадор, зиёлига қилин-

ган тоза кўнгилли муносабат раҳбарни маънавий бойликка етаклайди. «Ҳадис» илмида бу хусусида сўз юритиб, «кимки Аллоҳдан сўрамаса ҳам унга мол-дунё ато қилинса, уни олаверсин. Зеро, бу Аллоҳнинг унга етказган ризку насибасидир». Ёки яна бир ҳадисдан: «Аллоҳ таоло сенга молу-давлат берган бўлса, у кўриниб турсин, чунки у ўзининг берган неъматини бандасида чиройли бўлиб кўриниб туришини яхши кўради, фақирликни ва ўзини фақир кўрсатишни ёмон кўради».

Раҳбарни улуғликка етказадиган, унга берилган тухфадан рози бўладиган, Аллоҳга шукроналар айтиб насли-насабига буюклик мансабини берганлигидан чексиз рози бўлган ота-онага муносабат энг муҳим ҳаракатлардан биридир. Раҳбарни Аллоҳ қудрати билан яратиб, пайдо қилиб, эмизиб, парвариш қилиб, қорнини тўйдириб, кийинтириб, исм қўйиб, суннат қилиб, қулоғига сирға (қизни) тақиб, эркалаб, ўқитиб, илмли мутахассис қилиб, уйлантириб, турмушга бериб, уй-жой қилиб берган ота-она тинмай фарзандини келажакда бахтли, улуғ мансаб эгаси бўлишини илтижо қилиб Аллоҳдан сўрайди. Фарзанди раҳбарлик мансаби либосини кийганини эшитиб, ота-онанинг боши осмонга етиб, одамлар орасида ўзларини мағрур тутиб, салобатли инсонлар каторига қўшилиб, яратганга шукроналар айтиб, фарзандини ўз паноҳига олишни сўрайди. Раҳбар салоҳиятли, маҳобатли, ақлидроки кенг, виждонли, қалби пок бўлса, дастлаб ишни ота-она дуосини олиб бошлайди, агар вафот этган бўлсалар, руҳларига дуо қилиб, Аллоҳ иноятига шукроналар айтиб, қалбини раҳбарлик мансабини ақл-фаросат, диёнат ўлчови билан бошлайди. Шунинг учун улуғ башорат яратилганки, «кимки ота-онанинг розилигини олган бўлса, Аллоҳ унинг умрини узайтиради», «кимки ота-онасига яхшилик қилиб, уларнинг розиликларини топса, унинг улушини Аллоҳ зиёда, ризқини кенг қилур». Ана сизга мукофот ҳурматли раҳбар, улуғ ҳикмат доимо ёдингизда бўлсин. Буюк аллома, шеърят султонининг вакили шайх Саъдий Шерозий қуйидаги фикрни баён айлади:

*Ҳарна қилсанг ота-онангга яхшилик,
Қайтар болангдан яхшиликка яхшилик.*

Раҳбар маънавиятида халкимизнинг буюк ҳикмати доимо ўрин олмоғи зарур. Ҳар ким экканини олур, арпа эккан арпа олур, буғдой эккан буғдой олур, ерга арпа экиб, буғдой кутма! Мансабга, маишатга, бойликка берилиб, ота-онани унутиш, албатта эртага раҳбарликдан воз кечишга, уни унутишга мажбур этади. Чунки уни ҳақ эгамиз Аллоҳ кўриб турибди, шунинг учун ҳам тафаккур эгалари қайд этиб башорат қиладиларки: «Энг катта оғир гуноҳлар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, инсон қонини ноҳақ тўкиш ва ёлғон гувоҳ беришлиқдир», «ота-онага яхшиликлар қилиб, яхши муомалада бўлиб, уларни мамнун этган кишининг умри баракали, узун бўлади. Аксинча, уларни ранжитиб, хафа қилган кимсанинг умри қисқа бўлади», «ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хизматларида бўлиш, номоз, рўза, ҳаж ва жиҳоддан ҳам савоблироқдир». Бу улуғ ҳикматлар раҳбар ходимнинг хонасига шиор қилиб ёзиб қўйилиши, ҳар бир дақиқада мансаб эгалари унга кўзи тушиб туриши мақсадга мувофиқдир. Раҳбарнинг ота-онасидан хабар олиши, халқдан хабар олиши, унинг назарига тушишидир. Чунки ота-она раҳбар фарзанди тўғрисидаги халқ ичидаги миш-мишлардан, турли хил гап-сўзлардан огоҳ бўлиб туради, унинг камчиликларини, нотўғри ҳаракатларини, ортиқча дабдабабозликка берилганлигини, халқ назаридан қолган ёки назарга тушмаган ёмон одамлар билан мулоқот қилаётганлигини, бойлик ва мансабга нотўғри тушунчага бораётганлигини чин дилдан айта олади. Раҳбарга ўғит, насиҳат ва танбеҳ бера оладиган куч бу ота-онадир, чунки улуғлар бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидаги улуғ ҳикматни келтирадilar: «отага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишдир. Унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир», «Аллоҳнинг розилиги ота-она розилигидадир ва Аллоҳнинг ғазаби уларнинг ғазабидадир». Ота-она тириклигида унинг кадрига етиш, ундан дуо олиш, хизматини

қилиб, қўлига сув куйиб, маслаҳатларига кулоқ тутишдан буюкрок нарса бу оламда бўлмаса керак.

«Халқ ҳикматлари – турмуш онасининг дард чекиб, туккан тўнғич ўғли».

А. Қодирий

Раҳбарни маънавий улуғликка етказувчи фазилат уни беъмани, маъносиз ғийбатдан узоқ бўлиши, унинг макр-ҳийласига учмаслиги, ғийбат туфайли айбсиз, фозил-комил инсонларга зарар етказмаслигидир. Чунки раҳбар олди-қочди, хосиятсиз гапларга ишониши, ҳар бир гапнинг моҳиятига, маъносига тушунмай фикр билдириши унинг жаҳолатга юз тутганлигидан далолат беради. Натижада жамоада ишончсизлик, фиску-фасод кучайиб, раҳбар беобрў ҳолатга тушиб, ғийбат туфайли гуруҳлар ўртасида ўзаро очик, яширин тарзда кураш пайдо бўлиб, бу раҳбарнинг ҳокимиятни топширишга мажбур этади. Ғийбатдан ўзини четга олиш, ҳар бир нарсани зимдан кузатиб хулоса қилиш, айниқса чин кўнгилдан ишлайдиган, касбга содиқ, ҳалол, пок инсонларга нисбатан ишлатиладиган гумон сўзларнинг моҳиятига эътибор бериб, уларни ҳимоя қилиш раҳбарга факат омад, бахт келтиради. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С. А. В) айтдиларки: «ғийбатдан тийилинг, ғийбат ҳақиқатан ҳам жуда ёмондир. Зеро, киши зино қилса, сўнгра тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилиши мумкин. Ҳолбуки, ғийбат қилинган киши ғийбат қилган кишини кечирмагунча Аллоҳ ҳам уни асло кечирмайди».

Ғийбат туфайли раҳбар кўп пок одамларга, унинг оила аъзоларига, ўсиб келаётган ёш мутахассисларга, диёнатли, тадбиркор, ишбилармон кишиларга зиён-заҳмат етказиши мумкин. Бунинг оқибатига алоҳида ахлокий баҳо берган Ҳомид Ғаззолий (1058 – 1111) ўзининг «Мукошафат ул-қулуб» асарида «бир марта қилинган ғийбатнинг гуноҳи юз марта қилинган гуноҳдан ёмонроқдир», деб фикр билдирган эди.

Тухмат тош ёради, тош ёрмаса – бош ёради.

Халқ мақоли

Раҳбар бир айтилган сўзни ким, нима мақсадда айтаётганини фаҳмлаши, ундан огоҳ ва эҳтиёт бўлишни, чора-тадбирлар ўйлаб йўл топишни англаб етиши керак. Ўзи ҳам сўзини ўйлаб тўлиқ хулоса қилиб, фикр билдириши, акс ҳолда ғийбатчининг тузоғига илиниб, бир умрга бадном бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслиги керак. Буюк мутафаккир Жон Локк ушбу масалага алоҳида урғу бериб: «Ҳасад ўзимиз истаган эзгуликка ўзгаларнинг эришгани туфайли юзага келадиган руҳий безовталиқ» эканлигини унутмасликни таъкидлайди. У сўзида давом этиб шундай дейди: «Ёмон тарбия кўрган раҳбар одамдаги жасорат – дағалликка, билимдонлик – майдакашликка, заковат – масхарабозликка, очиккўнгиллик, мунофиқликка айланади». Раҳбар ҳасад ўтида ёниши давлатни, жамоани, корхонани, ташкилотни ҳалокатга олиб келади, ғийбат гирдоби ўпқонига тушиб, йўқ бўлиб кетади. Аллоҳ расули буюрдилар: Ким бир мусулмонни ёмонлик қилиш мақсадида унга қарши ноҳақ гап таркатса, Аллоҳ шу қилмишига яраша қиёмат куни дўзахга отади.

Раҳбар маънавияти ҳар бир инсон учун зарур, чунки раҳбарлик оиладан тортиб, давлат раҳбаригача умумий маънода ишлатиладиган, лекин ҳар доим синов тарикасида қўлланиладиган тушунчадир.

Раҳбарлар ўз зиммасидаги вазифасини самарали бажариш, одамларни қийнаётган ўтқир муаммоларни чуқур ўрганиб, ечимини топиш, ўз ишига танқидий қараш ўрнига эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб, боши айланиб, беғамликка берилиб кетишини ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолат деб баҳолаш зарур.

Раҳбар дегани кузатувчи эмас, авваламбор, барча ишларга бош-қош бўладиган, масъулият ва жавобгарликни ўзига оладиган, оғир пайтда бошқаларга намуна бўладиган ташкилотчи, керак бўлса, одамларни ўз ортидан эр-

гаштиришга қодир, куч-қудрат ва иродаси бақувват инсон бўлиши шарт.

Саҳобалардан Абу Ад-Дардо Уваймир шундай дейди: «Эй инсонлар, сиз одамларни яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтаринг. Йўқса, Аллоҳ золим бир ҳукмдорни бошингизга бало қилиб юборади. Бу золим на катталарингизни ҳурмат қилади, на кичикларингизга марҳамат кўрсатади!... Орангизда қолган яхши одамларингиз дуо қиладилар, аммо дуолар қабул бўлмайди. Аллоҳдан нажот тилайдилар, аммо нажот келмайди. Афв сўрайдилар, аммо афв қилинмайдилар».

Расулulloҳ: «гарчи сизларга боши майиздек коп қора кул бошлиқ қилиб тайинланса ҳам, унга кулоқ солиб, итоат этингиз!» деганлар. (Ҳадис)

Раҳбарларга хос ҳаёт китоби улуғ инсонларнинг босиб ўтган машаққатли ва фидойи йўлидир. Шундай фозил инсонлардан бири, таниқли ижодкор, халқимизнинг сеvimли фарзанди Озод Шарафиддинов (1929 – 2005) мустақиллик йилларида бутун калби билан ижод қилиб, ўзининг инсонпарвар, адолатпарвар фикрлари билан халқимизнинг орзу-умидларини ижодий таҳлил этди. Оғир хасталикка чалинган кезларидаги ижоди шижоати тарихда кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Бутун ижодининг учдан икки қисми айнан шу даврга тўғри келади. Яна бир эътиборли жиҳати – дард билан олишувлар асносида қоғозга тушган битиклар ҳаётга, эл-юртга, адабиётга чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилганлигидир. Устоз ижодий фаолият ва меросининг ҳар бир қирраси алоҳида олам: фаолият соҳаларининг ҳар бирида бу зот, чунончи, бир етук муаллим ёхуд бир етук публицист, таржимон, муҳаррир умр давомида эришиши мумкин бўлган мақомларга кўтарила олди. Айниқса, унинг адабий танқид соҳасидаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор, унинг ўзи ўзига ҳамда атрофдаги шогирдларига синчков, одилona бўлишни шиор қилган эди. Озод Шарафиддинов ўзи ва атрофидаги раҳбарларга дабдабали номлар билан битилган жимжи-

мадор ташбеҳлар билан тўлиб тошган мағзи пуч асарларнинг асли башарасини очиб кўрсата олган. Энг муҳими бутун фаолияти мобайнида бу улуғ олим бирорта ҳам чин истейдод билан битилган асл асарни танқид остига олган эмас. Озод Шарафиддинов табаррук сиймосида озод мамлакатнинг чин фарзанди, қаҳрамони сифатида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Унинг миллат, миллий маънавиятимиз, адабиётимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланди.

Раҳбар экологик билимга ҳам эга бўлиши зарур. Раҳбар табиатни севучи, уни асровчи, боғ-бўстонга бурковчи ташаббускор бўлиши, бу соҳада ўзи ибрат кўрсатувчи, экологик тарбияни тарғиб этувчи, ходимларга, ўз оиласига унинг ижобий ҳамда салбий хусусиятларини баён қилувчи, энг муҳими аجدодларимизнинг бир туп экилган дарахт ҳақидаги тафаккурини ёш раҳбарларга тушунтирувчи бўлиши зарур. Ушбу масалада Имом Исо Термизий (824 – 892) томонидан қайд этилган «қайси бир мусулмон киши бир дарахт ўтқазса ёки экин экса-ю, ундан инсонми, қушми ёхуд ҳайвонми еса, у кишига садақа бўлиб ёзилаверади» деган ҳадисга амал қилиш шарт.

Ҳар бир раҳбар оиласи экологик тарбия билан мукамал танишиши, табиатда инсон энг кучли, ақл-заковат билан борлиқни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилувчи куч эканлигини тушуниши керак. Зеро, раҳбар табиат мувозанатини тўғри тушунмаслиги, аниқроғи, бу муҳим масалага совуққонлик билан қараши натижасида ўзи яшаб турган муҳит табиий ҳолатининг бузилишига сабабчи бўлади. Раҳбар экология билимига эга бўлган ҳолда жамоага ва оиласига табиатдаги мавжуд манбаларни сақлаш, кўпайтириш, эъзозлашни ўргатиши зарур.

Шунингдек, табиий офатлар билан курашишни, меҳнат қилишни, табиатни муттасил ўрганишни, улуғ бобомиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «ундан тарбият олиш туфайли» инсон азиз, мукаррам, қудратли бўлиши-

ни раҳбар мукаммал тушуниши зарур. Раҳбарда экологик тафаккур онгли тарзда шаклланган бўлиб, экологик тарбия инсон маънавиятининг асоси эканлигини тушуниб етмоғи керак. Аслида бизнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз экологик тарбиянинг бешиги ҳисобланган. Қадимдан турмуш тарзимиздаги бир туп ниҳол экиш катта савоб, ҳайвонот оламига шафқатли бўлиш, ҳатто чумолига озор бермаслик, ҳовуз, ариқдаги сувни тоза сақлаш каби урф-одатларимиз замирида борлиқни асраш фалсафаси мужассам эканлигини раҳбар сезиши керак. Энг муҳими раҳбар ўзи ва ўз атрофидаги кишиларга экологик тарбиянинг асоси бўлган «сувни ифлос қилма, увол бўлади» деган ғояга асосланиши, ҳайвонларга, ўсимликларга меҳр-шафқатли бўлиш, сувни соф сақлаш ҳақида ўз ходимларига, оиласи ва фарзандларига ибрат бўлиши керак.

«Ҳар куни ақалли битта кўшиқни эшитиб, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олмоқ даркор».

И. Гёте

Раҳбар санъатни севиши керак. Раҳбар мамлакатимизда маданиятни равожлантиришга, жамоасида маънавий муҳитни янада юксалиши учун санъатни кенгрок тарғиб этиши ва мусиқий билимни ҳурмат қилиши, қўлидан келса, мусиқий билимни бойитиши, ходимларига жаҳон мусиқа санъатининг дурдона асарларини чуқур ўрганишга имконият яратиши, мумтоз куйларга, меҳр ва садоқат руҳида айтиладиган кўшиқларга тарбия нуқтаи назаридан эътибор бериши алоҳида аҳамиятга эга. Раҳбар ўз жамоасидаги ёшлар орасида мусиқа илми ва санъатига бўлган қизиқишини кучайтириши, истеъдодли йигит-қизларни муносиб рағбатлантириши, кўрик-танловлар ташкил этишга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ. Мам-

лакатимизда ўтказилаётган халқаро симфоник мусика фестивали, «Бойсун баҳори», «Куз наволари», «Давр савдолари», «Илҳом XX» замонавий камера мусика фестивалларига ўз ходимларининг иштирок этишига имконият бериши зарур. Раҳбар мушоҳадасида кўнгил мулки саналмиш куй-навонинг нечоғлик сеҳрли кучга, юксак кудратга эга эканлиги асосланмоғи керак. Ахир, юракдан ўтказиб, қалбан ҳис этиб яратилган, кўнгилдаги самимий туйғулар ифодаси ўларок вужудга келган куй ва оҳанг қалбининг туб-тубига етиб боришини тушуниши керак.

«Гўзаллик – ҳақиқий бахт-саодат ва расмана қаҳрамонлик бўлиб, у баландпарвоз сўзларга мухтож эмас».

В. Раабе

Раҳбар кўнглининг бу таҳлиди, мусаффо ҳисларидан баҳрамандлиги, чин инсоний туйғуларга ошuftа бўлмоғи унинг эзгуликка юз тутмоғига йўл очсин. Зеро, санъат ва мусикага ошна раҳбар ҳамиша яхшиликлар соҳиби бўлишини ҳаётнинг ўзи исботлаган.

Раҳбар ижтимоий ҳимоянинг моҳиятини мукаммал билмоғи лозим. Раҳбар ўз жамоасидаги вояга етмаганлар тарбиясига эътибор бериши, энг аввало ҳуқуқбузарлик, ақидапарастлик ва жиноятчилик сингари иллатлар йўлига тўсиқ қўйиши лозим. Шуни инобатга олган ҳолда раҳбар бу борада аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, уни жамоага татбиқ этишга ўзи раҳбарлик қилмоғи керак. Жамоада ёшларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича масъулликни ўз зиммасига олиши, балоғатга етмаган ходимларнинг ота-онаси билан мунтазам алоқада бўлиши жамоада кексайиб, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳурматли кишилар билан турли учрашувлар ташкил этиши алоҳида аҳамиятга эга. Жамоа назоратидан четда қолган ўсмирларнинг тарбияси бузилишининг олдини олишга раҳбар чин кўнгилдан киришиши, ёшларга ҳалоллик, эзгулик, меҳнатсеварлик ҳислатларини сингдириши муҳим аҳамиятга эга.

*Кишига неча келса мушкул хол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.*

Алишер Навоий

Раҳбар жиноятнинг оқибатини тушуниб етмоғи лозим. Қаноат, эзгулик, диёнат каби азалий тушунчалар инсоний фазилатларнинг энг сараси ҳисобланади. Ҳаётда ана шундай фазилатга эга инсонлар, у ким ва қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, кўп бўлса, баднафслик, олғирлик, разолат каби салбий иллатлар барҳам топади. Курмаксиз гуруч бўлмагани каби диёнатни, қаноатни ўзига шиор деб билган, эл-юрт ташвиши йўлида яшаётган кишилар билан бир қаторда, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормай, ўз манфаати йўлида ҳар қандай кинғир ишларга қўл уриб кетадиган раҳбарлар ҳам орамизда учраб туради. Бундай раҳбарлар Жиноят Кодексининг мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказиш, мансабга совуққонлик билан қараш, мансаб сохтакорлиги, ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ва талон-тарож қилиш билан шуғулланиб, бошларига кўп кулфат келтиради.

Мустақиллик йилларида баъзи раҳбарларнинг давлат мулкни талон-тарож қилиши, қўшиб ёзиш ҳолатлари, пахта ва пахта маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда сотиш, жамиятга тегишли мулкларни талон-тарож қилиш каби ҳолатлар ҳуқуқ органлари томонидан ошкор этилиб, талон-тарожлик, сохтакорлик, олғирлик, кўзбўямачилик каби иллатлари фош этилди. Раҳбар ўзига берилган ишончни унутиб, давлат ва жамият манфаатларига виждонсизларча муносабатда бўлиши, елкасидаги масъулиятни унутиб қўйгани, ўз нафсининг асирига айланиб қолиши оқибатида эл, оила олдида обрўни йўқотиб, жазога тортилгани бугун айни ҳақиқатдир. Раҳбарки ўз нафсига эрк берса, ишончга панжа орасидан қараса, ўша ерларда жиноятларга, талон-тарожликларга, жамият ва давлат мулкларига кўз олайтиришдек хунук ишларга йўл очилиб бо-

раверади. Одамларнинг адолатга бўлган ишончига путур етади.

Раҳбар адолат мезонининг тарозисидир. Буюк аллома Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарида раҳбарлик маънавиятига оид муҳим аҳамиятга эга бўлган йўлланма баён этилган. Асарда подшонинг халққа ғамхўр бўлиши, меҳр-шафқат кўрсатиши, мамлакатни обод қилиши, халқнинг фаровонлиги, тинчлиги, осойишталиги учун зарур бўлган нарсаларни режалаштириб бориши ҳақида муҳим маслаҳатлар берилган. Асарда бош мақсад адолатли давлат бошқарувини тарғиб қилишдир, шунинг учун ҳам унинг биринчи фасли (боби) адолат ҳақидадир. «Азизим агар подшоҳ, ўз мансабини суиистеъмол қилган, халқ ва мамлакат мулки, ризқу-рўзи ҳисобига бойишга интилган нафси ўпқонларга, Нўширвон, Одилга ўхшаб, жазо чорасини қўлламаса, юрт хароб бўлади, фуқаронинг подшога бўлган ишонч умиди, зулмат шабистони – қоронғи кечага айланади».

Асарда жамият ривожига мамлакатнинг мустаҳкамлигида, хориж мамлакатлари билан муносабатларнинг дўстона бўлишида ҳукмдоргина эмас, унинг вазирлари, маслаҳатчилари, мулозимлари, элчилари катта ўрин тутади. «Агар сенинг атрофингдаги одамларнинг, мулозимларинг аслзода, ҳиммати баланд ақлли кишилар бўлса, ватан сири сақланади, халқнинг доимо ҳимояланган бўлади, ҳеч бир киши зиён кўрмайди» ёки «давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган кишиларни давлат элчиси қилиб юбориш ақлдан узокдир» яна, «у (амалдор) халққа осойишталик, фаровонлик, дину имонга шон-шуҳрат келтирсин, дунёвий ҳаётни, маънавиятни таъриф-тасниф этишга хизмат қилсин».

Байт:

*Сиёсатда адолат қилмаса гар шоҳ,
Фуқаро айт-чи, кимдан топғуси паноҳ.*

Раҳбар рӯй бераётган бедодликни ер билан яксон қил-
маса, тилаклар орзуларнинг ниҳояли хазон бўлади.

*«Сиёсат тарзида дарз тушса гар қай кун,
Бўл огоҳим, қулар тинчлик деган устун».*

Раҳбарлар фақат ўзларининг шахсий ҳаёт кечиришла-
ри, фукарога, халққа муносабатлари, дўстларга, устоз-
ларга садоқатлари, ватанга меҳрлари, адолатпешаликлари
билан ўзларига ўрнатилган бўлиб келган. Хожа Самандар
Термизийнинг асарида ватанпарварлик ғояси раҳбарнинг
энг асосий вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилади. «Ази-
зим, шундай кишини баҳодир дейдиларки, агар у ўз дав-
лати манфаати, тинчлиги учун ўз жонини фидо қилиб,
азоб-уқубат қосасидаги ҳар қандай майни кўтарса, жасур,
довюрак деб шундай кишиларга айтадиларки, ватаннинг
бошига бирон қулфат тушганда зудлик билан қатъий қар-
орга келиб ҳаётини ҳафв остига қолдириб, кураш май-
донига қадам қўйса... (Жанг майдонида ору номус учун
кураш кетаётган бир вақтда), мард киши шуҳрат ҳақида,
жону мол ҳақида ўйламаслиги керак».

*«Ору-номусдан кўра афзал билурсан гар бошинг,
Ён паранжси бошингга, бўлсин аёллар йўлдошинг»*

Эзгулик – ҳеч эскирмайдиган бирдан-бир либосдир.

Г. Торо

Раҳбарнинг аждодлар хотирасини эъзозлаши бурчидир.
Раҳбар маънавиятида инсон хотираси бамисоли қалбан
муҳрланган бўлмоғи керак. Хотира раҳбарга ўтган кун-
ларни, инсон руҳияти билан боғлиқ кечинмаларни эсла-
тади. Хотира яхши кунларда шодланишни, ёмон кунларда
бошга тушган муносабатларнинг асл моҳиятини билдира-
ди. Раҳбар хотира орқали лоқайдликнинг, эътиборсизлик-
нинг, бепарволикнинг моҳиятини англайди. Юртбошимиз
И. Каримов таъкидлаганидек: «Раҳбарларнинг ўз масъу-

лиятини, уларга берилган ваколатларни англашни, изла-
ниш, ташаббускорлик талабчанлик, ишбилармонлик руҳи
билан яшаш ва курашиш, қўрқмаслик, жасурлик, мардлик
бутунги ҳаётий куннинг энг муҳим ва долзарб масаласи-
дир».

Раҳбар хотира туфайли халқимизнинг моддий ва маъ-
навий маданияти, уни яратган буюк сиймолар, алломалар,
ўтган аجدодларнинг ватанпарварлик ҳаракатлари,
мустақиллик учун олиб борилган курашларнинг аянчли
ҳолатларини ўрганади. Раҳбар хотира орқали ота-она-
сига, устозларига, меҳнат фахрийларига муносабатини
чин кўнгилдан изҳор этади. Уларнинг ҳаётийлик даври-
да амалга оширган ишларини ўрганиб, ўтганларнинг иши
ҳам, номи ҳам нима учун абадий яшаб келаётганлигининг
моҳиятини тушунади. Чунки хотира виждони тоза, меҳри-
бон, дилкаш, ҳалол одамларга хос бўлиб, хотира орқали
уларни фахр ва эҳтиром билан ҳамма эслайди. Хотира ту-
файли буюк ғаниматни жуда соғиниб, моддий маданият,
китоб ва илмга бўлган муносабати чуқурлашади. Раҳбар
тарих ва бадиий адабиёт туфайли дунёқарашини кен-
гайтириб, хотирасини мустаҳкамлайди. Хотирани ўзида
муҳассам этган китобларни ўқиган раҳбар тили равон,
фикри теран, яхши ва ёмоннинг қадрига етадиган ва ўрни
келганда маслаҳат оладиган ғояларни шакллантиради. Хо-
тира туфайли буюк устозлар, алломалар ҳаёти кўз ўнгида
шаклланиб, ибратли ҳаёт йўлини топади. Чунки хотирада
тарих – улуғ мураббий, у яратилибдики, теран тажриба-
лар, ибратли тимсоллар, аччиқ сабоқлар воситаси орқали
инсон тарбия олади. Хотира хушфеъл, тўғрисиўз, одамохун
ғояларни келажак авлодга қолдириб, хотира туфайли ин-
сон умрининг сўнги нафасигача ҳаётдан нимадир ўрганиб
яшашга ҳаракат қилади.

ИНСОННИНГ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИГА ОИД ЎГИТЛАР

Халқимиз маданиятида муҳим аҳамиятга эга ҳикматлар таъсирида олижаноблик, меҳр-мурувват кўрсатиш, меҳнати билан топган нонни ўзаро баҳам кўриш, очлик, қашшоқликни бартараф этишда ҳамжиҳат бўлиш ғоялари асрлар оша яшаб келмоқда. Меҳмоннинг қадрига етиш, саҳийлик, ҳотамтойлик намуналарини кўрсатиш туфайли бағрикенглик, инсонпаварлик тамойилларини намуна қилиб кўрсатиш каби ҳислатлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Ўзбек халқи ҳотамтой киёфасида саҳийлик ва ҳожатбарорликнинг қанчалик одоб-ахлоқда ўрни бекиёс эканлигини қадрлайди. Ушбу ҳикматнинг маъно-мазмунини ҳазрати Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» номли асарида намунали ва ибратли қилиб таҳлил этган:

Саҳийлик (қўли очиқлик) — кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир.

Саҳийлик — одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир.

Бахил ҷумоли янглиғдир — одати дон ва бошоқ термоқ.

Саҳий эмас эр — ёғинсиз баҳор булути ва иси йўк тоза ипордир.

Саховатсизлик ҳам биру, мевасиз дарахт ҳам биру, ўтин ҳам бир ва ёғинсиз булут ҳам биру, тутун ҳам бир.

Ўтмиш аждодларимизнинг маънавий кадриятларини мукаммал ўрганган таниқли аллома қори Низомиддин бинни Ҳусайннинг «Илми ахлоқ» китобида жуда ибратли мазмунли ҳолда баён этади:

Саховат — молидан етим бечораларга бермакдур. Саҳий киши худойи таолонинг севиқли бандасидур. Саховатнинг зидди — бахилликдур.

Саховат ёлғиз молда эмас, илмда ҳам бордур. Зероки, илмлиқ кишилар илмсиз кишиларга қўлларида келганича билдурмак айна саховатдур. Агарда билдурмакни хоҳламасалар қиёматда Аллоҳ таолонинг қошида жавоб ва жазоланурлар. Халқимиз маънавий ҳаётида турмуш тарзига хос бўлмаган, одоб-ахлоқ тарбиясига зид бўлган хатти-ҳаракатларни мунтазам кузатиб бориб, бундай иллатларнинг олдини олиш, уни бартараф қилиш учун ҳаёт синовларига бардош берган тарбияда донолар бисотидан кенгроқ фойдаланганлар. Энг муҳими оилани мустаҳкамловчи ҳикматларни ўз ўрнида ишлатиш натижасида турли низоларнинг, жанжалларнинг, қелишмовчиликларнинг олдини олганлар. Бунинг натижасида манманликка, қайсарликка, худбинликка, ўзбилармончиликка, мақтанчоқликка, бебошликка, душманликка, сотқинликка, хоинликка чек қўйилган. Бундай ёмон иллатларнинг оқибатлари нима билан тугаши ҳақида буюк аллома Низомиддин бини Ҳусайн ўзининг «Илми ахлоқ» китобида фикр-мулоҳазасини қуйидагича билдирганлар:

«Бахиллик — ҳуққларнинг ёмонидур. Бахил киши қўлида бўлган молларидан ўзи ҳам фойдасиз қолур. Бошқаларга ҳам фойдаси бўлмас.

Бахилнинг моли меросдир. Ўзидан сўнг у вазирларга сарф бўлиб, тезлик ила тамом бўлур. Бахил кишини китоб ортган ҳайвонга ўхшатибдурлар. Устидаги юкидан ўзига фойда юқмас.

Агар бўлса кимнинг муриди султон,

Ёмони ҳам яхши бўлур бегумон.

Кимни подшоҳ тутса ўзидан йироқ,

Ҳатто хонадони қилади мазоқ.

Аҳмад Юғнакий

Бахил кўп йиғди ҳаромдин олтину кумуш,
Қарғиш олиб юрди, устига эшитди сўкиш.
Ўзи ўлди, тақсим бўлди моли душманлар аро,
Бахил ҳисса олди; кишилардан сўкиш.
Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир,
Бахилликнинг қўли саховат, ҳадя учун бутунлай ёпиқдир.

Аҳмад Юғнакий

Яхшилик қилсанг яшир, яхшилик кўрсанг ошир.

Ўзинг эзгу бўлсанг, отинг мақтовга лойиқдир,
Агар ёмон бўлсанг, таҳқирга маҳкумсан эй латиф.

Аҳмад Юғнакий

Авайлаб сўзла сўзингни,
Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Аёл ердан чиққан эмас – эркак боласи,
Эркак кўкдан тушган эмас – аёл боласи.

Арикни кимлар қазир,
Сувни кимлар ичар.

Ҳикмат

Халқимиз қадим замонлардан бошлаб ҳаётӣ масалаларга эътибор бериб, ҳар бир қилинган ишнинг натижасига қараб, фикр-мулоҳазалар қилган ҳамда нафс, қарз, бойликка оид ҳаётӣ кечинмаларни ҳикматлар билан авлоддан-авлодга ўтказиб келган. Энг муҳими қарзнинг киши бошига олиб келадиган дардини, унинг оқибатларини инсон кўз ўнгида юз берган мудҳиш натижаларига қараб хулоса чиқарганларни ҳадис илми қуйидагича изоҳлайди:

Ҳақ (қарз) эгаси қарздорга гапиришга ҳақлидир.

Кимки ўз мулкани ҳимоя қилган ҳолда ўлдирилса, у шаҳиддир.

Қарзни ўз вақтида бермасдан чўзиб юриш зулмдир.

Қарзни узмай дунёдан ўтган одамга то ўша қарзи узилмагунча қабрда кишанланган ҳолда ётади.

Дедилар: «Ё расулуллоҳ юким енгил бўлишни истайман! «Буюрдилар:» Ҳеч кимдан ҳеч нарса (қарз) сўрама!» Шарқона одоб-ахлоқда инсонни қарз балосидан қутқаришнинг энг маъқул йўли, одамлардан ҳеч нарса сўрама, ҳатто кўлингдан тушиб кетган қамчини ҳам тушиб ўзинг ол.

Ҳадис илмида қарзнинг жавобгарлиги, унинг жазога муқаррарлиги, қарз бериб қутулиш мумкинлиги алоҳида баён этилади:

Таниқли тафаккур эгаси, шоир ва ёзувчи, инсон руҳиятини чуқур англаган ҳамда ички дунёвий билим ва илмий мушоҳадани таҳлил қилган Бедил қарзга дучор бўлган одамнинг тақдири ҳамда аччиқ қисмати ҳақида қуйидаги байтни яратди:

*Қилдим кўп имтиҳон, қарз ола кўрма,
Берсалар сенга жон, қарз ола кўрма.
Қарз адоси, очдин ўлсанг ўл,
Одамлардан бир нон қарз ола кўрма».*

Халқимиз ўз ҳикматлари билан жаҳонга машҳур бўлиб, бойлик ва нафс балосидан қутулиш йўллари тўғрисида катта донолик бисотиға эгадир. Чунки бойлик маънавий қашшоқлик белгиси бўлиши билан бирга, ҳалол меҳнат билан топган меҳнати эвазига бойиш ҳар бир пок инсонга хос хусусиятдир. Шунинг учун инсон бутун умри давомида нафс ва бойлик ўртасида қийинчилик билан умр кечиради. Унинг маъносига етиш учун интилади: «Ҳақиқий бойлик мол-дунёнинг кўплиги эмас, балки нафснинг тўқлигидир». «Катта бойлик ва қашшоқлик, иккаласи ҳам бир балодир».

Инсон заковати бекиёсдир, у ҳар нарсага ишонувчан ҳамда қизиқувчан бўлиб бир умр бойлик орттириш илин-

жида яшайди. Ана шу бойлик орттириш жараёнида меҳнат қилмай ўз бойлигига бойлик қўшишнинг янги режаларини тузиб нафс илинжида судхўрлик касаллигига мубтола бўлади. Судхўрлик нонини еб ўрганган киши янада унга бўлган хирс нафсини ошириб бориб, унинг оқибатларини тушунмай катта хатоларга қўл уради: пайғамбаримиз алайҳиссалом қайд этганларидек:

«Судхўрда 73 хил гуноҳ мавжуд бўлиб, энг охиргиси — худди ўз онаси билан зино қилганга ўхшашдир».

«Судхўрга, фоиз берувчига, олувчига, уни ёзган котибга ва бунга гувоҳ бўлган одамга худойи таолонинг лаънати бўлсин».

«Касбларнинг энг ёмони, жирканчи судхўрлик ва тиланчиликдир».

Халқимиз ўз ҳаётий кечинмаларида тафаккур гулшанига чорловчи ўғитларга эътибор бериб, ўзаро муносабатларда аҳиллик, дўстлик, меҳр-муҳаббат ришталарини сақлаб қолиш мақсадида одамларни феъл-атворига хос ёмонликка ундовчи ғазабдан сақланиш борасида кўплаб ҳикматларни яратганлар. Ушбу ҳикматлар ёмонликни, кишилар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш, бойлик, мансабпарастлик, шуҳратпарастлик, ғаразгўйлик каби иллатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Энг муҳими халқимиз, «ғазаб ўзингга азоб» донолик бисотига доимо амал қилиб келган. «Ҳадис»ларда ғазабнинг олдини олиш, ғазабланган кишини шаштидан қайтариш, ўзаро низо-жанжалларни бартараф қилиш соҳасида ниҳояда мазмунли фикр баён қилинган: «Ғазаб — кишининг ўзига душмандир. Ғазаб келганда ақл-идрок чекинади, инсон ўзини бошқара олмай қолади. Огоҳ бўлингки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади».

Миллий менталитетимизда ақл-одоб борасида доно ҳикматларга асосланиб ёш авлодни тарбиялаш, ёшларга ибрат мактабини яратиб бериш, уларни касб танлашда

ўзларининг истъедодини ишга солиш, бунинг учун ақлни чархлаш, ғазаб жиловини қўлга олиш, муҳим ишлар ҳал бўлаётганда муомала маданиятига эътибор бериш, қўлга киритилган ютуқларни ўйламай айтилган сўз барбод қилиши, энг асосийси ғазабга эрк бермаслик каби ғоялар сингдирилганлиги қайд этилган. Жумладан, ҳадис илмида: «огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси — ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Уларнинг ёмони эса ғазаби тез келиб, аслига секин қайтадиганидир. Ғазаби секин келиб, секин кетса ёки тез келиб, тез кетса бу ҳам дуруст». Ёки Фаридиддин Аттор таъкидлаганидек:

*«Ким биров дилини ситам-ла тилди,
У ўз вужудини ярадор қилди».*

ҲИКМАТЛАР ДУРДОНАСИ — МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ

Умрни хазон қиладиган нарсa мақсадсиз яшаш, беҳуда вақтни ўтказишдир.

Энг даҳшатли фожиa — ақлни чархламасликдир.

Ўғилнинг кечириб бўлмайдиган хатоси — отаси ўргатган насиҳат ва касб-ҳунарни эгалламаслиги.

Оғир юк — яхшилиқни миннат қилиб, юзга солишдир.

Тарози ўлчовдир — унга оғирлик қиладиган нарсa ўйламай айтилган сўз.

Дунёда қилиниши керак бўлган иш шунчалар кўпки у инсон пайдо бўлгандан буён тугамайди.

Қарзга пул бериб қайтариб ололмаганлар оғир қисмат-да яшайдилар. Пулни олганлар эса фароғатдадирлар.

Аллоҳ берган ризқни бошқаларга бериб, гуноҳ орттирганлар ниҳоятда қўп.

Буюк бўлиш учун тўрт нарса зарур – тоза насл, азалий тақдир, ёмонлардан ибрат олиш, тез бойиганларнинг манманлигидан хулоса чиқариш.

Тупроқ билан гаплашган одамни ақли теран, юраги тоза бўлади. Чунки яна у тупроққа қайтади.

Дунёда ҳамма ўзини буюк деб билади – ҳатто лоқайд, дангаса инсон ҳам.

Энг бепарво одам – уйғок ҳолда кўрпа ичида ҳаёл суриб, вақтни бекор ўтказган одамдир.

Йиғласанг чин юракдан йиғла, сохта йиғи билан ўз юрагингни азоблама.

Ишнинг манбаи китобдир – китоб эса бу ҳаёт.

Тил тананинг – ҳоқими. Тана тил ҳукмига бўйсунди.

Мансаб вақтинчалик – сақлаб қолиш ақлга боғлиқ.

Менинг энг катта хатом – ақл ва соғлигимни тан олмаганлигимдир.

Менинг энг яқин одамим – менинг душманимдир. Унга бардош бериш учун яшашни ўргандим.

Мени қанчалар қўп ғийбат қилсалар, шунчалик тез элга таниламан.

Мансаб даврида кўп бойлик тўплаб инсон,
Насиб этмай биров, кетар фоний дунёга.
Қолган бойликни излаб чиркиллар руҳи,
Исроф қилар бойликни қолган болалар.

Ўзингга ўзинг доимо ҳисоб бериб, айбларингни тан олгин.

Йўқотган нарсангни излама, чунки ўз айбинг туфайли
содир бўлган.

Қийшиқ ва тўғри танни камтарин ҳис-тўғулар ҳамда
дидли кийимлар гўзал кўрсатади.

Ёшларга кўп насиҳат қилма – ибрат кўрсат. Чунки се-
нинг кимлигингни бошқалардан билиб олади.

Ҳеч бир инсондан хато ахтарманг, чунки у шундай яра-
тилган. Фақат ундан ибрат олинг.

Дунёда сўз яшайди, яхшилик, ёмонлик, лоқайдлик
унда ўз ифодасини топади.

Она қанча кўп умр кўрса, табиат шунчалик гўзал бўлиб
боради. Чунки табиат ҳам она ердан куч, қувват олади.

Она қанча аччиқ сўз айтса, шунча ширин дори бўлади.

Оналик буюк жасоратдир, агар унга меҳр сингдирилса.

Онани тирикликда кадрланг, ўлгач унга битилган ҳар
қандай доно сўз бефойда.

Она ўлгач йиғлаб жасорат кўрсатгандан тириклигида
бир бориб ҳолидан хабар олиш савобдир.

Онанинг бахти — номусли, иффатли киз.

Фарзанд туғиш ҳамма аёлга хос, лекин она бўлиш илоҳий бахт.

Ота бўлишни кутиш бахт эмас, насиб этган оталикнинг кадрига етган бахтдир.

Макон ва замон оталар ақли ёки ҳаракати билан ўзгариб туради.

Ота ватан посбони, агар у ватан қадрини билса.

Ота ўқ, она мойиллик — иккаласини ҳурмат қилиш буюклик тимсоли.

Ота ғзаби ҳар қандай қуролдан қучли.

Отанинг номини уч нарса безайди — ақлли фарзанд, касбга ҳурмат, эл хизматини қилиш.

Отадан олмаган ақл ва ҳунарни элдан олса бўлади.

Мустақилик йилларида халқимиз моддий маданиятини тиклаш ва ўрганиш бўйича жуда катта ибратли ишлар амалга оширилиб, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш масаласида ижобий натижаларга эришилди. Халқимиз ўтмиш аجدларимиз яратган маънавий меросни бойитиб, мавжуд одоб-ахлоқ намуналарини қайта йиғиб, ҳолисона ўрганиб, мазмун-моҳиятини таҳлил этиш натижасида ҳикматларни ўзига жамлаган китоблар тайёрлаб ушбу китоблар туфайли ёшларни муносиб тарбиялашда фойдаланиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳикматлар инсон онгининг тараккий этишига муносиб хисса қўшиб, ватан, оила, ота-она, маҳалла, қариндошлик, ён қўшничилик, жамоатчилик, иш ва раҳбарлик муносабатларини англаб этишда алоҳида тарбиявий аҳамиятга моликдир. Ҳар бир ҳикматни ўз ўрнида ишлатиш, унинг мазмуни ва моҳияти билан ҳар хил ножўя ҳаракатларнинг олдини олиш масаласи инсонлардан катта билим ҳамда ҳаёт тажрибасини талаб этади. Мазкур фаслда илова этилаётган қуйидаги ҳикматнома иборалар халқимизнинг ўтмиш ва ҳозирги ҳаёт тажрибалари асосида китобхонга тақдим этилмоқда.

Аёз кўрган кунинг унутма, кўн чориғинг куритма.

Айиқ билагига ишонади, одам юрагига.

Азроилнинг бир турқи – бўрида.

Айрилганни айиқ ер, бўлинганни – бўри.

Айиқ ўз товонини ялаб жон сақлайди.

Айтилган сўз – отилган ўқ.

Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим.

Арава синса, ялқовга ўтин.

Арпа-буғдой ош экан, олтин-кумуш тош экан.

Арпа пишар, ишингиз тушар.

Арслон қариса, сичқон инини пойлайди.

Арслоннинг ўлиги – сичқоннинг тириги.

Ақл – одамнинг олтин тожи.

Балчикқа тош отсанг, бетинга сачрайди.

Бахилнинг боғи кўкармас.

Бахт – тилакда эмас, билакда.

Бевафо ёр – жонингга дор.

Бегимдан ҳам бегойим зўр.
Бемор ўзига ёкмаган овқатга ўч бўлади.
Бетга айтганнинг захри йўк.
Бермаснинг оши пишмас,
Пишса ҳам қозонга тушмас.
Бой топса бошқа ер,
Ботир топса барча ер.
Беш қўл оғизга сиғмас.
Билса — ҳазил, билмаса — чин.
Бир анор минг беморга даво.
Бир йигит қирқ йилда бино бўлади.
Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар.
Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади.
Бир одам омоч билан, етовлон чўмич билан.
Бир таёк бошни ёради.
Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам — сув.
Бойга сиригни бой берма.
Бола азиз, одоби ундан азиз.
Бола баҳона дийдор ғанимат.
Бола йиғлаб катта бўлади.
Бола йиғламаса, она сут бермайди.
Бола эр — хотин тилмоч.
Бўрини йўқласанг, кулоғи кўринади.
Бўш келганни бўри ер.
Вакт тоғни емирар, сув тошни кемирар.
Вақтинг кетди — нақдинг кетди.

Гадойга бир эшик ёпиқ бўлса, бир эшик очик.
Гул – даста-даста, гул бермаган нокаста.
Гул тиконсиз бўлмайди.
Гумон имондан айирар.
Гўшт суяксиз бўлмас, шоли – курмаксиз.
Давлат куши қўнса чивин бошига, семурғ келар кунда
унинг қошига.
Даврадан жим чиқиб кетишлик ҳам – донолик.
Даланинг кўкига ишонма, одамнинг пўкига.
Дарахт соп бермаса, болта кесолмас.
Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин.
Девор қийшиқ бўлса, тез қулайди.
Дехқон ёғса тинар, чўпон ўлса тинар.
Дунё йиғиб нетарсан, бир кун ташлаб кетарсан.
Душман битса ҳам, душманлик битмас.
Душман заиф жойдан ништар уради.
Душманинг сичқон бўлса ҳам, кучинг арслонча
бўлмас.
Дўсти нодондан душмани доно яхши.
Дўстлар ўртасида «меники» деган гап бўлмас.
Еб тўймаган – ялаб тўймас.
Ема-ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг, мен кафил.
Енгил оёқ узоққа қўшар, енгил бош тузокқа тушар.
Ер-хазина, сув – гавҳар.
Ерга тушган гўр бўлар, ўтга тушган – қўл бўлар.
Етса – мол, етмаса – жон.

Ё отинг чиксин, ё ўтинг чиксин.

Ёв кетса ёмон очилар, ош пишса қозон очилар.

Ёв қочса, ботир кўпаяр.

Ёз фасли – ноз фасли.

Ёзга етсанг, қиш кунингни унутма.

Ёли семиз эшакдан яғир бўлса ҳам от яхши,

Қадр билмас қариндошдан яқиндаги ёт яхши.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги
чикмас.

Ёлғиз ўғил – ёвдан қаттик, хотини – калмоқдан қаттик.

Ёмонга кун ҳам қоронғу, тун ҳам.

Кўр бўлсанг ҳам кўрнамак бўлма.

Ёмон кулол кўлидан яхши кўза чикмайди.

Ёмонни қилгил яхши, яхши – шундоқ ҳам яхши.

Ёрни топганда – гап йўқ, гапни топганда – ёр йўқ.

Ёрнинг камчилиги хуш кўринади.

Ётиб есанг – тегирмон, юриб есанг – мойжувоз.

Ёғ бўлмаса, чалпак қил, ун бўлмаса – патир.

Ёғочнинг бўшини қурт ейди.

Жалада қолган – ёмғирдан кўркмас.

Жанжалли жойда жағингни очма.

Жар бошига етганда отнинг бошини тортма.

Жаҳл – душман, ақл – дўст.

Жой берганга – жон бер.

Жойи ўзгарган товуқ кўп қақақлайди.

Жон ширинми – ҳолва ширинми.

Жўжали товуқдан дон ортмас.
Замон сенга бокмаса, сен замонга бок.
Замонанинг озгани – отдан эшакнинг ўзгани.
Зар қадрини заргар билар.
Заҳар сочган илон айланиб кетолмайди.
Заҳарнинг ози нима-ю, кўпи нима?
Заримиз бор, зўримиз йўқ.
Зулм эшикдан кирса, инсоф тешикдан чиқади.
Игна ўғирлашга журъат қилган сигир ўғирлашга ҳам
ўтади.
Игна қаёққа юрса, ип шу ёққа юради.
Икки ахмоқ тегирмонда уришар.
Икки игна бир ипда – икки зикна бир ерда.
Икки от тепинса ўртада эшак ўлади.
Икки хўроз урушса, товуқлар дам олади.
Илм кўп-у, умр оз, керагин ол-у, тошга ёз.
Илм кишда эрийди, ёзда музлайди.
Илонга сут бермасанг ҳам, заҳар топар.
Илонга ҳеч ким ўз кўксидан жой бермас.
«Индамас» дан – иш чиқар.
Исириқдан жин қочар, югуруқдан – жинни.
Иссиқ жон иситмасиз бўлмас.
Иссиқ – суяк синдирмас, совуқ – жонни тиндирмас.
Ит бургасиз бўлмас, юрт эркасиз бўлмас.
Ит кийикка раҳм қилса, мушук жўжага раҳм қилармиш.
Ит тумшуғини тикқани билан – дарё суви ҳаром
бўлмас.

Ит хуриса, булбул тўхтайди.

Ит кўрқокни қопади.

Итинг бўлса ҳам — чиройли бўлсин.

Итни ит талаб ўлдиради.

Итнинг жини — девона, келиннинг жини — қайнона.

Итнинг уяти келса, почта ташласанг ҳам емайди.

Ичак-қорин гўшт бўлмас, асли душман дўст бўлмас.

Ишим битди — эшагим лойдан ўтди.

Ишнинг омади — ўз вақти.

Ишонч бўлмаса ўзингда нишон қолмас сўзингда.

Ишқи борнинг — рашки бор.

Ифвогарнинг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон.

Йигит деган эр бўлур, меҳнат кўрса шер бўлур.

Йигитнинг кучи — қуюн шамол.

Йигитлик — бир гулистон, қарилик — бир зимистон.

Йигитнинг сазаси сингунча, ҳўкизнинг шохи синсин.

Йилнинг ойи кўп, ойнинг куни кўп.

Йиғлаган кўзга — ёш, тилаган оғизга — ош.

Йўл азоби — гўр азоби.

Йиғлоқи қизнинг тўйида ёмғир ёғар.

Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмок
керак.

Йўқолган пичоқнинг сопи — олтин.

Камбағалнинг сахийлигини кўрса,

Бойнинг бахиллиги ошар.

Кал тегади-ю, кўр ноз қилади.

Калнинг нимаси бор — темир тарағи, кўрнинг нимаси
бор — эски таёғи.

Касал жоннинг ҳаракатида, табиб пулнинг ҳаракатида.

Касал касал эмас, касал боққан касал.

Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади.

Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.

Катта кема узоққа сузади.

Каттани катта бил, кичикни — кичик.

Кафил бўлма, кафансиз кетасан.

Кексалик — кўприк.

Келасиз деб об қўйдик, келмайсиз деб еб қўйдик.

Келин ёмон эмас, келган ери ёмон.

Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр.

Келса хотин уруғи, топилар унинг йўриғи,

Келса эрининг уруғи, бўлар юрак буруғи.

Кетарга келса — эл ёмон,

Кўчарга келса — ер ёмон.

Кетмоннинг бошини боссанг, сопи бошингга тегеди.

Кигиз кимники бўлса, шунинг билаги қаварур.

Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси яхши.

Кимга тўй — кимга аза.

Кичикни макта, каттани сақла.

Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни.

Кичкина тош — ёради бош.

Киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.

Кишининг қўнгли кишига қоронғи.

Кишининг суйган меҳнати ўзига роҳат туюлади.
Кишининг хурмати – ўз қўлида.
Коса, косанинг тагида – нимкоса.
Куёвни пайғамбарлар сийлабди.
Кучи йўқ курак синдирар.
Кучингни елга берма, ерга бер.
Кўнгли очикнинг – қўли очик,
Қўли очикнинг – йўли очик.
Кўз кўзга тушса, юз уялар.
Кўз – кўнгил ойнаси.
Кўз – кўрқоқ, қўл – ботир.
Кўза кунда синмайди, кунда синади.
Кўзи тўқнинг ўзи тўқ.
Кўп бўлса – сепла, оз бўлса – эпла.
Кўп гап эшакка юк.
Кўп кулган – кўп йиғлар.
Кўпдан куён қочиб кутилмас.
Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма!
Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.
Кўрган ҳам армонда, кўрмаган ҳам.
Кўрганни эшитган енгар.
Кўрмоқ – бор, емоқ – йўқ.
Кўрнинг тилаги – икки кўзи.
Кўрпангга қараб оёқ узат.
Лайлакнинг кетишига бокмайдилар, келишига боқа-
дилар.
Лақманинг калласи – тарозининг палласи.

Лой ичидан дур ажрат.
Майда гап катта ишни ғарк қилади.
Мани нафсим балодур, ёнар ўтга солодур.
Мардлик – мангулик.
Маъноси йўқ гапдан донаси бор чўп яхши.
Мақтов – ош билан нон бўлмас.
Мағлубият – муваффакият гарови.
Мева ўстирмоқ осон, мевасини сақламоқ қийин.
Меҳмон – отангдан улуг.
Меҳмоннинг отини асл дерлар,
Уч кундан сўнг сасир дерлар.
Меҳнат, меҳнатнинг таги – роҳат.
Мол оласи ташида, одам оласи ичида.
Мол семирса ёғ бўлар, ер очилса боғ бўлар.
Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади.
Наврўздан сўнг киш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.
Насиҳат кўп чўзилса, ёмонликка айланади.
Нафас кирса – бор-у, чикса – йўқ.
Нимани хор тутсанг, шунга зор бўласан.
Ножўя ишдан ёш бола ҳам уялади.
Нон тикилса сувга бор, сув тикилса гўрга бор.
Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма.
Номусни ёшликдан эҳтиёт қил.
Обод қилган – обод бўлади.
Овчининг зўри шер отар, эрнинг зўри ер очар.
Одам дунёга бир марта келади.

Одам – олтиндан азиз.
Одамга – либос, эшакка – тўқим.
Одамдан хийла қочиб қутилмас.
Одамнинг кўли – гул.
Оёқ чарчаса, таёқ ярайди.
Оёқдан кўтарилган чанг оғизга киради.
Ойда ҳам доғ бор.
Ойни этак билан ёпиб бўлмас.
Оларда саноғи тўққиз, берарда саноғи ўттиз.
Олдин кулган – кейин йиғлар.
Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ.
Олим бўлсанг – олам сеники.
Олма пиш, оғзимга туш.
Олов сўнса совийди, гиёҳ сўлса қурийди.
Олтин олма, олқиш ол, олқиш олтин эмасми?!
Олтин чиримас, даъво каримас.
Она еса, болага сут бўлади.
Она сути билан кирмаган ақл тана сути билан кирмас.
Она юртинг – олтин бешигинг.
Онали етим – гул етим, отали етим – шум етим.
Онанг ўғай бўлса, отанг ўзингники эмас.
Онасиз келин – ювош, онали келин – бебош.
Орзуга айб йўқ.
Осмон узок, ер қаттиқ.
От айланиб қозиғини топар, эр айланиб ёзиғин топар.
От – йигитнинг каноти.

От минган отасини танимас.
От тепкисини от кўтаради.
От ўрнини той босар, ота ўрнини – ўғил.
Ота-она олтин қанот.
Ота ибратли бўлса, бола ғайратли бўлар.
Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.
Отанг мироб бўлса ҳам, арикни тозалаб сув ич.
Отдан айрилсанг ҳам, эгар тўкимидан айрилма.
Оч қоринга – аччиқ саримсоқ.
Оч қорним – тинч қулоғим.
Очкўзнинг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас.
Ош каттадан, сув кичикдан.
Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.
Окин сув ҳаром бўлмас.
Оққан арик окмай қолмас.
Оға-ининг тотув бўлса – от кўп,
Опа-сингилинг тотув бўлса – ош кўп.
Оғриқ тишнинг давоси – омбир.
Пайти келганда дарахт гуллайди.
Паловнинг камчиси – чой.
Пиёзни мард артсин, сабзини – номард.
Пиёзнинг пўсти кўп – ёмоннинг дўсти кўп.
Пул бўлди – кул бўлди.
Пул бўлса – чангалда шўрва.
Пул қўлнинг кири, ювса кетади.
Ранг кўр, ҳол сўр.

Режасиз иш — қолипсиз ғишт.
Рўзгор тушди бошга, қўл тегмади ошга.
Сабабсиз оёққа тикан қирмайди.
Сабр таги — сариқ олтин.
Савдо ғавғосиз бўлмас.
Саёк юрган таёк ер.
Салом ҳам — фарз, алик ҳам — фарз.
Сахий топса бўлиб ер, бахил топса босиб ер.
Сахий бўлмаса, бахил харом ўлар.
Бахил беҳиштга кирмас.
Секин эшсанг боғ бўлур, от-эшагинг соғ бўлур.
Семиз қўйнинг умри қисқа.
Семизликни қўй кўтарар.
Сиздан — угина, биздан — бугина.
Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади.
Сочиб мактанма, йиғиб мактан.
Соғ олма шохидан тушмас.
Сув бор ерда ҳаёт бор.
Сув келтирган — хор-зор, кўза синдирган — азиз.
Сув кетар тош қолар, ўсма кетар қош қолар.
Сувни кўрмай, этик ечма.
Султон суягин хўрламас.
Сут билан кирган — жон билан чиқар.
Сутсиз сигир қўп маърайди.
Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.
Така бўлсин, сут берсин.

Тани соғлиқ – туман бойлик.
Тарбия тақани тўғрилайди.
Тегирмон навбати билан.
Текин еган – кўзга тикан.
Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди.
Тенг тенги билан, тезак қопи билан.
Терга ботган – зарга ботар.
Тешик мунчоқ ерда қолмас.
Тил билан тикан тортиб бўлмас.
Тил – қиличдан ўткир.
Тилаб олган ёмғир – бошга бало.
Тилинг билан дилингни бир тут.
Тирноғи бўлмаса, йўлбарс ҳам ожиз.
Тоза ҳаво – дардга даво.
Тома-тома кўл бўлар, тийинлардан сўм бўлар.
Томчи тошни тешади.
Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз,
Топган қўй келтирар, топмаган – жўжа хўроз.
Тор жойда ош егандан – кенг жойда мушт еган яхши.
Тотув турмуш – узоқ умр.
Тузсиз хамир тандирда турмас.
Тулкининг тушига товуқ киради, товуқнинг тушига
тариқ киради.
Тушга ишонганнинг умри уйкуда ўтар.
Туя минган узоқни кўзлар, эшак минган яқинни.
Туяга янтоқ керак бўлса бўйнини чўзади.

Тухмат тош ёради, тош ёрмаса бош ёради.
Тўйга борсанг тўйиб бор, ёмонлигинг кўйиб бор.
Тўйдан олдин ногора қоқма.
Тўғри – ўзар, эгри – тўзар.
Узоқ чайнасанг, узоқ яшайсан.
Узумини егин-у, боғини суриштирма.
Узумнинг яхшисини ит ейди.
Уй сири – ёпиқлик қозон.
Уйнинг тор бўлса ҳам,
Кўнглинг кенг бўлсин.
Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди.
Умр савдоси – қийин савдо.
Уришсанг, мард билан уриш.
Уришқоқ хўроз семирмас.
Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар.
Уста овчи бекорга ўк отмас.
Учкундан кўрккан – темирчи бўлмас.
Уят – ўлимдан каттиқ.
Фарзанд – жонга пайванд.
Фолга ишонма, сувга суянма.
Хайрли ишга жарчи бўлсанг, хафа бўлма.
Халқ бор – ҳақлик бор.
Халқ молини еган – халқумидан илинар.
Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.
Хотинли рўзгор гулдир, хотинсиз рўзгор чўлдир.
Хушхабарнинг қаноти бор.

Хўроз кичкирмаса ҳам тонг отаверади.
Чаённинг касби — чақиш.
Чилла суви — тилла суви.
Чин дўст — туғишганинг билан тенг.
Чиройинг борида чинорингни топ.
Чиройли қизнинг нози бор.
Чумчук сўйса ҳам, кассоб сўйсин.
«Чўк!» деса, туя ҳам чўкади.
Чўкаётган — чўпга ёпишар.
Шайтоннинг оздиргани — ўзиники.
Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди.
Шарманда — охир қолур армонда.
Шаробнинг ози — дори, кўпи — оғу.
Шер қутурса, ойга сапчир.
Эгасини сийлаган — итига суяк ташлар.
Эгачим эрга тегди, эскиси менга тегди.
Эзгуликнинг кечи йўк.
Экин эккан — текин ўрар.
Эл оғзига элак тутиб бўлмас.
Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор.
Элчига ўлим йўк.
Эр бўл, эр бўлмасанг каро ер бўл.
Эр сўзидан қайтмас, шер — изидан.
Эр-хотин — кўш ҳўкиз.
Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши.
Эт бор ердан ит кетмас.

Эшагига яраша – тушови.
Эшагидан тўқими қиммат.
Эшакнинг кучи – ҳалол, гўшти – ҳаром.
Югурганники эмас, буюрганники.
Юрган – дарё, ўтирган – бўйра.
Янгини эски сақлар.
Яхши бўлса – бола, ёмон бўлса – бало.
Яхши ният – ярим давлат.
Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи.
Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар.
Яхшидан – вафо, ёмондан – жафо.
Ўз уйим – ўлан тўшагим.
Ўз қадрини билмаган – эл қадрини билмас.
Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол.
Ўзи келган меҳмон атои худо,
Чақириб келинган меҳмон балойи худо.
Ўзимдан чиққан балога, қайга бораё давога.
Ўзингда йўқ – оламда йўқ.
Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
Ўлганнинг устига – тепган.
Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса – қилиғи.
Ўт билан ўйнашган – ёнар.
Ўтган умр – қуйган кўмир.
Ўтмас пичок қўл кесар.
Ўғил бўлсин, қиз бўлсин, қўл – оёғи тез бўлсин.
Қадрли нарсанинг кадри қўлдан кетгач билинади.

Казисан, қартасан, асли зотингга тортасан.
Қайғу қаритар, ғам ўлдирар.
Қаламнинг учи – қиличнинг кучи.
Қариси бор уйнинг зари бор.
Қари ўлса – не давлатдир, ёш ўлса – қиёматдир.
Қарилик – хасталик.
Қарс икки қўлдан чиқади.
Қарға бўлма – қайриласан, иссиқ жойдан айриласан.
Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди.
Қассобга мой қайғу, эчкига жон қайғу.
Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит.
Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқар.
Қозонда бўлса, чўмичга чиқар.
Қонни қон билан ювиб бўлмайди.
Қор ёғди – зар ёғди.
Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.
Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман.
Қоқилсанг, тошдан ўпкалама.
Қуруқ гап қулоққа ёқмас.
Қутурган итнинг жазоси – ўлим.
Қуш тилини қуш билади.
Қуш уясида кўрганини қилади.
Қўл қўлни ювар, икки қўл – бетни.
Қўлдан берганда қуш тўймас.
Қўрқанга қўш кўринар.
Ғайратлининг юраги қайнар,
Ғайратсизнинг юраги ўйнар.

Ғурурлик ғурбатга солар.

Ҳаддидан ошган кулгидан, йиғи яхши.

Ҳазил, ҳазилнинг таги — зил.

«Ҳайт»! деган — туяга мадад.

Ҳамал кирди — амал кирди.

Ҳар гулнинг ўз иси бор, ҳар элнинг ўз туси бор.

Ҳар ерни килма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу.

Ҳар йигитга бир омад.

Ҳар каллада — бир хаёл.

Ҳар ким суйган ошини ичар.

Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчар.

Ҳар ким ўзига хон, ўзига султон.

Ҳаракат, ҳаракатда — баракат.

Ҳаромдан йиғилган — ҳаромга кетар.

Ҳақ жойига қарор топар.

Хунар — бир, пардоз — қирк.

Хут кирди — деҳқон пайтавасига қурт кирди.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганиш асосида моддий-маънавий маданиятимизни ёш авлод онгига синдириш, ёшларни чинакам ватанпарварлик, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ҳамда халқимиз маънавий меросини ўрганишда ибрат кўрсатадиган ҳикматларнинг аҳамияти бекиёсдир. Ҳикматларда ватан туйғуси, инсонни комилликка етказувчи одоб-ахлоқ намуналари мужассам бўлиб, ҳар бир одам ўз ахлоқий хусусиятларини мукаммаллаштиришда ўзидан олдин ўтган аجدодларнинг яратган моддий -маънавий бойликларини ўрганиш, хулоса чиқариши асосида йўл қўйган хато-камчиликларини бартараф қилиш жараёнида ушбу ҳикматлардан ўринли фойдаланиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Энг муҳими ватанни севиш, унинг муқаддас тупроғини авайлаб-асраш, ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганларнинг кураши беҳуда кетмаганлигини англаб етиш, мардлик, жасурлик кўрсатганлар ҳақидаги ибратли ҳикматлардан хулоса чиқариш асосида ўзи ҳамда ўзгаларни ибрат кўрсатишга чақириш инсонийлик белгисидир.

Ҳикматлардаги муҳим ғоялардан бири раҳбарлик маънавияти, раҳбарга хос масъулият, раҳбарнинг жамоа, халқ ва оиласи олдидаги бурчи, раҳбарларга қўйиладиган талаблар, уни бажариш жараёнидаги жавобгарлик билан боғлиқ одоб-ахлоқ намуналари алоҳида аҳамиятга эгадир. Халқимиз оилапарвар, меҳнатсевар халқ бўлиб, ота-онанинг бурчи, фарзандлар тарбиясидаги ибрати, оилани моддий-маънавий мустаҳкамлашдаги ҳаракатлари мужассам бўлган ҳикматлар алоҳида намуна белгисидир. Маънавий тарбиянинг асоси бўлган ҳикматларнинг янада бойиб боришига муносиб ҳисса қўшаётган алломалар, олимлар, давлат раҳбарлари, ҳарбий саркадалар, сайёҳлар, шоирлар, ёзувчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, тарихчилар, диний-ахлоқий тафаккур намояндаларининг

ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб баён этган фикр-мулоҳазалари ҳозирги давр учун муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, ушбу тафаккур эгалари нафақат ҳикматларни тўплайдилар, балки ҳикматларни мулоҳаза қилиб, ҳолисо-та ўрганиб, уни янада бойитиб, ўзлари гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисалар билан таққослаб, янги ҳикматларнинг пайдо бўлишига ҳам ҳисса қўшадилар.

Тақдим этилган ушбу ҳикматлар тўплами мустақилликнинг улуғ неъматини, унинг берган имкониятларининг натижаси бўлиб, Ўзбекистондаги халқларнинг ўзаро дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, моддий-маънавий маданиятдаги ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, мамлакатимизда ёш авлодни муносиб тарбиялашга алоҳида ҳисса қўшади. Муаллифлар тўплам ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни китобхонлардан самимий қабул қилади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

И. А. Каримов. Юксак малакали мутахассислар – та-
раккиёт омили. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.

И. А. Каримов. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – Т.:
Халқ сўзи газетаси, 1996 йил 26 октябрь.

И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.:
«Ўзбекистон», 1998.

И. А. Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: «Тур-
кистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволла-
рига жавоблар – Т.: «Ўзбекистон», 1999.

И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Кари-
мов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.
– Т. 7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.

И. А. Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаро-
вон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Ислом зиёси ўзбегим
сиймосида. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашри-
ёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.
– Т.: «Manfiyat», 2010.

И. А. Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс
эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.

И. А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш
остонасида – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

М. Абдурахмонов. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. –
Т.: 1976.

Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Т.: «Абдулла Қоди-
рий номидаги халқ мероси», 1993.

Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. – Т.: «Меҳнат»,
1991.

- М. Асомиддинов.* Кийим-кечак номлари. — Т.: 1981.
- Абул Муҳсин Муҳаммад Бакр ибн Муҳаммад Али.* Баҳоуддин балоғардон. — Т.: «Ёзувчи», 1993.
- Ат-Термизий Абу Исо Муҳаммад ибн исо.* Саҳиҳ ат-Термизий / А. Абдулло таржимаси. — Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
- Ал-Бухорий.* Ҳадис. Ал-жомеъ ас саҳиҳ (Ишонарли тўплам). — Т.: «Қомуслар бош таҳририяти», 4-том. 1992.
- Ал-Бухорий.* Ҳадис. Ал-жомеъ ас саҳиҳ (Ишонарли тўплам). — Т.: «Қомуслар бош таҳририяти», 2-том. 1997.
- Ал-Бухорий.* Ҳадис. Ал-жомеъ ас саҳиҳ (Ишонарли тўплам). — Т.: «Қомуслар бош таҳририяти», 4-том. 1997.
- Абу Исо Муҳаммад Термизий.* Сунани Термизий (ҳадис тўплами) / Мирзо Кенжабек таржимаси. — Т.: «Адолат», 1999.
- Аҳмад Лутфий.* Саодат асри киссаси. Интизор кутилган тонг. 1-қисм. — Т.: «Шарқ», 2004.
- Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври: халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. 2004 йил 16–17 декабрь.
- Н. Боймуродов.* Раҳбар психологияси. — Т.: «Янги аср авлоди», 2007.
- Ш. Бўтаев.* Оқилона ҳаёт кечириш. Қоида ва қонунлар, оқибатлар. 1-қитоб. — Т.: «Фан», 2008.
- Ш. Бўтаев.* Оқилона ҳаёт кечириш. Қоида ва қонунлар, оқибатлар. 2-қитоб. — Т.: «Фан», 2008.
- О. Бўриев.* Ҳожа Аҳрор замондошлари // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 4-сон (37–81), 21 январь, 2005 йил.
- Бурҳониддин ал-Маргиноний.* Ҳидоя. 1-жилд. — Т.: «Адолат», 2000.
- Баркамол авлод орзуси. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1999.

Жалолиддин Мирзо. Термиз саййидлари. Самарканд-Термиз, 2001.

Б. Жўраев, С. Турсунов. Маҳалла – мустақил юрт таянчи. – Т.: «Muharrir», 2012.

Э. Зоиров. Маҳдуми Аъзам. – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011.

Имом ат-Термизий. Шамоили муҳаммадийя. – Т.: «Мехнат», 1991.

А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. Ватан туйғуси. – Т.: «Ўзбекистон».

З. Исақова. Буддавийлик. – Т.: «Фан», 2009.

З. Исақова. Нажмиддин Кубро. – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011.

З. Исақова. Машраб. – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011.

А. Иброҳимов. Бизким ўзбеклар. – Т.: «Шарк», 1999.

А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. Ватан туйғуси. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

Ислом. Энциклопедия: А – Ҳ. З. Ҳусниддинов таҳрири остида – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2004.

III. Шомаҳсудов, III. Шораҳмедов. Ҳикматнома. – Т.: Ўзбек совет энциклопедияси. 1989.

Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: «Ёзувчи», 1996.

Маънавият юлдузлари (марказий осийлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) // масъул муҳаррир: М. М. Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашри. – Т.: «А. Қодирй номидаги халқ мероси нашриёти», 1999.

О. Мусурмонова. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: «Ўқитувчи», 1999.

Машиқ замин – ҳикмат бўстон. – Т.: «Шарк», 1997.

М. Маҳмудов. Аҳли дил. – Т.: «Ўқитувчи», 1997.

Э. Маҳмудов. Қалб тугёнлари. Термиз, «Жайхун», 1998.

Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. А – О. I-том. – Т.: «Фан», 1987.

Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. П – Ҳ. II том. – Т.: «Фан», 1988.

Ж. Омонтурдиев. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: «Университет» нашриёти, 2000.

Э. Очилов. Алишер Навоий. – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011.

А. Т. Отахўжаев. Абу Али ибн Сино. – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011.

Тафаккур гулшани. – Т.: «Ғафур Ғулом нашриёти», 1989.

С. Турсунов. Термизий буюк сиймолар. – Т.: «Шарқ», 2002.

Т. Турдиев. Денов тафаккур чароғлари. – Т.: «Университет», 2010.

С. Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: «Шарқ», 2004.

С. Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё – этнографик макон. – Т.: «Akademnashr», 2012.

Б. Тўйчибоев, Қ. Қашқирли. Зоминнинг тил қомуси. – Т.: «Akademnashr», 2012.

Д. Шораҳмедов, М. Аминов. Маънолар маҳзани. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2001.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи А. Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2006.

Р. Қаландаров. Кўнгил сирлари. – Т.: «Tafakkur qanoti», 2011.

Б. Қодиров, Б. Муртазов. Чағониён адабиёти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002.

Қодиоров Қутлуг-бек. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2011.

А. Қайумов. Самандар Термизий. – Т.: «Мухаррир», 2012.

Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002.

Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002.

Ҳожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук (подшоҳларга қўлланма). – Т.: «Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1997.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Маънавий-ахлокий дунёкараш – миллий ўзликни англаш омили	5
Комил инсон турмуш тарзига чизгилар	11
Ватан туйғуси инсон одоб-ахлоқи мезони.....	22
Миллий анъаналаримизда ота-оналар ибрати.....	31
Оилани мустаҳкамлашда халқ ҳикматларининг ўрни.....	42
«Отанг – бозор, онанг – бозор»	56
Инсоннинг комилликка эришувида илм-фан ва бадииятнинг ўрни	63
Алломалар – халқ ҳикматлари ижодкори	79
Интилиш, изланиш, ташаббускорлик – мукаммаллик белгиси	94
Раҳбарга хос ўғитлар ва фазилатлар.....	100
Инсоннинг кундалик эҳтиёжларига оид ўғитлар	141
Ҳикматлар дурдонаси – миллий маънавиятимиз сарчашмаси.....	146
Хулоса	168
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	170



ISBN-978-9943-22-138-3



9 789943 221383